


**Нуриддин ИСМОИЛОВ**

Ю 3205X  
29,

**МИЛЛИАРДЕРГА  
ҚҰЙИЛГАН ТУЗОҚ**



**Нуриддин ИСМОИЛОВ**

# **МИЛЛИАРДЕРГА ҚҰЙИЛГАН ТУЗОҚ**

*Саргузашт-детектив роман*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2006 МАЖБУРИЙ  
НУСXA


84(54)6-445 Бадиий адабият  
Саргузашт-детектив  
роман

Нуриддин ИСМОИЛОВ. Миллиардерга куйилган  
тузоқ; —Т.: «Янги аср авлоди», 2006. —192 б.

10 32058  
29

ББК 67.404

ISBN 5-633-00261-X



© Нуриддин ИСМОИЛОВ.  
«Миллиардерга куйилган тузоқ».  
© «Янги аср авлоди», 2006.

## ҚАЛАМ ВА ҚАЛБ ҲАМНАФАСЛИГИ

*Муҳтарам китобхон! Сиз танишиб улгурган “Бургут тоғда улғаяди” ва эътиборингизга ҳавола этилаётган “Миллиардерга қўйилган тузоқ” китоблари мазмун-мундарижа нуқтаи назаридан бир-бирига яқин, ҳамоҳанг мавзулар бўлгани учун ҳам саргузашт-детектив жанрдаги асарлар сифатида эътиборга моликдир.*

*Адиб Нуриддин Исмоиловнинг бу янги саргузашт-детектив романидаги воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар ва уларнинг тақдири адабиёт мухлисларини қизиқтиради, қайси замон ва маконда бўлаётганидан қатъи назар, умуммуштарак ғоялар, тушунчалар билан эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг моҳиятини очиб беради, ёш замондошларимизнинг маънавий дунёсини бойитишга, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига хизмат қилади. Яхшиси, романи ўқинг, унга ўзингиз баҳо беринг. Ёзувчи учун ўз ўқувчисининг назари, баҳоси ҳар нарсадан ҳам қиммат турса керак.*

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Халқ шоири

Рустам машинага мингандан кейин ортидан Анжела қараб қолди. Сўнг эри томонга ўгирилиб:

— Жуда хушбичим, ҳатто чиройли йигит экан. Хайронман, шу пайтгача нега уйланмаган? Қизиқ томони, миллиардер. Наҳотки, шундай бой одамни аёллар ўз ҳолига қўйган бўлишса? — деди.

— Сенгаям ёқиб қолдимиз? — мийиғида кулиб сўради Семён хотинидан.

— Дарров бемаъни хаёлларга борасан-да, жоним, — дея аразлаган бўлди Анжела.

— Мен бошқа хаёлдаман. Ўзинг менинг гапимни бошқа томонга бурдинг. Юр, уйга кирайлик, гаплашадиган гаплар чиқиб қолди.

Улар учта тансоқчи ҳамроҳлигида ортларига қайтишди. Семён дарвозадан ичкарига кирганларидан кейин ҳовлисини гир айлантириб экилган майсага қараб роҳатланди. Кўзи қувнади. Кейин қулочини кенг ёзиб:

— Оҳ, нақадар гўзал бу олам, бир қара, — дея қўшиқ айтди. Анжела тўхтаб ортига бурилди. Эрининг мамнунлигини кўриб, жилмайди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради шўх овозда.

— Омад ўз оёғи билан ҳузуримга келганига ўзимни қўярга жой тополмаяпман. Мен, — дея Семён кўрсаткич бармоғини тепага қилди, — шаҳардаги энг бой кишилардан биттасиман. Мана шу ҳовлини сотсам, камида икки миллион долларга кетади. Қара, мен бу уйни қандай гўзал қилиб қурганман! Йўлагимиздаги манави тошлардан тортиб, уйнинг шифери-гача чет элдан келтирилган. Фонтанни бир маротаба менинг кўзим билан кўрсанг-чи, етти хилда тов-

ланали-я! Энди мен Россиядаги энг бадавлат одамга айланаман. Кўрасан, хотин!

Семён сал нарироқда ўзига ҳамон табассум билан боқиб турган Анжеланинг ёнига югуриб борди ва хотинини кучоқлаб олди-да:

— Ҳамма бойликларимни тарозининг битта палласига, сени иккинчи палласига қўйсам, барибир сен босиб кетасан. Ҳеч кимда сендайин гўзал, латофатли хотин йў-ў-қ! — дея бақирганча кўтарди-да, чирпирак қилиб айлантира бошлади.

— Ҳой, жиннивой! — дея эрига қичқирди Анжела қиқирлаганча. — Йиқитиб юборасан!

— Йўқ, мен сени ҳеч қачон йиқитмайман! Сен менинг гавҳаримсан! — дея бақирди Семён.

У икки-уч дақиқа хотинини худди шундай айлантириб турди ва шундан кейин ерга қўйди.

— Сашка! — дея бақирди Семён, — пиво олиб кел, шу ерда, манави майса устида, хотиним иккаламиз думалашиб пивоҳўрлик қиламиз.

Хизматкорлардан бири югурганча пиво кўтариб келди. Хорижда ишлаб чиқарилган ниҳоятда тиниқ пиво шишасини Семён қўлига олиб разм солиб қаради. Сўнг мийиғида кулди-да, бир кўтаришда ичидаги суюқликни сипқориб юборди.

— Семён, — дея эрининг бўйнидан кучоқлади Анжела, — сенга нима бўлаяпти?

— Ҳеч нарса, — деди Анжеланинг юзидан ўпиб қўйган Семён, — хурсандлигимдан бир яйрагим келди-да.

— Юр, уйга кирамиз.

Уй ёнига борганларида эшикнинг ўзи автоматик тарзда очилди. Эр-хотин бир-бирини кучиб ичкарига киришди ҳамда юмшоқ итальян мебелига ўтиришди.

— Биласанми? — дея гап бошлади Семён жиддий тортиб, — миямга антиқа фикр келди.

— Қанақа фикр экан? — дея эрига термилди Анжела.

— Рустамни шунчаки қўлдан чиқариб юборишимиз инсофдан эмас, йўлини қилиб олиб қолишимиз керак. Аниқроғи, унинг пулларини. Йўқ жойдан миллиардер бўл қолсам, нимаси ёмон экан? Қанчадан бери шунинг орзусидаман-ку. Иккита заводим, бешта рестораним бўлгани билан шунча пулни йиғолмаяпман-ку.

— Қандай қилиб унинг пулига эга чиқмоқчисан?

— Бунинг йўли жудаям осон. Биронта дугонангни ёки яқин қариндошингни топасан. У уйланади. Маълум муддат улар бирга яшашади. Ундан кейин ўз-ўзидан Рустам ҳамма билан умрбод хайрлашиб, нариги дунёга равона бўлади. Қарабсанки...

— Унинг қариндош-уруғи-чи, улар шунча бойликни икки қўллаб бериб, оғизларини очиб қолаверишадими? — деди Анжела.

— Нью-Йоркда унинг уйига киргандим. На отонаси бор, на-да қариндош-уруғи, ўшандаёқ бу фикр миямга келганди. Шунинг учун ҳам уни Москвага келишга ундадим. Ресторан, тунги бар қуриш баҳонасида, албатта.

— Ўйинг чаккимас, лекин битта хом жойи бор.

— Қанақасига?

— Дугонам ёки қариндошимга осмондан шунча мол-давлат тушиб қолса, уларни қандай қилиб сенга беради? Улар ошқовоқ бўлсаям, битта каллани кўтариб юришибди.

— Ҳа-а, — деди бошини қашиб Семён, — бу ёғини ўйламаган эканман. Унда менинг синглимга уйлантирсак-чи?

— Фақат қора танли йигитлар билан кўнгил хушлашни ёқтирадиган Маргаритами? Кўй, ундан бегона минг марта афзал.

Ҳафсаласи пир бўлган Семённинг бироз асаби бузилди. Бироқ буни хотинига билдирмаслик мақсадида улкан телевизорни ёқди. Зангори экранда бири-бирини обдон ялаб-юлқаб, севги “рақс”и билан машғул бўлаётган ёшгина қиз билан йигит тасвири

кўринди. Семён илгарилари бунақа фильмларни жон-жон деб кўрарди. Эрталабгача томоша қилиб чиққан пайтлари бўлган. Аммо ҳозир кўзи телевизорда бўлгани билан хаёли бошқа томонда эди. Анжела бўлса, фильмга берилиб кетди. Бутун диққатини кино тортиб олганидан эри билан бўлган суҳбат ёдидан ҳам кўтарилаёзганди. Баъзан кинодаги йигитнинг қилиқларига ютиниб кўярди. Зеро, эри анчадан бери бундай ишларни у билан бирга қилмаган, Анжеланинг эса соғинчи бўғзига келганди.

— Бор-йўғи битта йўли бор экан, — деб қолди бир маҳал Семён телевизордан кўзини узмаган ҳолда.

— Ниманинг? — деди Анжела ҳеч нарсага тушунмай. Айна дамда эрига норози нигоҳ ташлаб кўйди.

— Рустамни қўлга олишнинг... Унга сен турмушга чиқасан!

— Ним-ма? Кимга мен турмушга чиқаман? — дея кўзининг ола-куласи чиқиб эрига қаради Анжела.

— Эшитмадингми? Рустамга эрга тегасан!

— Ўйлаб гапираяпсанми? Мен сенинг хотинингман-ку, қандай қилиб бошқа бировга турмушга чиқаман? Иккаламининг муҳаббатимиз-чи? — деди Анжела энди кўзлари косасидан чиққудек бўлиб. Аслида, эрининг бу таклифи унга ёқиб тушган эди. Шу боис, бир лаҳза унинг кўз ўнгидан Рустамнинг чиройли табассуми, майин сўзлашлари, сочининг силлиқ таралгани ўтди.

— Ниҳоятда қисқа вақтга, жа узоқ бўлса, олти ой унга хотинлик қиласан. Бу билан бир жойинг камайиб қолмайди. Менга пул керак, Анжела, жуда-а кўп пул!

— Хўп, сен айтганча мен кўндим ҳам дейлик. У рози бўлмаса-чи? — деди Анжела эрига ёвқараш қилиб.

— Сенинг ҳусну латофатинг олдида у жонини беришга тайёр бўлади. Сен томондан озгина истак бўлса тамом.

Анжела эрига жавоб қилмади. У ҳозир Рустам



ҳақида ўйлаётган эди. Хотинининг жим бўлиб қолгани Семённинг жаҳлини чиқарди. Зарда билан телевизорни ўчирди. Эрини беш қўлидай яхши биладиган Анжела бирдан сергак тортди.

— Ҳўш, нима дейсан? — деди Семён хотинига ўткир нигоҳини тикиб.

— Ўйлаб олишим учун вақт берарсан? Ҳар қалай, мен ҳам одамман, бирорта иш қилишимдан, айниқса, бировга турмушга чиқишдан аввал ўйлаб кўришим керак-ку. Бировнинг никоҳида бўлиб туриб, қандай қилиб яна бошқасига эрга тегаман? — деди Анжела ўзини хафа бўлган кўрсатиб.

— Гапингда жон бор. Лекин ўйлашга фурсат йўқ. Сенга бунақанги таклифни айтишим менга осон бўлди, деб ўйлайсанми? Хуллас, бугун кечга мен Рустамни биронта ресторанга овқатланишга таклиф қиламан. Шунда сен билан муросамиз келишмаётганини, яқин кунларда ажрашишимиз эҳтимоли борлигини айтаман. Табиийки, у бизни яраштириб қўйишга ҳаракат қилади. Ва сен билан гаплашмоқчи бўлади. Худди шу пайт сен отингни қамчилайсан. Келиндикми? — деб Семён хотинига савол назари билан қаради.

Анжела “ҳўп” дегандек бошини қимирлатди ва ўрнидан туриб маҳзун қиёфада бир-бир қадам босиб, иккинчи қаватга кўтарилди ҳамда ётоқхонага кирди. У ўзини ҳўрланган ҳис қилмади. Балки, тошойна олдига бориб, чиройини томоша қилди. Сўнг хурсандлигидан чуқур нафас олди.

\* \* \*

Рустам Семённинг уйдан чиққанидан кейин аввалдан буюртма бериб қўйилган меҳмонхонага келди. У хафа эди. Шу боис ўзига еб қўйгудек бўлиб тикилган меҳмонхона ходимларининг ўзгача тавозе билан берган саломларига эътибор ҳам қилмади. Бошқа пайт бўлганда, албатта, илтифог кўрсатган, қизларга уларнинг гўзаллиги ҳақида айтган бўларди.

Ўзига ажратилган хонага чиққанидан сўнг ечин-

масдан ҳам каравотга чўзилди. Уни ҳамон Анжеланинг: “Исмингиз осиеликларникига ўхшаркан, асли қаерликсиз? Миллатингиз нима?” — деб берган саволлари қийнади. Ахир унинг ўзи ҳам шу пайтгача ота-онаси кимлигини, ким унга бунақа исм қўйганини, қаерда туғилганлигини билмайди. Хаёлида бори — ҳамма ёғи чақалакзор билан ўралган ўтлоқ. Қоратоб болаларнинг мол боқиши. Ўзининг ҳам шу болақайларга қўшилиб тўртта қўйининг орқасидан югуриб юргани... Кейин қаердандир иккита кишининг пайдо бўлгани ва унга конфет беришгани. Тамом, туғилган жойи ҳақида бошқа нарса эслай олмайди. Кейинги воқеалар унинг худди тушида кечгандай эди. Рустамга конфет берган одамлар уни сайр қилдирамиз, деб алдаб, машинага миндиришиб, узоқларга олиб кетиб қолишди. Сўнг ўша одамлар билан бирга самолётда учди. Рустам кўрқди. Кўзини чирт юмиб олди. Самолёт қаергадир қўнди. Рустам ҳалиги одамлар ҳамроҳлигида баланд-баланд иморатлар орасидан машинада ўтди. Кейин худди ўшандай иморатларнинг бири ёнида машинадан тушишди. Уни биринчи қаватнинг пастига етаклашди (ўша пайтда у ертўла нима эканлигини билмасди. Қишлоқнинг тўрт ёшли боласи қаёқдан ҳам билсин). Ҳалиги иккита одам Рустамнинг устидан қамаб, ўзлари қаёққадир чиқиб кетишди. Шу бўйи Рустам кечгача ўтирди. Қорни очди. Йиғлади. Аммо ҳеч ким эшикни очмади. Бир пайт у нур тушиб турган туйнукни кўриб қолди. Бориб қараса, туйнук хийла каттагина экан. Етти-саккиз ёшли болалар сиғмайди-ю, бироқ Рустам бемалол сиғаркан. У шу туйнук орқали ташқарига чиқиб кетди. Аввал қаёққа боришни билмай туриб қолди. Сўнг очлик хуруж қилавергач, боши оққан томонга кетаверди. Талай муддат юрди. Кўчада у ёқдан-бу ёққа шошиб кетаётган одамлар унга мутлақо эътибор беришмасди. Охири у чидамади. Қандайдир иморатнинг ёнига ўтирди-да, йиғлай бошлади. Бироздан кейин унинг тепасига

қари бир чол келди. Алланималар деди. Аммо Рустам ҳеч вақо тушунмади. Батгар йиғига зўр берди. Шундан сўнг ҳалиги чол унинг қулидан етаклади ва уйига олиб борди. Аввал чўмилтирди, кейин овқат берди. Рустамнинг нафси қонгач, яна ўзининг тилида бир нималар деди. Ҳеч вақони тушунмаётган Рустам бўлса унга нуқул: “Уйимга кетаман. Мени уйимга олиб боринг”, — дерди. Чол ҳам унинг нима деяётганини англамасди.

Шу куни Рустам унинг уйида қолди. Эртасига чол Рустамни нонушта қилдирди-да, ўзи қаёққадир кетди. Шу бўйи пешиндан кейин келди. Ўзи овқат қилди, уйларни тозалади. Рустам чолнинг у ёғидан ўтиб-бу ёғидан ўтиб, унга ёрдам берган бўлди. Чол муштдеккина боланинг ҳаракатини кўриб қулиб қўяр эди.

Орадан ой, йил ўтди. Рустам ўзининг тилини унута бориб, чол гаплашадиган туркчани ўрганиб олди. Кейин маълум бўлишича, чолнинг исми Олқар экан. Ёши етмишдан ошиб кетган, хотиниям, бола-чақасиям йўқ. Сўққабош экан. “Ёлғизлик мени роса қийнаган эди, яхшиям бахтимга сени топиб олдим. Бўлмаса кўп қийналган бўлардим”, — дерди чол гоҳида унинг бошини силаб. Улар Туркияда узоқ яшамадилар, чол уйини сотди. Кейин Америкага кўчиб кетишди. Орадан тўрт йил ўтиб, чол қазо қилди. Шундан сўнг Рустам ёлғиз ўзи қолиб кетди. Ижарага олган уйлари Нью-Йоркнинг камбағаллар яшайдиган туманида эди. Бу уй ҳам чол ўлганидан кейин эгалари томонидан тортиб олинди. Рустам энди бутунлай бошпанасиз қолганди. Бу пайтда Рустам Френк исмли қора танли бола билан дўстлашганди. У ҳам камбағал оиланинг фарзанди эди. Гарчи камбағал бўлишса-да, оила бошлиқлари Рустамнинг кўкрагидан итаришмади, уйларига қабул қилишди. Ўзларининг ўғилларига нима беришса, қип-қизил етим болакайга ҳам шуни беришди. Кучлари етгунча ҳисоб-китобдан дарс беришди, зеро мактабда ўқитиш учун уларда пул йўқ эди.

Албатта, бу яхшиликларнинг бари етим бола фарзандларининг ўртоғи бўлгани учунгина қилинмади. Эҳтимол, кўзлари порлаб турадиган бу болакайни ёқтириб қолганликлари ҳам бунга сабаб бўлгандир. Айни пайтда улар Рустамда ўзлари учун ажабтовур туйилган қизиқ феъл-атвор, кўникмаларни ҳам кўришди. Чунончи, Рустам эрталаб уйғонганидан кейин Френкка ўхшаб ётган жойида бирон нима тановул қилмас, аввал албатта юзини ювар ва ана шундан кейингина салом берарди. Тамалди пайтида эса болакай фақат катталардан кейин таомга қўл узатар эди. Бирорта айб иш қилиб қўйганида эса, Френкнинг отасининг кўзларига тик қаролмас, бошини эгиб турарди. Ҳолбуки, Френк ундан фарқли ўлароқ, бунақа пайтлари отасига ўзининг ҳақлигини исботлашга уринар, шу йўл билан жазосиз қолишга ҳаракат қиларди. Ҳамма нарсага қизиқувчан оила бошлиғи Рустамнинг феъл-атворидаги бунақанги кўринишларни унинг гўдакликдан шунақа тарбия олганлигига йўйди.

Аввал Рустам бу уйда фарзанд қатори яшаб юришдан ийманмас эди. Бироқ йиллар ўтгани сайин шундоғам кунини базўр ўтказадиган оилага қўшимча юк бўлгиси келмаганидан бу оилани тарк этди. Кўп узоқ кетмади. Бойваччалар туманига борди. Ёш бўлишига қарамай, пулдорларнинг нимаики иши бўлса, барини бажарди. Ҳаттоки ҳожатхоналарини тозалашдан оро қилмади. Олган чойчақаларини авайлаб-асради. Имкон қадар камхарж бўлишга уринди. Оқибатда беш юз долларга яқин сармоя тўплади. Бу пайтда ёши ўн бешга яқинлашиб қолганди. Шундан кейин у ишига бироз ўзгартириш киритди. Бой оилалар билан гаплашиб, уларнинг кундалик озиқ-овқатларини ўзининг пулига олиб келиб берадиган бўлди. Маҳсулотни қўлига олгандан кейингина уй эгалари у билан ҳисоб-китоб қилишарди. Бундай усул Рустамнинг сармоясини кундан-кунга ошириб борарди. Ва у кўча-кўйда яшаб юришни бас қилиб,

ижарага уй олди. Кунлар ўтиши билан топаётган пуллари унга камлик қилаётгандай туйилиб қолди. Шунда у кичкинагина газета дўкончасини очди. Ва газета сотишни йўлга қўйди. Ҳам хонадонларга мол ташишга, ҳам газета сотишга бироз қийналиб қолгани учун қора танли дўстини олиб келиб дўкончасига ўтқазиб қўйди. Шундан кейин омад эшиги унга ланг очилди. Реклама билан шуғулланди. Камбағаллар тумани билан бойларникининг ўртасидаги бензин қуйиш шахобчасини сотиб олди. Кейинги ишлари хамирдан қил суғургандай осон бўлиб кетаверди. Орадан саккиз йил ўтганидан кейин у биринчи миллионга эга бўлди. Шундан сўнг дўконларининг сонини янада кўпайтирди. Турли-туман компанияларнинг акцияларини сотиб олди ҳамда бир кунлик даромадини юз мингга етказди. Кунларнинг бирида “синиб куни битган” компанияни сув текинга қўлга киритди. Бу унинг ҳақиқий бой бўлиб кетишига катта туртки бўлди. Ва у миллиардерга айланди...

Рустам ҳар гал ўтмишини хотирлаганда кўпроқ пулни “қоплаб” топган онлари эмас, балки ёшлигидаги сарсон-саргардон, оч-наҳор юрганлари ёдига тушди. Ичидан зил кетади.

Шундай ўйлар гирдобидаги Рустам кўп ўтмай ухлаб қолди. Тушига оппоқ рўмол ўраган, пешонаси тиришган аёл кирди. У нуқул жилмайиб турарди. Тушидаёқ: “Ким экан бу аёл?” — деб кўп ўйлади. Бироқ барибир кимлигини билолмади. Илгари ҳам бир неча бор тушида бу аёлни кўрган эди. Аммо ҳар гал аёл бир огиз ҳам сўз айтмас, жилмайишдан нарига ўтмасди.

Тинимсиз жиринглаётган телефон уни уйғотиб юборди. Рустам уйқусираган қўйи гўшакни кўтарди.

— Ухлаб қолдингми, нима бало? — деган овоз келди гўшакдан. Бу Семён эди.

— Ҳа, бироз ухлабман, чарчаганман, шекилли, — дея жавоб қилди Рустам.

— Сен билан оқшом бирга овқатланиш ниятим

борлигини айтиб қўймоқчи эдим. Кечқурунга ҳеч нарсани мўлжаллаганинг йўқми? Ҳар қалай, рус аёллари анчайин мафтункор бўлишади. Ажабмаски, меҳмонхонада биронтасини кўз остига олиб қўйган бўлсанг, — деди кулиб Семён.

— Нималар деяпсан? Самолётда ўлардай чарчаганга ўхшайман.

— “Горка” ресторанида кутаман. Умуман... Тўғриси, сен билан гаплашиб ўтиргим келди. Ҳасратлашиб...

Рустамнинг ташқарига чиққиси йўқ эди. Шовқиндан безор бўлганди. Қолаверса, эртага бир талай ишлари бор эди. Шундай бўлса-да, Нью-Йоркда орттирган дўстини хафа қилгиси келмади. Ва унга: “Бораман”, дея ваъда бериб юборди.

Бироз вақт ўтгандан кейин яна телефон “шовқинсурон” кўтариб қолди. Рустам эринибгина гўшакни қулоғига тутди.

— Безовта қилмадимми? — деган аёл кишининг овози келди гўшакдан. Рустамнинг юзига табассум югурди:

— Сиздай соҳибжамол маликанинг истаган пайтда безовта қилишга ҳаққи бор, — деди у. — Ҳозиргина Семён қўнғироқ қилган эди. У ҳақиқатан ҳам безовта қилганди.

— Ҳа-а, дарров дардини дoston қилгиси келиб қолибди-да, — деди Анжела киноя билан.

— Тинчликми, нима бўлди? — дея сўради Рустам ҳайрон бўлиб.

— Унинг сиз билан дўстлигидан хабарим йўқ-ку-я, лекин мен у билан яқин кунларда ажрашсам керак.

— Боягина апоқ-чапоқ эдинглар-ку, дарров ораларингдан ола мушук ўтиб қолдими? — деди шунчаки оилавий жанжал бўлса керак, деб ўйлаган Рустам.

— Сизга шундай кўринган бўлса керак, аслида... Майли, қўйинг бу гапларни. Меҳмонхонага яхши жойлашиб олдингизми?

— Раҳмат.

— Шунингиздан сўрамоқчи эдим, холос. Кейинроқ гаплашармиз, — дея Анжела гўшакни қўйди.

Рустам эса гўшак қўлида, ўйланиб қолди. Кўз ўнги-дан Семён билан Анжеланинг бир-бирига қараб жилмайиб боқишлари ўтди. “Йўқ, — деди ўзига-ўзи у, — бу ерда бошқа сир борга ўхшайди. Бирдангина бунақа бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, Анжеланинг бирдан, ҳали яхшилаб танишиб олмасимиздан бурун бундай дейиши сал ғалатироқ туйилапти”.

\* \* \*

— Анжелка, — деди хотинини кучиб Семён, — сен, аслида, актриса бўлишинг керак эди. Боладинг. Энди бу ёғини ҳам қотириб ташлайсан.

Анжела эрига норози қиёфада қаради.

— Ўзимнинг суюкли эрим тўғрисида ҳар хил бўлмагур гапларни айтиш менга осон деб ўйлайсанми?

— Бу гапларни қўй, сен иш тўғрисида ўйла, — деди Семён Анжеланинг кўнглини кўтарган киши бўлиб.

“Майли, ҳозирча шунақа деб тур. Сени биламан, агар керак бўлиб қолса, мендан ҳам воз кечиб юборишинг мумкин. Рустамни қўлга олганимдан кейин ўзим биламан нима қилишни”, — дея хаёлидан ўтказди Анжела ва бир-бир қалам ташлаб ташқарига чиқди.

Семённинг ёшлиги жуда аянчли ўтган эди. Отаси — пиёниста, онаси эса кўча аёли. Семён Рустамдан фарқли ўлароқ, кўча болаларига қўшилиб кетди. Майда безорилик билан шуғулланди. Бунинг оқибатида бир неча марта қисқа-қисқа муддатларга қамалиб чиқди. Қамокда олган “тарбия”си унинг ҳақиқий каллакесар, ўғри бўлиб етишишига мактаб вазифасини ўтаб берди. У уйига ҳар доим ярим кеча кириб келарди. Унгача эса биронта бузғунчиликка қўл урган, қайсидир шўринг қурғурнинг бурнини қонатган бўларди. Вақт ўтган сайин у аста-секин атрофига ўзига ўхшаган болаларни тўплай бошлади ва кўп

ўтмай яхшигина жиноий гуруҳ тузиб олди. Энди у майда-чуйда ўғирлик, йўлтўсарликни бас қилиб, дўконлардаги сотувчиларга зуғум қилишга ўтди. Кўп ўтмай, унинг номи катта-катта тўдабошиларнинг кулоқларига ҳам етиб борди.

— Ҳов, жиприқи, — деди унинг ёнига бир куни юзида тиртиғи бор, найнов, йигирма беш ёшлардаги барзанги келиб, — шаҳар учга бўлинган, бизга тўртинчи емхўрнинг кераги йўқ. Сенга бир кун муҳлат, итваччаларингни йиғиштириб, бу ердан қорангни ўчир!

Бу амрга Семён бўйсунмади. Тиртиқнинг кўзига бақрайиб турди-да, “миқ” этмай-нетмай унинг қорнига пичоқ тиқиб олди.

— Мен! — деди у пичоқни ирғитиб юбориб, қўлини қоқар экан, қаддини ғоз тутиб, — истаган жойимда нафас оламан!

Унинг қилган ишидан, гапидан куч олган атрофидаги “ўлаксахўр”лари мурдага ташланишиб, уни бўлақларга бўлишди-да, ахлатга ташлаб келишди. Семён бу ишдан кейин нималар содир бўлишини олдиндан биларди. Шунинг учун ҳам атайлабдан шунақа қилди. У тўдалардан бирининг “белини синдириб”, унинг ўрнига ўзи ўтиришни мўлжал қилганди. Зеро, у тўплаган куч-қудрат бошқаларникидан кам эмасди. Доим кимдандир пусиб, қимтиниб юриш унинг жонига теккан, бошқаларнинг у билан ҳисоблашиш вақти етганди.

Кутилганидек, ўша куннинг ўзидаёқ Семённинг йигитлари хабар топиб келишди: Филайнинг “Бомба” номи билан жиноят оламида машҳур хўжайини эртага чошгоҳда унинг шохини қайириб қўймоқчи эмиш. Семён хабарни эшитгандан кейин ёйилиб кулди. “Кўрамиз, — дея хаёлидан ўтказди у, — ким кимнинг шохини қайирав экан?”

Семён эртани кутиб ўтирмади. Ўша куннинг ўзидаёқ ҳаракатга тушди. Аввал йигитларини разведкага жўнатди. Улар зумда “Бомба”нинг қардалигини



аниқлаб келишди. Шундан сўнг у ҳеч иккиланиб ўтирмай йигитларини тўплади-да, ўша ёққа жўнади. Рақибни бунақа бўлишини кутмаган экан. Тўсатдан тапир-тупур отишма бошланиб қолганидан довдираб қолди. Ўзига келгунча эса Семённинг қўлига тушиб улгурди. “Бомба” деганлари Семён кутганидан ҳам анча иродали чиқиб қолди. У голибга бошини эгмади. Ғўдайиб Семённи онасидан олиб сўкди. Унинг бундай кўполлиги ўзининг бошига етди. Семён бундай қилмоқчи эмасди. Агар у Семённи “авторитет” сифатида тан олганида қўйиб юбормоқчи эди.

Шу воқеадан кейин шаҳарнинг қолган иккита хўжайини у билан сулҳ тузишди. Бу пайтга келиб мамлакатда парокандалик бошланган эди. Тезда янги-янги гуруҳлар, бойваччалар бўй чўзиб қолаётганди. Уларнинг ҳаммаси билан тортишишга янги “авторитет”нинг кучи етмасди. Шу боис ўзини тадбиркорликка урди. Бироқ у кутилмаганда қаттиқ касалланиб қолди. Олти ойга яқин тўшакдан қимирламай ётишга тўғри келди. Бу вақт ичида унинг кўпгина йигитлари бошқа гуруҳларга ўтиб кетди. Атрофида ўзига ишончли олтитагина одами қолди, холос. У соғайиб чиққач, аввалги обрўсини тикламоқчи бўлиб кўп уринди. Бироқ ғишт қолипдан кўчган экан. Шундай бўлса-да, аввалги шаҳардаги иккита заводга эга чиқишга муяссар бўлди. Ресторанлар қурди. Кейин Анжелага уйланди.

Семён Нью-Йоркга борганида иттифоқо Рустамга дуч келиб қолди. Гаплари бир жойдан чиққач, ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Оғиз кўпиртириб Москвада айна бизнес қилиш вақти келганлигини тушунтирди. Узоқ мулоҳазалардан сўнг Рустам рози бўлди. Зеро, ўзи ҳам “қулоч”ини кенгроқ ёзиш вақти келганлигини ўйлаб юрар эди.

\* \* \*

Айтилган вақтдан ярим соат аввал Семён ресторанга етиб келди. Икки шиша пиво ичди. “Қилаёт-

ган ишим анчайин хатарли, — дея уйлади у. — Мен бирваракайига ҳам хотинимдан, ҳам Рустамдан айрилиб, икки қўлимни бурнимга тиқиб қолишим ҳеч гап эмас... Агар Рустам Анжелага уйланса, иккиланмасдан уни гумдон қиламан. Кейин Анжелани қўлимда ўйнатаман. Албатта, менга бировдан қолган “ма-тоҳ”нинг кераги йўқ. Мақсадимга етганимдан сўнг ундан ҳам воз кечиб қўя қоламан. Ҳали мактабни ҳам тугатмаганига уйланиб, мазза қилиб яшайман”. Семён ширин энтикиб қўйди. Худди шу пайт йигитлари Рустам келганлигидан хабар беришди. У эринибгина ўрнидан турди-да, меҳмонга пешвоз чиқиш учун ресторан эшиги томонга юрди.

— О-о-о, — деди Семён Рустамни кўргач кучоғини очиб, — кўришмаганимизга ярим кун ҳам бўлмади-ю, менга йиллар ўтиб кетгандай бўлди.

— Ҳақиқий дўстлар ҳар дақиқада бир-бирини соғиниб қолишади, — деди Рустам ҳам кулиб ва ўзидан бирмунча пакана Семённи эгилиб кучоғига олди.

Улар дастурхон атрофига ўтирганларидан кейин:

— Нега тансоқчиларинг билан келдинг? Улар Россияда дам олишади. Бундан бу ёғига меникилар сенга хизмат кўрсатишади, дегандим-ку, — деди дўстидан ўзини бироз ранжиган кўрсатиб Семён.

— Ўрганиб қолганман буларга, — деди Рустам. Сўнг Семённинг қулоғи томонга бироз эгилиб пичирлади: — Булар менга худди хотиндай бўлиб қолган.

Шу ондаёқ иккаласи ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Кейин Семён қадаҳларга тўлдириб ароқ қуйди.

— Биласанми, мен бу қадаҳни ишимизнинг омади чопиши учун ичмоқчиман, — деди.

— Албатта, — дея Рустам ҳам қадаҳни қўлига олиб Семённики билан уриштиргандан сўнг худди дўсти каби бир кўтаришда сипқармоқчи бўлди. Аммо удалай олмади. Афти бужмайиб кетган Рустам қадаҳдан бор-йўғи бир қултумгина ичолди, холос.

— Русларнинг ароғи ана шундай ўткир бўлади. Ҳечқиси йўқ, ҳали ўрганиб кетасан, — деди Семён Рустамнинг аҳволини кўриб.

Шундан кейин улар иш тўғрисида бироз гаплашиб туришган бўлишди. Кўпроқ Семён гапирди. Рустам унинг гапларини маъқуллаб, бош қимирлатиб турди, маъқул келмаганларига эса ортиқ қулоқ солмади ҳам. Кейин гап мавзуси оила томонга бурилди-ю, Семён бирдан хотинидан нолий кетди.

— Ишонасанми? Анжела учун ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйганман. Ўзига бир эмас, иккита “Мерс” олиб берганман. Шуюм кам! Қачон қарсанг, минғирлагани-минғирлаган. Мен аёлларни яхши кўрармишман. Ўзинг ўйла, қайси эркак аёл зотини ёмон кўради? Ҳаммаям ҳар-ҳар замонда шўхлик қилгиси келади-да, шунга энди дунёни бузиб гафго кўтариш керакми? Хуллас, у билан ажрашмоқчиман. Бошқа йўли йўқ ундан қутулишнинг, — деди Семён афсусланиб бошини чайқар экан.

— Яхши-ку, — деди унга эътироз билдириб Рустам, — аёл бўлганидан кейин эрини қизганида-да, эрим бойвачча деб тўғри келганга сени бериб кетаверсинми? Агар Анжела эркакларни хуш кўрганида, ўзинг нима қилган бўлардинг? Чидаб турулармидинг?

— Рустам, дўстим, биз эркаклармиз. қўлимиз узун. Ана, арабларнинг тўрттагача хотини бор. Бизда бор-йўғи биттагина. Шунга битта-яримта “дугона” орттирсак осмон узилиб тушибдимиз? — деди Семён ўзининг гапини маъқуллаб.

— Мен барибир сенинг гапингга қўшилмайман. Хотининг фариштадай аёл. Агар унинг жавобини берсанг, унга ўхшаганини бошқа тополмайсан.

— Гапингга қўшиламан. Лекин... Хуллас, чарчадим. Топганим, балки, Анжела бўлолмас, аммо аниқ биламанки, миямни бунчалик эговламайди.

— Хотининг билан мен гаплашиб кўришимга рухсат берасанми? — деди Рустам суҳбатдошининг кўзига

қараб туриб. Унинг бу гапи Семённинг айна кўнглидаги эди. Ахир бекорга шунча гапни Рустамга айтмади-ку. Шундай бўлса-да, у сир бой бермасликка ҳаракат қилиб:

— Гаплашсанг-гаплашмасанг мен қатъий қарорга келиб қўйдим. Қароримни ўзгартириш ниятим йўқ, — деди.

— Сен қароринг ҳақида гапирма. Дунёда нималар ўзгариб кетмаяпти дейсан. Сенинг қароринг уларнинг олдида икки пул. Эртагаёқ Анжела билан гаплашаман.

— Майли, ўзинг биласан. Ке, қўй, шу гапларни, мен ўзимни жуда ноқулай сезаяпман. Худди аёллардай гийбат қилаётганга ўхшаб қолдим. Қани, яна битта-битта отайлик.

Рустамнинг бироз кайфи ошганлиги сабабли кейинги ичилган ароқнинг ўткирлиги сезилмади. Улар яна пича ўтирганларидан кейин ўринларидан туришди. Семён қанча ҳаракат қилмасин, Рустам унинг одамларини қўшимча тансоқчиликка олмади.

У дўсти билан хайрлашганидан кейин кўл телефони жиринглаб қолди. Рустам: “Семён биронта гапни эсидан чиқариб қўйган, шекилли”, деган ўйда телефонини ёқиб қулоғига тутди.

— Рустамчик, — деган овоз келди ундан.

— Ким бу? — деди Рустам ўзига кўнгироқ қилган кизнинг дарровдан кимлигини билолмай. Хўжайиннинг бундай савол берганини эшитган тансоқчилар безовталаниб Рустамга қарашди. Рустам уларга “Ҳаммаси жойида”, дегандек қўлини кўтариб қўйди.

— Наҳотки мени дарров эсингиздан чиқариб қўйган бўлсангиз? — деди овоз эгаси.

— О-о, Анжела, — деди Рустам юзига табассум югуриб, — яқинда давлатингиз меникидан ҳам ўтиб кетар экан. Танимабман, ўлай агар.

— Сиз эркалар доим шунақасиз. Дарров эсингиздан чиқариб қўясиз, — дея эркаланган овоз келди гўшакдан.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг. Мен. албатта, айбимни ювишга ҳаракат қиламан. Айтинг, қилган айбимни нима билан ювсам бўлади?

— Мен билан кўришасиз!

— Унда мен тайёрман. Қачон ёнингизга қушдай учиб борай?

— Ҳозироқ, — дея шўх кулди Анжела.

— Ҳозир, — дея довдираб қолди Рустам.

— Кўрқиб кетдингизми?

— Йўқ, Семён билан кўришганимизга атиги...

— Агар унинг номини яна бир марта тилга олсангиз, мен сиз билан гаплашмай қўяман, — дея бирдан Рустамнинг гапини бўлди Анжела.

— Майли, мен розиман. Ҳозироқ бораверайми?

— Ҳазиллашдим. Яхшиси, эртага кўришайлик. Бамайлихотир ўтирамыз. Нима дедингиз?

— Жуда соз. Мен ўзим сиз билан эртага кўришишни мўлжаллаб тургандим. Эртага пешинда мен сиз айтган ерга бораман.

— Яхши, унда ўзим сизга кўнғироқ қиламан, — деб Анжела гўшакни қўйди.

“Ўзи нималар бўлаяпти? — дея ўйлади Рустам. — Анжела менинг телефон рақамимни қаердан олибди? Яна кўнғироқ қилган вақтини қаранг. Эри билан хайрлашиб улгурмасимдан... Нега энди олдинроқ кўнғироқ қилмади? Бу ерда бир сир борга ўхшайди”.

Рустам туни билан ухлаёлмай чиқди. Энди уйқуга кетиши билан тушига қандайдир махлуқлар кириб, унга ҳужум қилар, Рустам чап бериб қочмоққа тушса, яна олдидан чиқиб қолаверарди. Охири бўлмади. Ўрнидан турди-да, чироқни ёқди. Бориб юзини ювиб келди-да, каравотга ўтирган кўйи хаёл сурди. “Тушим нимадан далолат бераяпти? Илгари ҳечам бунақа туш кўрмасдим... Балки, Семён билан Анжеланинг ажрашишида хийла сир яширингандир?” Бироз ўтиб Рустам бу ўйларидан бутунлай воз кечди. Чунки москвалик дўстларининг оилавий келишмов-

чилигида ўзининг дахлдорлигини кўрмади. Сўнг бироз чарчаш, кўзини толиқтириш мақсадида телевизиорни ёқди. Ҳаммаси рус тилидаги кўрсатув, кинолар. У ҳеч вақо тушунмади. Шундай бўлса-да, экранга бақрайиб ўтираверди. Мақсади бирон нима англаш эмас, шунчаки кўзини чарчатиш эди. Ниҳоят, тонгга яқин мақсадига эришди. Қотиб ухлаб қолди. Ва шу аснода кўрган тушини буткул унутди.

Рустам эрталаб Семён билан учрашди. Ошнаси уни эски кинотеатр биносига олиб борди. Рустам бу иморатни синчиклаб кузатар экан, икки юз минг доллар эвазига қойилмақом қилиб таъмирдан чиқаришни чамалади. Албатта, Америкада бундай бинони “одам” қилиш учун камида бир миллион кетади. Россияда эса арзон ишчи кучи эвазига бинойилек иншоот тикласа бўлади.

У бажарилажак барча ишларни Семён билан келишиб олганидан сўнг яна меҳмонхонага келди. Бу сафар Семён тихирлик қилиб уни олиб қолишга уринмади. Рустамга ҳам Семёндан таклиф тушмагани маъқул келган бўлса-да, кўнглининг бир бурчагида ғашлик пайло қилди.

Тушдан кейин Рустамга Анжела кўнғироқ қилди ва ажабланарли томони, у ҳам “Горка” ресторанида учрашишса маъқулроқ бўлишини айтди. Рустам кўнди, унга бу томошанинг нима билан яқунланиши қизиқроқ эди.

Рустам ресторанга борганида ёнига бир неча хизматчи қизлар нима ейишини сўраб келишса-да, буюртма бермади. Анжела етиб келишини кутди. Жувон келишилган муддатдан нақ ярим соатта кеч қолиб келди.

— Мени юз бора кечирасиз, — деди у ресторан ичида кўриниш бериши билан. — Ишларим шу даражада кўпки, санаб ўтишнинг ўзига нақ бир кун вақт кетади.

Рустам уни ўрнидан туриб тавозе билан кутиб олар-

кан, кўлидан ўпиб қўйди. Ва жувоннинг кечикишидан асло хафа бўлмаганлигини айтди.

— О-о, Рустамчик, қани эди, ҳамма сиз каби олижаноб эркак бўлса, — деди Анжела Рустамни мақтаб, — сизнинг хислатларингиз адоқсиз.

Таомномадан ҳар иккаласи ҳам ўзларига ёққанини танлаб бўлишгандан сўнг:

— Рус ароғининг энг зўридан икки шиша олиб келинг, — деди Анжела хизматчи аёлга алоҳида таъкидлаб.

Буни эшитган Рустамнинг капалаги учиб кетди:

— Рус ароғининг “шира”си ниҳоятда ўткирлигидан хабардор бўлдим. Агар ундан икковлашиб икки шиша ичадиган бўлсак, мени бу ердан кўтариб олиб кетасиз, — деди у.

— Хавотир олманг, — деди Анжела Рустамга эҳтиросли табассум ҳаля этиб, — бизда қонун шундай, стол устига, албатта, бир жуфт ароқ қўйилади.

Рустам бирдан Семён билан бирга ўтирганини эслади. Унда бир шиша ароқ қўйилган эди. Ҳеч қанақанги удум ёдга олинмаганди. Таажжубланган Рустам жувон ноқулай аҳволга тушиб қолмаслиги учун жилмайиб қўя қолди.

— Биринчи қадаҳни, — деди Анжела стол усти турли нозу неъматлар ва егуликлар билан тўлгач, қадаҳларни тўлдиран экан, — танишганимиз учун ичамиз. Бизнинг уйимизга борганингизда ёзилиб ўтиролмадик. Мана бугун очилиб чақчақлашамиз.

Рустам аввал аёлнинг қадаҳ бўшатишини кутди. Ароқни ичаётганида Анжеланинг бирор туки ўзгармади. Рустам ҳам худди жувондай қилиб ичмоқчи бўлди. Лекин уддасидан чиқолмади. Кўзидан ёш чиқиб кетишига оз қолди. Қадаҳни стол устига қўйиши билан ортидан салқин ичимлик хўплади.

— Биласизми? — деди Анжела орадан бирор беш дақиқа ўтганидан кейин суҳбатлари озгина қизишгач, — мен сизнинг дўстингиздан хафаман. Албатта, юмшоқ қилиб айтганимда. Ваҳоланки... Яхшиси, ай-

тмаганим маъкул. Хуллас, Семён билан ажрашаман!

— Нега? — деди Рустам ўзини гўлликка солиб.

— Балки Семён билан бирга худди шу жойда ўтирганларингизда мен ҳақимда у гапирган ва менинг устимдан мағзава ағдарган чиқар... Умуман, унинг гаплари мен учун сариқ чақага қиммат.

— Анжела, — деди Рустам унга табассум билан боқиб, — у сиз ҳақингизда жуда кам гапирди. Худди сиз каби “Ажрашмасам бўлмайди”, деди, холос.

— Рустамчик, эркаклар гийбатга нўноқ бўлишади, дейишади. Буларнинг бари — сафсата. Айнан эркаклар гийбатда аёлларни ортда қолдириб кетишяпти. Албатта, бу гаплар сизга тааллуқли эмас. Сизнинг олижаноблигингиз шундоққина кўзингиздан кўри-ниб турибди. Семён бўлса... Унинг дунёси мутлақо бошқа. У бир марта оғир касалликка чалиниб қолган эди. Кўпчилик уни ўлса керак, деб ўйлаганди, бироқ ҳали куни бор экан, яшаб кетди. Тузалгач, атрофида ҳеч ким қолмаганини кўриб, таҳликага тушиб қолди. Ўшанда биринчи марта мен ёрдамга келганман унга. Кўрнамак, билмади шу хизматларимни, муккасидан хотинбозликка урди ўзини. Кошки, қўлидан бирон нима келса. Мен унинг хотини бўла туриб, унинг бу борада қай даражада эканлигини биламан-ку. Ялаб-юлқашдан нарига ўтмайди. Ахир менинг ҳам она бўлгим, фарзанд кўргим келади, — шундай дея Анжела кулиб юборди, сўнг ўзини кулгидан базўр тўхтатиб: — қандай қилиб хотинбозликни эплайди, ҳайронман!.. — деб кўшимча қилди.

— Унда нега рашк қияпсиз? — дея сўради ҳайрон бўлиб Рустам.

— Мени қадримни ерга ургани учун... Тўхтанг, шу ерда бу мавзуга нуқта қўйиб, яна битта-битта отайлик, — деди Анжела Рустамга қараб жилмаяркан.

Рустам бу сафар ароқни қадаҳларга Анжела қуйишига йўл қўймади. Идишларни ўзи тўлатди. Навбатдаги қадаҳдан сўнг Анжеланинг кўзи сузилиб қолди. Шундай бўлса-да, у сўзидан адашмаётган эди.



— Рустамчик, сизга қанақа аёллар кўпроқ ёқади?  
— дея сўради у.

Рустам турли давраларда бўлган, қаерла нима деб гапириш ҳадисини олганди.

— Албатта, сизга ўхшайдигани. Яъни, кўзи мовий, сочи тим қора, оппоқ юзли, тор шим ва кўйлак киядигани, — дея жавоб қилди у.

— Комплимент учун ташаккур, — деб Анжела ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтиб, ҳеч торти-ниб ўтирмасдан Рустамнинг лабидан ўпди, — сиз айнан мени таърифладингиз.

Бу пайтда унинг эри — Семён уларни қўшни зал-да кузатиб ўтирарди. У хотининг қилиғини кўриб ғижинди. Ва асабийлашганидан олдидаги вискини бир кўтаришда ичиб юбориб, оғзини енги билан артди. Сўнг ароқ шишасига термилиб қолди. Пешонаси тиришиб, шишадаги ёрлиқни ўқиб ўзини ову-моқчи бўлди. Ўқиди-ю, бироқ миясига ҳеч нима кирмади. Шундан сўнг у алам билан шишани стол устига тўқ этказиб уриб ўрнидан турди-да, иккинчи эшик орқали ташқарига чиқиб кетди.

Рустам ўпишиш шунчаки бўлмаганини, унга озги-на эҳтирос ҳам аралашганини сезган ва бу аёлга нисбатан ўзида ҳам қизиқиш пайдо бўлганди. Бироқ сир бой бермади. Қандай ўтирган бўлса, шу ҳолича ўтираверди.

— Зерикдим, — деди Анжела, — ҳамма нарсдан бездим. Узоқларга кетгим келаяпти. Кўзимни юм-моқчиман, воз кечмоқчиман баридан.

— Баъзида одам шундай қилгиси келиб қолади. Менимча, бу ўткинчи ҳою ҳавас, агар хоҳлаган нар-сасини ўша пайтнинг ўзидаёқ бажармаса, кейин бу нарса ўз-ўзидан қолиб кетади.

— Йўқ, мен қолиб кетишини истамайман. Узоқ Африка бўлсаям майли, Семёндан нарироқ юрсам бўлгани, — деди кўзига ёш олган Анжела.

Рустам атрофига аланглади. Бегона кўзлар уларни кузатмаётганига амин бўлгач, секин ўрнидан турди-

да, Анжеланинг ёнига бориб унинг қўлидан ушлаб ўрнидан тургазди.

— Биз бу ерга қайғуларни эсга олиш учун келганимиз йўқ, — деди унга жилмайиб қараб. — Кетдик, яхшиси бирорта боққа бориб сайр қиламиз.

Таклиф Анжелага маъқул тушганидан, индамай Рустамга эргашиди.

Ташқарига чиққанларидан кейин эллик метрлар чамаси нарида спортчиларга ўхшаб кийиниб олган бир йигит уларни кузатиб тургани Рустамнинг эътиборини тортди. Бироқ парво қилмади. Ўйладики: “Семён менинг тансоқчиларимга ишонмай, қўшимча одам йўллаган”, деб. Рустам ўтирган машина йўлга тушганидан кейин ҳалиги йигитнинг ҳам машинаси томон шошиб қолиши унинг гумонини яна бир марта тасдиқлади. Машина катта тезликда Пушкин боғи томонга елиб кетди. Анжела Рустамнинг қўлини кучоқлаб олган, ҳар замон кўзига эҳтиросли қараш қилиб кўяр эди.

Улар талай муддат боғни айланишди. Рустам жувонга Америка ҳақида гапириб берди. Аммо қизлар ҳақида бирон оғиз ҳам сўз айтмади. Анжелани эса Рустамнинг айнан қизлар билан муносабати кўпроқ қизиқтирарди.

— Шу ёшгача биронта аёл билан ҳам юрмаганмисиз? — дея сўради охири унинг ўзи чидолмасдан гап мавзусини шу томонга буриб.

— Афсуски, бу масалада мен жудаям ночорман. Ишларим шунчалик кўпки, қизлар билан юриш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлашгаям фурсатим етмаган. Мана, биринчи бор айланиб юрибман. Шундаям азбаройи ўртоғимнинг хотини бўлганингиз учун...

— Рустам, мени хафа бўлмасин десангиз, кимнинг хотини эканлигимни эслатманг, илтимос, — деди Анжела Рустамнинг қўлини қўйиб юбориб.

— Мен сизнинг дилингизни оғритиб қўймоқчи эмасдим. Қаерда туғилганим, кимнинг фарзанди

эканлигимни билмасам-да, ўзимни мусулмон ҳисоблайман. Мусулмонларда оила жуда муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун сизнинг оилангизни ўзимга яқин олиб, унинг бузилмаслигига ҳаракат қилаётган эдим. Семён ҳам, сиз ҳам бирга яшамасликка қарор қилган экансизлар, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Менинг эса иккаловингиз билан ҳам дўстлигим абадий бўлади, — деди Рустам Анжелага жиддий қараб.

— Раҳмат, Рустамчик, мен сиздан айнан шуни кутган эдим. Яна бир марта такрорлайман, сиз ҳақиқий олижаноб эркаксиз, тўғрироғи, йигитсиз. Эркак бўлишингизга, аҳвол шу тариқа кетаверса, кўп борга ўхшайди.

Анжеланинг сўнги гапидан кейин ҳар иккиси ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Қарангки, сўзни ҳам шунчалик усталик билан айтасизки, осонлик билан ўзингизга тегишли бўлган гапдан чиқиб кетасиз, — деди Анжела кулгидан тўхтагандан кейин.

— Нимани назарда тутаяпсиз? — деди Рустам.

— Аёллар билан боғлиқ гап-да, чала қолдириб бошқа томонга ўтиб кетдингиз-ку.

— Мен аввал ўзимнинг қайси миллатга тааллуқли эканлигимни аниқлайман, шундан кейин ўша миллат вакиласига уйланаман.

— Мабодо миллатингиз лўли бўлиб чиқса-чи? — дея сўради Анжела. Бу гап кутилмаганда унинг оғзидан чиқиб кетди. Гапириб бўлгандан кейин шундай савол бергани учун ўзини-ўзи ичида койиди.

— Шундай бўлган тақдирдаям, — деди Рустам бироз сўлиш олиб. Ва Анжелага қўлини узатди. Хайрлашиш учун узатилган қўл ҳавода бироз муаллақ қолди. Анжела Рустамдан буни кутмаган эди. Шу боиски довдиради. Кейин ноилож қўлини Рустамнинг кафтига қўйди. Рустам жентельменларга хос ҳаракат билан унинг қўлини ўпди-да:

— Мени маъзур тутасиз, зарур ишларим бор эди, ҳали сиз билан кўп кўришамиз, гаплашамиз, — деб

тез-тез қадамлар ташлаб жувондан узоқлашди. Ан-жела унинг орқасидан қараб қоларкан: “Бир куни, албатта, мен билан битим тузасан, бойвачча”, — дея хаёлидан ўтказди.

Рустам машинага ўтиргач, ҳайдовчига одамлар кўпроқ жойга олиб боришини айтди. Ҳайдовчи бироз ўйланиб тургач:

— Хўжайин, мен Москвани яхши билмайман, балки биронта одамдан сўрармиз, — деди ойна орқали орқа ўринликда ўтирган Рустамга.

— Унда ҳайдайвер, ўзим қаерда тўхташ кераклигини айтаман, — деди Рустам.

Қоп-қора, сўнгги русумдаги “Мерседес” жойидан енгилгина қўзғалди-да, дарров тезлашди. Рустам машина деразасидан кўчани томоша қилиб борар экан, битта жойдан катта-катта сумка кўтариб чиқаётган одамларни кўриб қолди ва ҳайдовчига шу ерда тўхташни буюрди.

Машинадан тушиб, ўша одамлар чиқиб келаётган жойга кирди. Рустам бу ер бозор эканлигини дарров англади. Ва расталар оралиғидан аста-секин юра бошлади. Сотувчилар ўзларининг молларини рус тилида мақташарди. Уларнинг гапини тушунмаган Рустам жилмайиб кўярди. У раста охирига етай деганда, бирдан гул бозори бошланиб қолди. Гуллар Рустамнинг жону дили эди, шу боисдан ҳам уйининг атрофига дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган гуллардан эккан, алоҳида коллекция қилган эди. Қизиқиши уни гулларни синчиклаб кузатишга мажбур этди. У сариқ-қизил аралаш очилган лолани қўлига олиб меҳр билан кузатаётганда унинг қулоғига қорачадан келган икки сотувчининг ўзаро гаплашаётганлари чалинди. Уларнинг гаплари Рустамга ниҳоятда таниш эди. У гулни унутиб, сотувчиларга термилиб қолди.

— Сизлар русмисизлар? — деб сўради Рустам инглизчалаб. Йигитлар инглиз тилини билишмас экан. Рустамнинг гапига тушунмасдан русчалаб бир нар-

салар дейишди. Энди уларнинг гапини Рустам тушунмади. Ва атрофига аланглади. Мақсади, биронта англиз тилидан бохабар одамни топиш эди. Хўжайиннинг безовталаниб қолганини кўрган икки тансоқчи югуриб келди. Рустам уларга англизчани билладиган одам топиб келишларини буюрди. Тансоқчилардан бири тезда ортига бурилиб юриб кетди. Иккинчиси эса Рустамнинг ёнида қолди.

Сотувчилар жуда башанг кийинган чет элликнинг қилиғидан ажабланиб, унга ҳайрон бўлиб қараб туришарди.

— Очил, — деди сотувчилардан бири шеригига, — менимча, бу жа катта бойваччага ўхшайди. Кўп гул оладиган чўти бор-ов.

— Менимча, бунинг Москвада қариндош-париндоши ўлган. Шунга чамбарак ясатиш нияти бўлса керак, — деди шериги Рустамдан кўзини узмай.

— Гулларнинг нархини беш-олти баравар кўп айтамыз, шу баҳонада кеча анави “ойимча”ларга кетган харажат чиқиб кетади, — деди дастлаб гап бошлагани.

— Шунақаларнинг тез-тез қариндош-уруғи ўлиб турса бизга яхши бўларди, — деди Очил исмли йигит.

Рустам дилига яқиндай гапларни эшитаётганидан хурсанд бўлар, гулларни кўриш баҳонасида қулоғини динг қилиб, сотувчиларнинг сўзларини кўпроқ эшитишга ошиқарди.

— Рус тилини билмаганиям яхши бўлди, бозорнинг нархини билмайди. Баҳонада бизлар “соққа” қилиб қоламиз, — деди сотувчиларнинг новчароғи.

Бу пайтда тансоқчи бир одамни етаклаб келиб қолди.

Рустам у одам билан қўл бериб сўрашди-да, озгина ёрдами керак бўлиб қолганлигини айтди. Тансоқчи билан бирга келган кўзойнакли одам:

— Жоним билан ёрдам бераман, — деди.

— Унда сиздан илтимос, манави, — деди Рустам

қўли билан сотувчиларни кўрсатиб, — манави йигитларнинг қайси миллатдан эканлигини сўраб беринг.

Кўзойнакли одам Очил билан унинг шеригидан қаердан келишганлигини сўради. Очил жавоб бергандан кейин ҳамроҳига хавотир билан қараб:

— Иш чатоққа ўхшайдими, дейман. Чет эллик нега бизнинг қаердан келганимиз билан қизиқиб қолди? — деди.

— Билмайман, — дея елкасини қисди новчароқ йигит.

— Демак, миллатларинг ўзбек, шундайми? — дея сўради Рустам. Унинг гапини таржимон рус тилига ўгириб йигитларга айтди.

Иккала сотувчи ҳам бараварига бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Менинг исмим Рустам. Бу исм сизларга ҳеч нарсани англатмайдими? — дея сўради Рустам.

— Оддий исм, бизнинг юртда бунақа исмли одамлар тиқилиб ётибди, — деди Очил.

Бу гапни эшитган Рустамни ҳаяжон босди. Кўзида ёш пайдо бўлди.

— Демак, Рустам деган исм сизларда кўп? — деди у кулоқларига ишонмай.

— Сиз гул олмайсизми? — дея сўради Рустамдан новча йигит.— Бизга сизнинг исмингиздан кўра, кўпроқ гулларни сотиш муҳимроқ.

У гапириб бўлгандан кейин Рустам кўзойнакли йигитга қаради. Таржимоннинг қиёфасида сотувчилардан хафа бўлганлик аломатлари пайдо бўлган эди.

— Бу йигитларнинг ҳозир вақти жуда зиқ экан. Эртароқ молларини сотиб, юртларига кетиши зарурмиш, — дея Рустамга йигитларнинг гапини бошқача таржима қилди таржимон. Кейин эса:

— Меҳмонга ҳам шунақа гап айтадими? — деди йигитларга ўзининг ранжиганини ошкор қилиб.

— Бу ҳозир қандай келган бўлса, шундай яна изига қайтиб кетади. Биз бўлсак, орқасидан термилиб

қолаверамиз. Гап сотгандан кўра беш-олтита гул сотиб олса, шуниси бизга яхши. Бу шаҳарга у меҳмон бўлса, бизам меҳмонмиз. Хўш, шунга нима қипти? — деди Очил кўзойнакли йигитга ола қараб.

— Рустам уларнинг сўзларига тушунмай бир унисига, бир бунисига қараб турарди. Таржимон хижолатдан чиқиш учун Рустамга қаради-да:

— Булар жуда узоқда яшашар экан. Шунни менга айтди, — деди.

— Гуллар... гулларни мен сотиб оламан, мана пули, — деб Рустам тансоқчи кўтариб турган чарм сумканинг ичидан бир даста юзталик доллар чиқариб Очилнинг қўлига тутқазди. Очилнинг ҳайратдан кўзи олайиб кетди. У бунақа бўлади деб умуман ўйламаган эди.

— Сизлар мен билан ресторанда тамадди қилинглар, илтимос. Кетишга шошилманглар, сизлардан сўрайдиган гапларим бор, — деди Рустам йигитларнинг юзларида хурсандчилик пайдо бўлганини кўргач.

— Бу баччағар, — деди новча ўзбекчалаб Очилга, — бизни чув тушириб кетса нима қиламиз?

— Бозор ташқарисидаги йўлнинг нариги бетидеги ресторанга борамиз. У ернинг ошпазлари ўзимиздан, — деди харидорнинг таклифини рад этса, у айниб қолиб, пулини қайтариб олишидан кўрққан Очил.

\* \* \*

Анжела кайфияти тушган ҳолда уйига қайтиб келди. Уни ноқулай аҳволга туширган эрини бир яниб олмоқчи эди. Бахтга қарши, у ҳам йўқ экан. У ўзининг хонасига чиқди-да, кийимларини аёвсиз ечиб-отиб, юмшоққина каравотга ўзини ташлади. Бироз кўзини юмиб ётди. Асаблари тинчланмади. Қайтанга, хаёлига хўрлангани келавериб, баттар жиғибийрони чиқди. Сўнг ўрнидан турди-да, шкафдан коньяк олиб, уни қалаҳга тўлдириб қуйди-ю, бир кўтаришда ичиб юборди. У ичган “Наполеон” коньяги бирданига таъсир қила қолмади. Ичи бир қуйди.

холос. У қадаҳни яна бир маротаба тўлдирди. Ҳартугул, буниси унинг бошини дарров айлантирди. Тағин каравотга чузилди ва чуқур нафас олиб: “Оҳ, Рустам, Рустам, — дея ўзига-ўзи гапирди. — сен фақат бой эмассан. Мафтункорсан ҳам. Сен учун одам ҳамма нарсадан воз кечиши мумкин... Лекин сен мени ерга урдинг, бунинг учун мен сени кечиролмаслигим мумкин. Оҳ, камситилиш қанчалик оғир ботади одамга!”

У секин оппоқ, силлиқ баданини силади. Қанчалик ёмон кўриб кетган бўлмасин, ёнида Рустам пайдо бўлиб қолишини истади. Сўнг унинг муҳаббатга бўлган хоҳиши ўрнидан тургазиб юборди. Анжела баланд бўйли тош ойна рўпарасига келди. Ва ўзининг қадди-қоматини томоша қилди. Ўзига-ўзи ошиқ бўлганидан, секин ойнага яқин бориб аксини ўпди. “Мана шу қадди-қоматимни бир марта кўрган Семён дарров ўзиники қилиб олган эди. Унгача бўлганлари эса менга эғалик қилишга кучлари етмаганди”, дея хаёлидан ўтказди у. Ва бирдан хаёлига шаҳарнинг қоқ марказидаги ҳеч ким, ҳатто Семён ҳам билмайдиган уйи эсига тушиб қолди. Ҳамла юзи ёришиб, тошойнадаги ўз аксининг бурнига астагина уриб кўйди-да: “Бизда имкониятлар жудаям кўп”, дея пичирлади. Унинг руҳи бироз тетиклангач, қайтадан каравотига чўзилди-да, кўзини юмди. Бироз ўтгандан кейин ухлаб қолди.

Орадан икки соат ўтгач, эшик тақиллади. Маёт уйқудаги Анжела эшитмади. Эшикнинг икки-уч марта чертилишига ичкаридан жавоб бўлавермагач, у қия очилди. Остонада пайдо бўлган хизматчи йигит уй маликасининг қип-яланғоч ухлаб ётганини кўрди-ю, жойида сеҳрлангандай қотиб қолди. Болишда сочилиб ётган қоп-қора сочлар, оппоқ бадан уни ўз жодусига тортган эди. У бундай манзарани қандайдир картинада кўрганди. Рассом аёлнинг ухлаб ётганлигини шунчалик усталик билан чизгандики, уни кўрган одам жойидан анча вақт қимирлолмай қолар-



ди. Ҳозирги ҳолат эса қоғозга чизилмаган. Уни кўрган эркак қандай қилиб чидаб турсин?

— Қаёққа йўқолиб кетдинг, Вася?! — деган овоз пастдан эшитилди-ю, йигит худди уйқудан уйғонгандай чўчиб тушди ҳамда тескари ўгирилиб:

— Хоним, — деди юмшоқ овозда.

Анжела истар-истамай кўзини очди ва қандай ҳолатда ётганидан беҳабар:

— Нима дейсан? — деди.

— Пастда сизни эрингиз кутаётганди, — деди йигит довлдираган кўйи.

— Ҳозир бораман, — деб Анжела энди ўрнидан турмоқчи бўлиб бошини кўтарди-ю, ўзининг қандай аҳволда ётганини сезиб қолиб, хизматкорнинг берухсат кирганига жаҳли чиқиб кетди-да: — Нега кирдинг бу ерга?! — деб бақирди.

— Маликам, мен кирмоқчи эмасдим. Эшикни кўп тақиллатдим, уйғонмадингиз, эрингиз эса асабийлашаётганди.

— Йўқол! — дея бақирди Анжела.

Хизматкор югурганча хонадан чиқиб кетди. Анжела эринчоқлик билан кўзини ишқалади-да, ўрнидан туриб халатини кийиб, эшик томонга юрди.

Диванда бир нуқтага тикилиб сигарета чекиб ўтирган Семён хотинининг ёнига келганини сезмай қолди. Анжела эрининг юзидан ўпиб кўяркан:

— Салом, жоним, — деди.

Семён унга қараб ясама жилмайиш қилди.

— Ишларинг зўр бўп кетганга ўхшайди, — деб у Анжеланинг белидан кучди.

Анжела ҳам унинг ёнига ўтирди. Ва эрининг қўлидаги сигаретани олиб, ўзи уч марта тортди-да, кейин кулдонга қўйиб:

— Мен жуда қийналиб кетдим, — деб эрининг елкасига қўлини қўйди. — Иш ҳам ўйлаганимиздай эмас. Рустам кўпроқ иккаламизни яраштириб қўйиш тўғрисида қайғураяпти.

— Жоним, — деди Семён хотинининг юзидан ўпиб

қўйиб, — ҳеч бир иш бирданига ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун ҳечам қайғурма. Энг асосийси, сен биринчи қадамни қўйдинг, энди ортга қайтиш йўқ. Бошқа ҳамма ишларни йиғиштириб қўйиб, фақат Рустам билан шуғулланишимиз керак.

— Тушунаман, — деди Анжела бошини қимирлатиб, — сенга осонмаслигини ҳам биламан. Шунинг учун ҳам сен учун ҳар қандай қурбонликка тайёрман.

Жувоннинг бундай гапидан сўнг Семён уни маҳкам кучоқлаб, лабидан бўса олди ва:

— Ўзимнинг меҳрибоним, — дея эркалади-да, хизматкорни чақириб, шампан виноси олиб келишни буюрди.

\* \* \*

Рустам стол устини тўлдириб ташлади. Тўрт хил овқат, газак, салқин ичимликлар-у коньяк-ароқлар иккита савдогарни шошириб қўйди. Илло, ресторанда овқатланиш чўнтак “иситма”сини ошириб боришини билган ҳамюртлар доим ижарага олинган уйда овқатланишарди. Бунинг устига, тансоқчилар ичимликларни уларнинг қадаҳларига қўйиб беришлари ҳар икковининг ҳайратини баттар оширди. Улар хизматнинг бунақа турини киноларда кўп кўришган эди, бироқ айнан ўзларига шундай илтифот кўрсатишларини ҳечам кутишмаганди.

Рустам гапни нимадан бошлашни билмас, ўзининг ҳам рўпарасида ўтирган икки йигитга миллатдош эканлигини қандай айтиш чорасини тополмасди. Нима десин? Тўғридан-тўғри: “Мен ҳам ўзбекман. Мен ҳам Ўзбекистон деган диёрда туғилганман”, десинми? Ишончсизроқ чиқиб қолмайдими? Манави йигитлар қандай қабул қилади? “Бизнинг миллатда Америкага бориб санқиб юрадиганлар йўқ”, демайдими? Бу саволлар унинг бошида гужғон ўйнар, икки-уч марта сўзлашга уринган тилини боғлаб қўйганди. У рўпарадагиларига одатий жилмайиб қўяр, назарида, бу жилмайиши ҳар доимгидай самимий

чиқмаётганга ўхшар эди. Бундан у баттар ноқулай аҳволга тушарди.

Савдогар йигитлар стол устидаги тўкин-сочинликдан ҳайратга тушишса-да, таомга ўзлари аввал қўл узатишдан тийилиб туришди. Орага бироз сукунат чўмганида:

— Қишлоққа борганимда роса мақтанадиган бўлдим-да, — деди Очил шеригига секингина.

Уларнинг шивирлашларидан тансоқчилар безовталанишиб, таржимонга қарашди.

— Йигитлар, сизлардан битта илтимос, бунақа жойларда бошқалар тушунмайдиган тилда гаплашманглар, — деди таржимон Очил билан унинг шеригига.

Рустам таржимондан нима гаплигини сўраган эди, у йигитларни овқатга ундаганлигини айтди. Миллиардер таржимонга кулиб, унга:

— Илтимос, менинг гапларимни тез-тез уларга таржима қилиб турунг, уларнинг оғзидан чиққанини эса менга, — деди.

Таржимон “хўп” дегандек бошини қимирлатди. Шундан сўнг Рустам:

— Мен ҳам ўзбекка ўхшайманми? — дея сўради Очилдан.

— Ўзбекка! — деди Очил ҳайратини яширолмай Рустамга тикилиб қолди.

— Ҳа, ўзбекка? Менинг исмим сизларнинг миллатингизда кўп экан. Сизларнинг она тилларинг менга жуда таниш туйилаяпти, шунга сўраяпман, — деди Рустам.

— Бунақа исм тожиклардаям бор. Қирғизларда, қозоқларда, ҳатто татарлардаям тикилиб ётибди, — деди Очилнинг ёнида ўтирган ҳамроҳи.

Таржимондан бу гапларни эшитган Рустамнинг капалаги учди. “Наҳотки, булар менинг миллатдошим бўлмаса?” — деган хавотирга тушди.

— Мен, — деб у таржимонга қаради, — ёшлигимда йўқолиб қолганман. Кейин Америкага бориб...

— Эй-й, — деди Очилнинг ёнида ўтирган йигит ҳаяжонланиб, — Рустам... Тоғамнинг биз қатори ўғли бор эди, исми Рустам. Мол боққани акаларига қўшилиб чиққанда, иккита одам машинасига ўтқазиб ўғирлаб кетган. Уни олиб кетишаётганини иккита бола кўриб қолган. Кейин тоғамлар ўғлини роса қидиришди, лекин ҳеч қаердан топишолмади. Ўғирланганларни милиса ушлабди, аммо бола йўғимиш.

Рустам чидолмай ўрнидан сакраб туриб кетди-да, йигитни кучоқлаб олди ва баралла йиғлаб юборди. Ўтирганларнинг ҳаммаси таажжубда, Рустамнинг кучоғидаги йигит эса ноқулай аҳволда эди.

— Отингиз нима, биродар? — деди ниҳоят бироз ўзига келган Рустам йигитни кучоғидан бўшатиб кўз ёшини артаркан.

— Фозил, — деди йигитнинг кўнгли ҳам алланечук бўлиб.

— Фозил, мен ўша боламан, мени айнан мол боқиб юрганимда ўғирлаб кетишган. Тушундингизми, ўғирлаб кетишган... Менинг ота-онам ҳозир тирикми?! — шундай дея Рустам юрагини ушлади.

Тансоқчилар Рустамнинг икки ёнидан маҳкам тутишди-да, жойига ўтиришга кўмаклашишди. Улардан биттаси ички чўнтагини кавлаб, валидол олдида, хўжайинига берди. Дори таъсиридан бироз ўзига келган Рустам яна ҳамюртларига табассум билан боқиб, олдидаги шампан виносини олди:

— Олинглар, — деди у ҳаяжони ҳамон тарқамаганидан қалтираб, — бугунги кун учун ичамиз!

Ҳамма унга қўшилди. Қадаҳлардаги вино тугагандан кейин Рустам тансоқчилар хизматидан воз кечиб, уларга эшик ёнида кутиб туришларини айтдида, стол устидаги ароқни очиб, ўзи ҳаммага қуйиб чиқди.

— Бугун, — деди у қувончдан кўзи порлаб, — мен ҳаммага хизмат қиламан. Бугунги кун ҳамма кунлардан устун, ҳатто ҳар қандай байрамдан ҳам!

Икки йигит ўзларига миллатдош, ҳатто қариндош

чиқиб қолган америкалик бойнинг гапларини эшитишгач, бироз ноқулай аҳволга тушишди. Аммо яхшигина чойчақа олиш умидида Рустамнинг киприк қоққанига ҳам эътибор қилиб турган кўзойнакли таржимон қарсақ чалиб: “Браво! Браво!” — дея бақриб юборди. Рустам елиб-югуриб юрган хизматчи қизлардан бирини ёнига чақириб, унга ресторан эгасини чақириб келишни илтимос қилди. Қиз тезда бошлиқни етаклаб келди.

Бошлиқнинг кўзи безовта боқар, “Биронта хизматчим айб иш қилиб қўйдими?” — дея ўйларди. У стол ёнига келгач, Рустам унинг белидан қучди-да:

— Дўстим, бугун сизнинг ресторанингизда ҳамма текин овқатлансин, менинг ҳисобимдан, — дея хитоб қилди.

Буни эшитган ресторан эгасининг юзида табассум пайдо бўлди. У дарров ёнида жилмайиб турган хизматчи қизга ресторанга кираверишга “Бугун ресторанимизда барча овқатлару ичимликлар текин” деган ёрлиқ осиб қўйишни буюрди ва Рустам қуйиб берган қалаҳни бир кўтаришда ичиб, газлагига енгини ҳидлади ҳамда яна биттадан ичишни таклиф қилди. Иккинчи қадаҳ ҳам бўшагандан кейин Рустам ресторан эгасига юз минг долларга чек ёзиб берди.

Ташқарига илинган ёрлиқни тезда кўпчилик илган шекилли, тезда юз эллик кишига мўлжалланган жой хўрандалар билан тўлди. Ҳамма хурсанд, ҳамманинг юзида табассум. Ўшандай байрамона кайфиятда ресторанга иккита алкаш кириб келди. Келибоқ хизматкор қизлардан бирини ёнларига чақиритиб, тезда ўзлари учун жой топиб беришини буюришди.

— Жой йўқ, — деди уларга кўрс муомала қилган хизматкор қиз.

— Шунча одамга жой топилганда бизга йўқми? — деди алкашлардан бири аламзадаланиб.

— Бу ер сизлар кирадиган жой эмас, тезда туёқларингни шиқиллатиб қолмасаларинг, мен қоровул-

ларни чақираман, — деди уларга гижиниб қараб турган қиз.

— Унда биз ҳов анави жойга ўтирамыз, — деди алкашларнинг новчароғи ва кийими шеригиникига нисбатан пича тозароғи ҳамда улфатини айнан Рустам утирган жойга етаклади.

— У ёққа мумкинмас сизларга! — деб официантка қанча айтмасин, улар қулоқ ҳам солишмади. Тўғри Рустамнинг ёнига бориб айнан унга:

— Текинакан деб ўтираверасанларми? Қани, ўрниларингдан бир туриб юборинглар-чи, — деди.

Рустам ажабланиб таржимонга қаради. Таржимон унга нима дейишини билмай турганида, Очил:

— Йўқол, бу ердан, икковингам! — дея дўқ урди алкашларга.

— Ўзларинг маишат қилиб ўтирибсанлар, текин деб. Нега бизга хўжайинлик қиласанлар? Ундан кўра жойни бўшагиб қўйларинг! — дея қичқирди яна ўша новча пиёниста. — Қаёқдандир бу ерга келиб хўжайинлик қиласан!

Рустам шундай кунни увол қилгиси келмагани учун тансоқчиларни чақаришга мажбур бўлди. Улар тезда иккала алкашнинг суробини тўғрилашиб, ташқарига чиқариб ташлашди.

Орага тушган ноқулайлик учун Рустам ҳамюртларидан узр сўраб, базмни давом эткизишини айтди.

Шу куни у ҳаддан зиёд — беш қадаҳ ароқ ичди. У одатда кўпи билан бир қадаҳ ароққа қаноат қилар эди. Очил ва унинг шериги Фозил эса тинимсиз ичиб туришганларидан маст бўлиб қолишди. Бироқ кўзойнакли таржимон бир-икки қадаҳдан кейин ичишни бас қилиб қўйганди. Унинг хаёлида Рустамдан униши керак бўлган пул гужғон бўлиб айланишни тўхтатмасди. Ва у базм ниҳоялангандан кейин мақсадига етди. Рустамнинг имоси билан тансоқчилардан бири ён чўнтагидан иккита юз купюралик доллар чиқариб берди.

Рустам ҳамюртларини машинага ўтқазиб ётоғига

олиб бориб қўйгач, меҳмонхонага қайтиб келди. Унинг кайфияти шу қадар чоғ эдики, меҳмонхонада қолдирилган кийимлари титилганига эътибор ҳам бермади. Келасола костюмини ечиб шкаф ичига илиб қўйди-да, ўзини диванга ташлади. “Эртагаёқ Ўзбекистонга учаман. Ота-онамни топаман. Қанчалик соғиниб кетганман мен уларни. Акаларим бор эди, биттагина синглимни ҳам эслайман. Уларнинг бари улғайиб кетишган бўлишса керак... Ажабмаски, оила ҳам қуришган бўлишса?.. Мени қандай қабул қилишаркин?” — деган хаёлларга берилган маҳал телефон асабий “сайраб” қолди. “Шундай пайтда ҳам одамни безовта қилишади-я”, дея хаёлидан ўтказган Рустам гўшакни кўтарди.

— Алё, Рустамчик, — деган Анжеланинг овози келди гўшакдан.

— Анжела, кутмаган эдим, — деди Рустамнинг бирдан юзи ёришиб.

— Ана шунақа, мен кутилмаган пайтда безовта қиламан. Рустамчик, мен ҳозир бошқа жойда — ўзимнинг квартирамдан, — деди Анжела.

— Ўзингизнинг квартирангиз ҳам борми? — деди Рустам ҳайрон бўлиб. — Мен ҳамма нарса Семён икковларингизники бўлса керак, деб ўйлагандим.

— Йўқ, менинг қизлик давримдан қолган уйим бор. Уни Семённинг кошонасига ҳеч қачон алмашмайман. Ҳозир ёлғиз ўзим ўтирибман. Илтимос, келинг, сизга айтадиган бир дунё гапларим бор, — деди Анжела ўксик овозда.

— Менда ҳам сизга айтадиган хушxabарлар пайдо бўлди. Сизни қандай топсам экан, деган хаёлда эдим. Лекин сизнинг овозингиз гўшакдан бошқачароқ чиқди. Тинчликми ўзи?

— Умуман олганда, тинчлик. Бир-иккита гаплар бор, уларни келганингиздан кейин гаплашамиз.

— Яхши, манзилни айтинг, — дея Рустам қаламқоғоз олди-да, Анжела айтган манзилни ёзиб олди.

Кейин қайтатдан костюмини шкафдан олди. Бироқ бу сафар ҳам бошқа кийимларига эътибор бермади.

\* \* \*

Анжела Семёнга айтмасдан ўзининг квартирасига кетганди. Аммо хотинида пайдо бўлган ўзгаришни англаган эр тансоқчиларига Анжеладан кўз узмасликларини буюрди. Улар хўжайиннинг хотини кирган уй ҳақида Семёнга маълумот беришган, энди бу уйга яна ким киришини кутишаётган эди.

Анжела ўзининг квартирасига Рустам ҳали ресторандалигидаёқ келган ва унинг қўл телефонига қўнғироқ қилганди. Аммо телефон ўчирилганлиги боис Рустамнинг меҳмонхонага келишини кутишга мажбур бўлди. Телефондаги қисқа муддатли суҳбат жувонни руҳлантириб юборди ва у гўшакни қўйганидан кейин севган қўшиғини хиргойи қилиб тош ойна қаршисига борди-да, ўзига обдон оро бера бошлади. Чиройли қилиб бўяниб олгач, сочларини орқасига ёйиб ташлади. Сўнгра кийим танлашга ўтди. Иккита қўйлакни кийиб кўрди, бўлмади. Кўкраги унчалик очиқ эмас экан. У бўлиқ кўкракнинг момиққина қирғоғи кўриниб туриши эркакларнинг жонини суғуриб олишини яхши биларди. Семён ҳам айнан Анжела шунақа қўйлак кийганида унга ошиқу беқарор бўлганди.

Ўзининг кўринишидан кўнгли тўлиқ хотиржам топгач, юмшоқ диванга ўтирганча сигарета тутатди. Анжела асли кашанда эмас, фақат мана шундай ҳаяжонли дақиқаларда кўзи сигарета қидириб қоларди. Чамаси, орадан ярим соатга яқин вақт ўтгани эшик қўнғироғи чалинди. Анжела хурсанд бўлганидан ўрнидан сапчиб туриб эшик томонга югурди. Рустамни кўриши билан эса бўйнидан қучиб, эркак лабининг бир четидан ўпди. Ундан таралган хушбўй атир ҳидидан маст бўлаётган Рустам саросималаниб қолди.

— Киринг, — деди унинг қўлидан ушлаб ичкарига тортган Анжела.



Ўзининг ҳолатини жувонга билдирмаслик мақсадида Рустам яна табассумга зўр берди. Илгари ҳам тўрт-беш марта бундай аҳволга тушганди у. Айниқса, унинг машҳур актриса билан тунни бирга ўтказгани ҳеч қачон ёдидан чиқмайди. Голливуд юлдузи худди Анжела каби кўнғироқ қилиб: “Тезда етиб келмасанг, аҳволим чатоқ”, деб алдаганди. Борса, мутлақо бошқача манзара. Меҳмонхонада чиройли қилиб стол безатилган. Нимқизил чироқ ёқиб қўйилган. Хонадаги буюмлар, деворга осилган турли расмлар — ҳаммаси эҳтирос учун мўлжалланган. Ўшанда Рустам актрисанинг кўнглидаги ишни қилиб берган эди. Шундан кейин эса ундан қутулиш учун нақ бир йил ва бир ярим миллион доллар совурди.

Рустам машинада келаётиб бу ҳақида ўйлаганди ҳамда Анжела кўрсатиши мумкин бўлган ҳамма кирдикорларга ўзича тайёргарлик кўрганди. “Эҳтимол, у мени маслаҳат учун чақиргандир. Ахир унинг эри билан яқинлигимиз бор. Бу иккаламиз орамизда содир бўлиши мумкин бўлган ишқий “можаролар”га тўсиқ бўлиб турали”, — деган ўй ҳам ўтганди унинг хаёлидан. Аммо Анжеланинг Рустам билан учрашувга алоҳида тайёргарлик кўргани уни янада сергаклантирди.

— Мана шу каталакдек уй менинг ҳақиқий бошпанам ҳисобланади. Қалай, ёқдимиз? — дея сўради Анжела улар стол атрофига ўтирганларидан кейин оёғини сонигача очиб қўйгач.

— Умуман олганда, ёмон эмас, лекин сиздай аёл учун бироз торлик қилади. Сиз қасрларга муносиб хонимсиз, — деди Рустам.

— Таърифингиз учун катта раҳмат. Рустам, биласизми, сиз билан худди бегоналардай сизлашиб гаплашиш менга ноқулайлик туғдираяпти. Келинг, яхшиси, сенлашамиз, — деди Анжела ноз билан гапириб.

— Жуда соз. — деди Рустам унинг гапини маъқуллаб.

— Раҳмат, — дея Анжела ўрнидан турди-да, Рустамнинг ёнига келиб, унинг лабидан секингина эҳтиросли қилиб ўпиб қўйди.

— Бу қилиқ бизни янадаям яқинлаштириб қўйди, — деди унга Рустам, — ҳар тугул менга анча ўнғайсиз.

— Сени бошқача ўпиш умуман мумкин эмас. Бу ерда сен билан мен ўтирибмиз. Бошқа ҳеч ким йўқ. Бўлмайти ҳам. Шундай экан, кўнгилга бемалол эрк беришимиз мумкин. Албатта, бунинг учун бошқа ҳамма нарсани нутишимиз шарт.

— Мен сенга бошқа нарсани айтмоқчи эдим, — деди Рустам гапни бошқа томонга буришга уриниб.

— Қанақа гап экан? — деб Анжела яна жойидан кўзгалди-да, Рустамнинг тиззасига ўтириб олди. Ва узун бармоқлари билан унинг сочини силай бошлади.

— Эсингдами, хиёбонда сен менга: “Балки сенинг авлодинг лўлидир”, дегандинг. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. Менинг ҳам ўзимни мақтаса арзийдиган миллатим бор экан, — деди Рустам бироз Анжелани ўз хоҳишига қўйиб.

— Рустамчик, мен сенга унақа демоқчи эмасдим. Оғзимдан чиқиб кетди. Илтимос, шу кўпод гапим учун мени кечир.

— Мен сендан хафа эмасман. Қайтанга шу гапинг яқинларимни топишимга ёрдам берди.

— Ростданми?! — деб Анжела боягидан сағал узоқроқ Рустамнинг лабига лабини босиб турди. — Энди айт, қанақа қариндошларингни топдинг?

Гарчи Анжела кулиб турган бўлса-да, Рустамнинг гапидан кейин ичидан бир нарса чирт этиб узилгандай бўлди. Чунки у Семённинг ишини битириш баҳонасида Рустамга тегиб олмоқчи, кейин у билан Америкага кетмоқчи эди.

— Бозорда гул сотадиган икки ўзбек йигити билан танишдим. Улар айнан менинг хотирамда сақланиб қолган тилда гаплашишар экан. Тўғри, мен бу

тилни мутлақо эсимдан чиқариб юборганман. Аммо тилнинг оҳанги ёдимда. Улардан биттаси ҳатто менга қариндош чиқиб қолди. Эртагаёқ мен улар билан бирга Ўзбекистонга кетаман. Тезроқ яқинларимни кўрсам дейман, — деди Рустам Анжела ўта назокат билан юзидан ўпаётганига эътибор ҳам қилмай.

\* \* \*

Рустамнинг Анжеланикига кирганлигини эшитган Семён мамнун жилмайди-да, анча йилдан бери қадрдони бўлган Тарасга қўнғироқ қилди. У Москва остонасида турарди. Икки гектар ер олиб шу ерда чорвачилик қилар, топилаётган тўрт-беш тангага қаноат қилиб яшарди. Унинг биттагина ёмон одати бор — ичишга суяги йўқ эди. Айнан ўша одати сабаб хотини кетиб қолганди. Семён у билан касалхонада бир палатада ётган, ўша кезлари танишиб, кўп гаплари бир жойдан чиққанлиги боис дўстлашганди. Мана, орадан олти йилдан мўлроқ вақт ўтибдики, Семён уникага камида икки ойда бир боради. Фақат шу ердагина у ўзини эркин ҳис қилади. Чарчоғи ёзилади.

— Қаёқларга йўқолиб кетдинг?! — деди Тарас Семённинг овозини эшитганидан.

— Сўрама, ишларим бошимдан ошиб кетди. Эртага сенинг ёнингга бормоқчи эдим. Бир мазза қилайлик.

— Биласан-ку, сенинг келишингни интизорлик билан кутаман, — деди Тарас дўстининг келишини эшитгандан кейин хурсанд бўлиб.

— Бу сафар бошқача бўлади. Хотининг кетиб қолганига анча бўлди. Ҳар-ҳар замон эркаклигингни эслаб турсанг, ёмон бўлмасди, — деди Семён яйраб кулиб.

— Сенинг бу ерга олиб келадиган одатинг йўқ эди-ку, ёки Анжела бирон жойга кетиб, зерикиб қолдингми?

— Умуман, шундай, қолган гапларни кейин гаплашамиз, — деб Семён гўшакни хайрлашмасданок

қўйди. Чунки Анжеланинг номини эшитиб асаби ўйнади. “Ҳозир у Рустамнинг қўйнида эҳтиросдан овози бўғилаяпти... Қонуний иш қилиш бунчалик ҳам оғир-а... Анжела ҳаром бўлди. У билан бир тўшакда ётиш керакмас, ишим битаверсин-чи, у ёғини ўзим биламан”, деб хаёлидан ўтказди-да, ўрнидан туриб ташқарига йўналди. Очиқ осмонга қаради. Юлдузлар хира кўринарди. Юраги сиқилди. Уйга қайтиб кирди, яна бўлмади. Шаҳарнинг ўртасида содир бўлаётган воқеалар хаёлига келаверди. Охири чидамади. Югурдаклардан бирини чақириб, доим ўзи силаб-сийпашадиган Наташани олиб келишларини буюрди-да, ётоғи томонга кетди. Икки қадаҳ коньяк ичган эди, кўнглидаги губор бироз ёзилгандай бўлди. Хаёлига қўлга киритиши мумкин бўлган пуллар келди. Сиқилган юраги энди ҳаприқиб кетди. Ўзича дунёнинг бешта энг гўзал масканида қаср қуришни, ҳар қасрга битгадан қиз қўйиб обдон роҳатланишни ўйлади. Ва кутилаётган лаззатли онларни орзу қилишга шу даражада берилиб кетдики, Наташа кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Кўзи очиқ ҳолда ухлаётган одамни биринчи марта кўришим, — деди Наташа эшик ёнида туриб.

— О-о, менинг жаннатим, кел бу ёққа! — деб Семён ўрнидан турди...

\* \* \*

Эрталаб соат саккизларга яқин Анжела келганида ҳали Семён ухлаётганди. У эрига ижирғаниб қараркан Рустамни эслади. Унинг ҳаракатлари Анжеланинг жонини суғуриб олишига озгина қолганди. Аммо Семён билан Анжела шунча йилдан бери бирга яшаган бўлса-да, ҳеч қачон бунақа лаззат ололмаган эди. У Семённинг ёнгинасига келди ва ўзи ётадиган болишда уч дона сариқ сочни кўриб қолди-да: “Бу ҳеч қачон зеркиб қолмайди”, — деб хаёлидан ўтказди. Сўнг эрини секин туртди. Семён кўзини очган эди:

— Мен келдим, — деди жилмайиб.

— Яхши, — деди Семён кўзини уқалаб, — анча бўлдимми?

— Ҳозиргина, тур, сенга айтадиган муҳим гапим бор, — деди Анжела.

Семён дарров сергакланиб ўрнидан турди-да:

— Нима гап? — дея сўради.

— Рустам кеча миллатдошларини топибди.

— Ним-ма?! — деб бақириб юборди Семён. — Қанақа миллатдошлари?

— Кеча у билан хиёбонга борганимизда, балки миллатинг лўлидир, деганимдан хафа бўлиб кетиб қолганди. Тўғри бозорга борибди. У ерда иккита ўзбек йигити билан танишибди. Уларнинг гаплашиш оҳанги Рустамга таниш туйилибди...

— Тўхта, у ерда ўзбек йигитлари нима иш қилишаркан? — деди Семён хотинига еб қўйгудек қараб. Анжела доим эрининг мана шу қарашидан кўрқади. Ўзича Семённинг ҳамма кудрати кўзида, деб ўйлайди. Ҳозир ҳам вужудига енгилгина титроқ кирди.

— Гулфурушлар экан.

— Исмлари нима экан? — дея сўради тобора туюқиб кетаётган Семён.

— Билмайман, айтмади, — деди эридаги ўзгаришни кўрган Анжела баттар кўрқиб.

— Ўзи аёл зотига ҳеч нарсани ишониб бўлмайди! — деб бақириб юборган Семён каравотидан сакраб тушиб эшик томонга энди қадам ташлаганида, Анжела уни тўхтатиб қолди.

— Ҳамма ишни расво қилиб, яна нима демоқчисан? — дея бўкирди Семён хотинига.

— Ҳеч қурса калта иштонингни кийиб олгин, — деди Анжела юзини четга буриб.

“Тутаб” турган Семён аҳволига бир қаради-ю, иржайди. “Паришонхотирликнинг бундан баттари бўлмайди”, дея ўйлаб кеча кечаси улоқтирган калта иштонини қидира бошлади. “Барака топгур” тезда топила қолмади. Бундан Семён баттар туюқиб кетди.

— Қидиришсанг амалингдан тушиб қоласанми? — деб бақирди хотинига.

— Балки малла соч эсдаликка олиб кетгандир, — деди Анжела қовогини солганча ўрnidан тураркан.

— Қанақа малла соч? — деб ўқрайди Семён.

— Сен билан бирга ётган малласоч-да!

— Қаёқдан олдинг бунақа гапни?

— Ана, менинг ёстиғим устида ётибди.

— Мен сенинг Рустам билан ётганингни юзингга солаётганим йўқ-ку.

— Мен бу ишни хоҳламагандим. Ўзинг мажбурландинг.

— Бўпти, — дея қўлини силтади Семён, — иштонимни топишиб юбор.

Зинадан учгудай бўлиб пастга тушган Семён хизматкор қизга тезда одамларини айтиб келишни буюрди. Ўзи эса уйнинг у бошидан-бу бошига асабий тарзда бориб кела бошлади. У бунақа бўлишини умуман кутмаган эди. Рустамни осонлик билан қўлга туширмоқчи эди. Бироқ ўзи тушиб қолди. Анжеласидан айрилди. Ахир у хотинини яхши кўради. Аммо манфаат йўлида уни қурбон қилса-ю, натижа мутлақо тескари бўлиб чиқса, бундан баттар кўргулик ҳам бўлиши мумкинми?

— Бунча имиллайсизлар?! — бақирди эшикдан кириб келган бешта барзангидай йигитга. — Чақирганимга қанча вақт бўлди?!

Шефнинг кайфияти эрталабдан бузуқ эканлигини кўрган йигитлар бир-бирларига қарашди.

— Ҳозир бозорга борасанлар-да, гул сотаётган иккита ўзбек болани олиб келасанлар. Қўл теккизманлар. Улар менга жуда керак.

\* \* \*

Гарчи ҳориган, уйқуга тўймаган эса-да, Рустамнинг кайфияти аъло эди. Шу боиски, меҳмонхонага келгач, қайтадан тўшакка ётмади. Вақтни ўтказиш учун қоғозларини бирма-бир титкилашга тушиб кет-

ди. Шу пайт унга Нью-Йоркдан қўнғироқ бўлиб қолди.

— Сизга халақит берганим учун узр, — деди иш бошқарувчиси, — лекин қўнғироқ қилмасдан чидаб тура олмадим. Куни кеча икки ой мобайнида туриб қолган молларнинг ҳаммасини сотдик. Ўн миллион доллар ҳисобимизга тушди.

— Зўр бўпти-ку, — деди қувонганидан Рустам. Бироқ шунча пул келиб тушгани ҳам туғилган юртига боришдек қувончдан устун эмасди, — мен боришим билан сизга мукофот пули бераман.

У гушакни қўйганидан кейин кафтларини бири-бирига ишқалаб қоғозларига термилди. Бошига ҳеч нарса кирмади. Соатига қаради. Соат миллари саккиздан ўн беш дақиқа ўтаётганлигини кўрсатиб турар эди. “Вақт бўлиб қолибди”, — дея хаёлидан ўтказиб қоғозларни йиғиштирди-да, тансоқчиларидан бирини чақирди. Ва унга аэропортга қўнғироқ қилиб Ўзбекистонга учта чипта буюртма беришини айтиб, ўзи шкафни очди. Очди-ю, кийимларига тикилиб қолди. У эндигина костюм-шиму қўйлақлари титкиланганлигини кўриб турарди. Тезда шкафнинг тепалаги кўзини очиб чамалонини олиб кўрди. Унинг ҳам очилиб-ёпилгани шундоққина кўриниб турарди. “Ким қилиши мумкин? — дея ўйлади у. — Ўзимдан бўлак бу хонага ҳеч ким кирмаса? Фаррош хотин ҳам фақатгина ўзимнинг борлигимда келади. Мени бу ерда танийдиганлар Семён билан Анжела. Уларнинг қўлидан бунақанги пасткашлик келмаса керак... Тўхта, тўхта! Нега энди улар шу пайтгача иноқ яшаб келиб мен келишим билан ажрашиш тадоригига тушиб қолишди? Анжела эрига хиёнат қилди. Унга қўшилиб мен ҳам қадрдонлашиб қолган одамнинг юзига оёқ босдим... Лекин мен буни истамагандим-ку, Анжеланинг ўзи ёпишган бўлса... Бизнинг бундай иш қилишимизни Семён билмаган... Билган бўлса-чи? Билганидан кейин бу ерга йигитларини жўнатиб, текшириш ўтказганмикин? Бўлди, Моск-

вала ҳеч қандай иш қилмайман. Нью-Йоркдаги ишларим ҳам етиб ортади. Кетишим керак. Агар юртимга бориб қариндошларимни топсам, ўша ёқда бирон нима қилишим мумкин”. Рустам ўзидан-ўзи хафа бўлган кўйи хонасидан ташқарига чиқди ва йигитларидан чиптани сўради. Ҳаммаси жойида эканлигини билгач, унинг хонасидаги буюмларни машинага ортишларини буюриб, ўзи секин-аста пастки қаватга қараб кета бошлади.

Уларнинг орқасидан иккита тимқора “Мерседес” тушди. Буни аввал машина бошқариб бораётган тансоқчи сезиб қолди. Ва бу ҳақда Рустамга айтди. Рустам орқасига ўгирилиб қаради-да, кейин ҳайдовчига тезликни оширишни буюрди. Машина тезлашгани билан орқадагиларни ортда қолдириб кета олмади. Светофорлардан бирида тўхтаганларида эса орқадаги “Мерседес”нинг биттаси ёнларига келиб тўхтади. Ва дераза ойнаси автоматик тарзда очилиб, кўзойнакли йигит бошини чиқарди-да, Рустамнинг тансоқчисига: “Машинани бизнинг орқамиздан ҳайда, хўжайинингни шефимиз кутиб ўтирибди”, — деди. Ҳайдовчи орқасига ўгирилиб, хўжайинига “нима қилай?” маъносида қаради.

— Унинг айтганини қил, — деди Рустам.

Яшил чироқ ёниши билан машиналар ҳаракатга келди. Боши қотиб қолган Рустам нима қилишини билмай орқа ўриндиққа суяниб кўзини юмди. У ҳамма нарсани тақдирнинг измига қўйганди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас қарама-қарши томондан келаётган оппоқ “Волга” тиккасига Рустам ўтирган машинага келиб урилди...

\* \* \*

Очил Фозилга нисбатан бироз олдинроқ уйқудан уйғонди. Унинг боши жуда қаттиқ оғрирди. Бундай ҳолга аввал ҳам у кўп бора тушганлиги учун ўрнидан туриб музлатгични очди. Қора кунга деб асраб қўйган ароқ шишасининг тубида бир пиёла қолганини кўриб афти тундлашди. “Ҳарна, йўқдан кўра”, дея хаёли-



дан ўтказиб уни қултилатганча пиёлага қуйди. Ва бир кўтаришда сипқорди. Шундан кейин бош оғриғи пича камайиб, ювиниш хонасига кетди. У ҳали ювиниб улгурмасидан орқасидан Фозил келди. У афтини тириштириб Очилга қараб турди-да:

— Кеча, тоzza учиб қопмиз-ку, — деди.

Очил оғзидан тиш чўтқасини олмай “ҳим”, деб жавоб қилди.

— Бошим ёрилай деяпти, бўл тез, бошимни юваман, — деди Фозил Очилнинг эринмасдан тишини юваётганидан ичи қизиб.

— Кечаги бойвачча ким экан ўзи? — деди Очил оғзини чайиб бўлганидан кейин.

— Мен қаёқдан билай? Гулларни ҳаммасини сотиб олди. Ҳақини берди.

— Пул қаерда? — деб сўради Очил сочиқни қулига олиб.

— Билмайман, кеча ўзинг чўнтагингга солгандинг-ку, — деди унга бақрайиб қараган Фозил.

— Эсимда йўқ, — деб Очил шеригини четлаб ўтди-да, ётоқхона томонга югурди.

Унинг ортидан Фозил ҳам гизиллаб етиб борди. Чўнтагидан бир даста долларни чиқарган Очил ўшшайди-да:

— Капалагим учиб кетай деди-я, — деди.

Фозил ювинишга чиқиб кетди. Очил эса ошхонага ўтиб чой дамлади, дастурхон ёзди. Музлатгич бўшаб қолганини кўрганидан кейин: “Ҳамма вақт мен нарса ташийман. Бу баччагар туя қилишдан бошқага ярамайди”, — деб шеригини яниди.

— Кеча сен, анави бойваччага тоғамнинг исми Рустам эди, ёшлигида ўғирлаб кетишган дедингми? — деб сўради Очил оғзига бир бурда нон солиб, — ҳақиқатданам шундайми? Мен ҳеч эшитмаган эканман.

— Бе, қаёқда? Бойвачча шунча мурувват кўрсатганига бир кўнглини кўтариб қўяй дедим-да. Лекин ҳақиқатданам ёшлигимда биздан тўрт-беш қишлоқ

нарида бола ўғирланганлигини эшитувдим, — деди Фозил оғзидаги луқмасини эринчоқлик билан чайнаб.

— Тоғамнинг ўглини мол боқиб юрганида ўғирлашган, дединг-ку.

— Шундай деб эшитувдим. Эшитганимни айтдимда.

— Юр, ўша ёққа олиб бор мени, деб келиб қолса, нима қиламиз? — деди бир зум чайналишдан тўхтаган Очил.

— Москва катта шаҳар бўлса, бизни қаерданам топарди у, — деди бамайлихотир Фозил.

— Жинни, кеча унинг машинасида келдик-ку, — деди жаҳли чиққан Очил.

— Келиб қолса янаям яхши, — деди пинагини ҳам бузмаган Фозил, — Тошкентгача билет текин бўлади.

— Қойил-э сенга, илгариям хўжайинни бошлаб туширгандинг. Буниси унданам ўтиб тушди.

— Энди, ҳамма сенга ўхшаганмас. Агар мен бўлганимда қотган нонингниям топиб еёлмасдинг. Лўлининг эшагини суғору пулини ол, дейишган. Бундай бойлар ҳамма вақт ҳам дуч келавермайди. Вақтида фойдаланиб қолмасанг, бурнингга икки қўлингни тиқиб қолаверасан, ошна, — деди Фозил ғурурланиб.

— Қарагин-да ишқилиб, асал деб заҳар ютиб қўймагин, — деди ўзининг камситилганидан хафа бўлган Очил.

— Чойингни ич, кейин мен сенга зўр гап айтаман, — деди Фозил.

Аммо у зўр гапини айтишга улгурмади. Эшик асабий тақиллаб қолди. Ҳамхоналар бир-бирига тикилишди.

— Ким бўлиши мумкин? — деди Фозил кўрқув аралаш.

— Ким бўларди! Бор, эшикни оч, энди ҳаммасига жавоб берасан, — деди Очил.

— Эшик темирдан-ку, глазокдан секин қарайман, агар ўша бойвачча бўлса, уйда ҳеч ким йўқдай жим ўтираверамиз, — деди пичирлаб Фозил ва аста ўрнидан туриб оёқ учида юриб борди-да, эшикнинг “кўзи”дан мўралади. Эшик ортида ёшгина қиз билан бола турарди. Уларни кўргач бироз ўзига келган Фозил шарақ-шуруқ қилиб эшикнинг зулфинини туширди. Бироқ эшикни очишга улгурмади. Нариги томондагиларнинг ўзлари очиб кўя қолишди. Фозил не кўз билан кўрсинки, қиз билан бола йўқолиб, уларнинг ўрнида барзангидай учта йигит турарди. Фозилнинг юраги шув этиб кетди.

— Сизларга ким керак?! — дея сўради у базўр тили айланиб.

— Албатта, сен билан шеригинг-да, — деди улардан бири иржайиб.

— Не... Не-га? — деди довдираб қолган Фозил.

— Негалигини кейин биласан, — деб ҳалиги барзанги Фозилни итариб уйга кирди. Ва уйнинг шuvoғи кўчган, лампочкаси қорайиб кетганлигини кўриб: — Намунча исқирт яшайсанлар? — деди ўдагайлаб.

Бу пайтда Очил ҳам ошхонада бу ёққа бостириб келган барзангиларни кўриб анграйиб қолганди.

— Сизларга уч дақиқа вақт. Тез кийиниб, биз билан кетишга шайланинглар, — деди яна ўша барзанги. Фақат унинг гапираётганлигини кўрган Фозил уни учаласининг каттаси деб ўйлади.

— Қаёққа борамиз? — деди у йиғламоқдан бери бўлиб.

— Эзмалик қилма! Борганда кўрасан ҳаммасини. Ҳозир бўлса, сенинг вақтинг кетаяпти.

Очил билан Фозил апил-тапил кийинишга тушиб кетишди. Худди ўша дақиқада Очилнинг калласи ишлаб қолди. У ошхонадан нарсаларини олиш баҳонасида, чўнтагидаги пулларни яшириб қўйди.

Улар қора “Жигули”га чиқишди.

— Агар менга бирон нарса бўлса, сен жавоб бера-

сан, — деди Очил ўзбекчалаб Фозилнинг сонидан чимдиб қўяркан.

— Хавотир олма, ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади, менимча, бизни Рустамнинг олдига олиб боришади. У ер...

— Ўчир овозингни! — деди олдинги ўриндикда ўтирган йигит. — Яна мен тушунмайдиган тилда гаплашсаларинг, икковингнинг ҳам қаллангни оламан!

Бу гапни эшитганларидан кейин иккита савдогарнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди. “Рустамнинг одамлари русча гапиришмасди. Булар бошқага тегишлига ўхшайди”, — дея хаёлидан ўтказди Очил.

Ярим соатнинг ичида улар Семённинг уйига етиб келишди. Бу пайтда Семён уйининг олдидаги майсазорда гольф ўйнаётган экан. У дарвозадан кириб келган иккала бегона йигитни кўриб илжайди.

— Азиз меҳмонларни ҳам шундай олиб келадими? — деди у йигитларига киноя билан, — буларни кафтимизда кўтариб келсаккина, ҳурматини жойига қўйган бўламиз, азизларим.

Икки йигит Семённинг ёнига борганларидан кейин бошларини эгганча тўхтади.

— Исминг нима? — дея сўради Семён аввал Очилдан.

Очил айтиши билан Семён рус тилидаги изоҳини сўради. Йигит лаби гезариб пичирлағудай бўлиб: “Откройся”, деди.

Бу сўзни эшитиб Семён хандон отиб кулиб юборди. Унинг кулгиси уй ичида сигарета чекиб ўтирган Анжеланинг ҳам қулоғига эшитилди ва у ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Эри уни кўргач:

— Хоним, зўр томошага гувоҳ бўлай десангиз, бу ёққа келинг, — деди.

Анжела унинг ёнига бориб йигитларга бирма-бир қараб чиқди-да:

— Сенда гапим бор, — деб эрининг қўлидан ушлаб четга судради.

Хотинининг қилиғидан Семённинг жаҳли чиққан бўлса-да, тишини тишига босди. Аламини ичига ютди. У бунақа пайтларда ишига бировнинг аралашинини ёмон кўрарди.

— Кеча Рустам танишган йигитлар шуларми? — деди Анжела паст овозда.

Семён ортига ўгирилиб Очил билан Фозилга бир қараб қўйди-да, бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Ҳозир сен буларнинг устидан кулмасдан, иззат-икром кўрсатишинг керак. Шунда Рустам ўзининг юртдошларига қилган ҳурматингни эшитиб хурсанд бўлади. Ва сенга ишончи янаям ортади, — деди Анжела паст овозда.

— Лекин сенга уйланмайди, тўғрими?

— Бу ёғини менга қўйиб бер. Ҳамма иш кўнглингдагидай бўлади, — дея Анжела эрининг кўзига тикилди. Иккала маккор нигоҳ тўқнашди.

\* \* \*

Рустам ёнига ағанаб кетди. Тансоқчилар эса сакраб машинадан тушишди. Шу пайт “Волга”дагилар уларга ўқ уза бошлади. Битта тансоқчи пешонасига теккан ўқдан қулади. Иккинчиси эса машина орқасига ўтиб яширинди. Машина авариясидан ҳеч жойи лат емаган бўлса-да, Рустам карахт аҳволда эди. У нима воқеалар содир бўлаётганлигини идрок этолмасди. “Волга”дан тушган иккита йигит Рустам ўтирган машинагача етиб келишолмади. Уларни “Мерседес”дагилар отиб ташлашди. Бироқ шу ондаёқ қаердандир пайдо бўлган микроавтобусдан ўндан зиёд юзига ниқоб тутганлар бирин-кетин сакраб тушди-да, кўз очиб юмгунча иккала “Мерседес”ни кунпаякун қилиб ташлашди ҳамда Рустамни машина ичидан суғуриб олиб, келган томонларига қуюндай учишди. Шундан сўнггина машина ортига яшириниб олган тансоқчи — Эдуард секин бошини кўтариб, микроавтобус кетган томонга қараб мийиғида кулиб

қўйди ва ёнидан қўл телефонини чиқариб, шошилмасдан рақам терди-да:

— Алло, Павел, ҳаммаси окэй, — деди инглизча талаффузда.

— Хабарим бор. Эртароқ келишган жойимизга етиб кел, — деди гўшакнинг нариги томонидан Эдуард қўнғироқ қилган одам.

Бу гап Эдуардни баттар шодлантириб юборди ва у телефонини қайта жойига солиб, югурганча йўл четига ўтди. Худди ўша маҳал тепасидаги чироғини айлантириб ёққанча милиция машинаси етиб келди. “Бу ёғини энди ўзларинг тозалаб оласанлар”, дея хаёлидан ўтказди Эдуард милиционерларга бир қараб қўйиб. Кейин югурмаса-да, илдам қадамлар ташлаб, кўп қонларга гувоҳ бўлган жойдан узоқлашди.

\* \* \*

Семён Анжела билан гаплашиб бўлганидан кейин бозордаги йигитларга меҳри ийиб, мийиғида кулиб бораётганида ёнидаги телефони асабий жиринглади. У телефон рақамига назар солди-да, қулоғига тутиб:

— Нима гап? — деди.

— Шеф, — деди қўнғироқ қилган одам, — аҳволимиз чатоқ. Бизга ҳужум қилишди. Рустамни олиб қочишди.

— Ким?! — дея бирдан бақириб юборди Семён.

— Тинчликми?! — дея сўради Анжела эрининг безовталаниб қолганини кўриб.

— Машиналар рақамини ёзиб қолдим. Лекин бизга таниш бўлганларда бунақанги рақамлар йўқ! — деган овоз келди гўшакдан.

— Смирновга қўнғироқ қил! Аниқла кимлигини! Тез бўл! — дея бақирган Семённинг бўйин томирлари бўртиб кетди. Кейин телефонини ўчирди-да, асабий тарзда атрофига бироз аланглаб туриб, қўлидаги телефонини савдогарлар томонга улоқтирганча:

— Онангни ... — дея сўқинди.

— Семён, — деди эрига ачиниб қараб турган Анжела, — ўзингни бос! Нима гап экан, менга тушунтириброқ гапир!

— Пиво! — дея бўкириб юборди Семён, — менга пиво келтиринглар!

Хизматкорлар югуриб қолишди. Шундан кейин Семён хотинига ўқрайиб қараб:

— Сен билан мени чув туширишди. Оғзимиздаги луқмани ўғирлашди! — деди.

— Тушунтириб гапирсанг-чи, нима бало бўлибди?! — дея қичқирди Анжела.

— Нима бўларди?! Рустамни ўғирлаб кетишибди!

Анжеланинг ранги оқариб кетди. У эридан баттар саросимага тушиб қолди. Барча қилган орзу-ниятлари бирпасда саробга айланиб кетгандай эди унинг назарида.

— Кимнинг ҳадди сиғибди? — деди у пичирлаб.

— Билмайман, билмайман! — дея бақирган Семён “асир”лари ёнига югуриб бориб Очилнинг юзига мушт туширди. — Сенлар айбдорсанлар, сенлар! — деб томоқ йиртган кўйи Фозилнинг қорнига тепди. Зарба унчалик ҳам кучли эмасди. Бироқ бунақа одам урганда йиқилиш кераклигини яхши билган икки савдогар йигит ўзларини ерга ташлашди. Семён уларни бир-икки марта тепганидан кейин, олиб келинган пивони ютоқиб симирди-да, шишасини улоқтириб юборди.

Ичи ўт бўлиб ёнаётган Анжела эрининг ҳаракатларига эътибор ҳам бермас, ўриндиқда сочиниғимлаганча ўтирарди.

Семён унинг ҳолатини кўриб аччиқ жилмайди. Агар қандайдир ўйнаш учун Анжеланинг бунчалик куйинишини у бир ҳафта бурун кўрганида борми, хотинининг терисини шилиб, ичига сомон тиққан бўларди. Бироқ ҳозир у бундай қилолмайди. Кўнглида Рустамни яна қайта қўлга киритиш ишончи бутунлай йўқ бўлмаган.

Семён қалтираб, довдираб турган хизматкорнинг

қўлидан иккинчи шиша пивони олди-да, Анжеланинг нариги томонидаги ўриндиққа ўтирди ва Рустамга яна кимнинг назари тушганлиги ҳақида ўйлай бошлади: “Эскилардан ҳеч ким бу ишни қилмайди. Биринчидан, улардан биронтасининг миллиардер менинг чанғалимда эканлигидан хабари йўқ. Иккинчидан, уларнинг ҳеч бири менинг “ов”имга аралашмайди. Ким бўлди экан, бунақа ўзбилармонлик қилган?” Семён чўнтақларини пайпаслаб телефонини қидирди, кейин отиб юборгани эсига тушди-да, хизматкорларига бақириб телефон олиб келишларини буюрди. У аввал Вадимга кўнғироқ қилди. У шаҳарнинг марказий қисмини идора қиларди. Биринчилардан бўлиб Семёнга тан берган, ҳамтовоқлик битимини тузган шу эди. Вадим Семённинг гапларини диққат билан тинглаганидан сўнг:

— Ҳозиргина бу ҳақда эшитдим. Машиналар нотаниш, улар шаҳарнинг жануб томонига кетган. Мениям асабим ўйнаб турибди. Бесўроқ менинг ҳудудимда ким бунақа зўравонлик қилганлигига ақлим етмаяпти, — деди.

— Сендан илтимос, Вадим, бошқалардан ҳам бир сўраб кўр. Ўзим суриштираман ҳам бўларди-ю, ўлжа меникилиги одамни ноқулай аҳволга солиб қўяди. Яна ҳар хил хаёлларга бориб юришмасин. Лекин нима бўлган тақдирдаям мен уларни топаман. Калласини биттама-битта узаман, — деди Семён асабини жиловлотмай.

Шундан сўнг Вадим ҳаракат қилишини айтиб гўшакни қўйди.

\* \* \*

Эдуард шаҳар чеккасидаги вайронага айланган тўрт қаватли бинонинг ҳовлисига етиб келгач, ҳеч ким йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди. “Шу ерда кутишлари керак эли-ку, наҳотки улар мени алдашган бўлса?” — дея ўйлади у. Эдуард бу иш билан шуғулланганига олти йилдан ошган эди. У Америкада биронта бойваччага тансоқчи бўлар, кейин уни Россияга ке-



лишга кўндирар, бу ерда эса эскидан таниш бўлган Павелнинг қўлига топшириб, ўзининг ҳақини ундиргандан кейин яна қанот қоқиб Америкага — янги овга учар эди. Бу сафарги ови бошқаларидан анча бошқача, чунки Рустам саноқли миллиардерлардан биттаси эди. Шу боисдан Эдуард Павелга ўзига тегишли улушнинг чўғини баландроқ қилиб айтганди.

Орадан ярим соат ўтганидан кейин Эдуард асабийлаша бошлади. Ҳаттоки алам қилганидан ерда ётган икки-учта гишт парчаларини тепди.

— Қизишма, — деган овоз келди ўша пайт бино ичидан.

Эдуард ялт этиб овоз келган томонга қаради. Бинонинг деразаси йўқ жойидан ҳар доим унинг улушини олиб келадиган Александр тиржайиб қараб турар эди.

— Оғайни, бу сафар кечикиб қолдингми, дейман? — сўради Эдуард.

— Сендан аввалроқ келгандим. Бир асабингни си-наб кўрмоқчи бўлдим, — деди Александр ҳолатини ўзгартирмай.

— Олиб келдингми?

— Бўлмасам-чи! Биз ҳеч қачон, ҳеч кимга хиёнат қилмаймиз, — деб Александр ташқарига чиқиш учун эшик томон юрди. Йўл-йўлакай, шимининг орқасига қистирилган тўппончасини ўқлади. Буни Эдуард эшитиб қолди ва ўзи ҳам тайёргарлик кўриб қўйди.

— Бу сенинг улушинг, оғайни, — деб қўлидаги қопни Эдуарднинг ёнига етмасдан улоқтирган Александр тўппончасини энди олаётган маҳал икки қоши ўртасига теккан темир парчасидан орқасига қулади. Қопни олган Эдуард бирдан бино ичига қараб югурди. У Александрни ёлғиз эмас деб ўйлаганди. Бу ўйи тўғри чиқди. Бузилган бинонинг қайсидир бурчагидан отилган ўқ унинг қўлини яралаб ўтди.

“Ярамаслар, ҳайвондан тарқаганлар!” — дея пичирлади у ярасини иккинчи қўли билан чангаллаб. Сўнг бироз нафасини ростлаб, қулоғини динг қил-

ди. Бинонинг қаеридандир қадам товушлари эшитилди. У орқасини деворга тираб овоз келган томонга тўппончасини ўқталиб турди. Рақиб: “Эдуардни яхшигина ярадор қилдим. Ҳозир бораман-у, асфаласофилинга жўнатаман-да, ҳамма пулни олиб, жуфтакни ростлайман, Александрнинг ўлганиям кўнглимдаги иш бўлди. Энди миллион бузилмасдан менга қолади”, деган ўйда эҳтиёткорликни биров йўқотиб, Эдуардга яқинлашарди. Эдуард овоз жудаям яқинлашиб қолганлигини сезгандан кейин қўлининг оғриғига ҳам, оқаётган қонга ҳам эътибор бермай тўппончани икки қўллаб ушлаганча душманининг қораси кўринишини кутиб турди.

Шу пайт келаётган кимса юришдан тўхтади. Вақт жуда секинлик билан ўтар, ҳар битта тик этган товуш ваҳимали эшитиларди. “Нимани кутаяпсан, ит? — дея ичида сўкинарди Эдуард. — Яна озгина юр. Бор-йўғи бир қадамгина”. Аммо унинг кўнглидан кечган гаплар бўлмади. Душмани тош бўлиб қотгандай жойидан жилмас эди. Бу эса уни баттар жиғибийрон қилар, бақириб юборишдан ўзини базўр тийиб турарди. Аксига олиб, қон оқиши кучайиб, боши айлана бошлади. Шу ҳолат чўзилса, ҳушидан кетиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Эҳтиёткорликни йўқотган рақиб Эдуардга яқин қолганида бино ёригидан инглизнинг аҳволига бир қараб қўймоқчи бўлди ҳамда яраланган “шер”нинг ҳали бардамлигини кўргач, биров кутишга қарор қилди. Кутганидек, Эдуарднинг боши эгилиб-эгилиб кетавергач, у “ин”идан чиқди. Шу ондаёқ бирдан иккала тўппонча ҳам ишга тушди. Эдуард юрагидан теккан ўқдан ўтирган жойида боши ёнига қийшайиб қолди. Рақиб эса елкасини ушлаганча инграр, нажот истаб атрофига қарарди. У биров ётгач, оғриғи сусайгандек бўлди ва аста-секин эмакляб Эдуардга яқинлашди. Аммо қопни маҳкам чангаллаганча қотиб қолган инглизнинг чангали тезда очилавермади. Ра-

қиб сўкинди. Жонсиз қўлни деворга урди. Шундан кейингина мақсадига етди.

У шайтонлар макон қилган жойдан чиққанида тобора тинкаси қуриб бораётганидан оёғида базўр турарди. Қоп ушлаган қўли эса қалтираб кетаётган эди. Рақиб яна тўрт қадамни базўр босди. Машинасига етиб олиш учун ҳали йигирма-ўттиз одим ташлаш керак. Неча-неча чақирим йўлларни югуриб босадиган йигит бор-йўғи шунчагина масофага мадори етмай қолди. У бешинчи қадамни босмоқ учун оёғини кўтарди-ю, ағанади.

Унинг ағанаганини сал наридаги ахлатхонани титиб юрган пиёниста хотин кўриб қолди-ю, йиқилган йигит ўрнидан турмасдан бурун унинг чўнтагидаги пулларни тинчитиш мақсадида чопиб келди. У рақибнинг қонга беланиб ётганлигини кўргач, тирикми ёки ўликлигини билиш учун туртиб кўрди. Йигит оғир нафас олаётганлигини билгач, унинг чўнтагига қўлини тикди. Бироқ ҳеч нима илинмади. Пиёниста аёлга бирдан алам қилиб, эркаклардан ўтказиб сўкинди ва рақибнинг қўлидаги қопни истар-истамай тортиб олди-да, ичини очиб кўриши билан кўзи қинидан чиқиб кетаёзди.

— Ё, раббим! — деди у очиқ кафтларини осмонга чўзиб, — берган неъматинг учун минг қатла шукр!

\* \* \*

Павел эндигина қирққа кирганди. Миллати жухуд бўлган бу одам ўта эҳтиёткор. Ҳар битта қадам босишидан аввал атрофга қайта-қайта разм соларди. Унга жиноий тўда тузиш режасини Швейцария хусусий банкларидан бирининг эгаси бўлмиш амакиси берганди. “Жайдари Россияда, — деганди у, — маданий йўл билан бойлик орттиришдан кўра куч билан катта маблағга эга бўлиш осонроқ. Ҳар хил мафиозлар тутган йўл ўта аҳмоқона. Тўдани шундай бошқариш керакки, сенинг борлигингни энг яқин одаминг ҳам билмасин”. Павел амакисининг гапига қаттиқ амал қилди. У биронта дўконни ўмаришга

тушмади. Биронта одамга зўравонлик ўтказмади. Ризқини четдан — бой мамлакатлардан қидирди ҳамда Эдуардга ўхшаган беш-олти одамни топди. Улар “мижоз”ни Россияга олиб келишар ҳамда Павелнинг қўлига топширишарди. Павел эса қўлга тушган “оҳу”га шундай зуғум ўтказардики, у қандай қилиб компьютер орқали Швейцарияга — Павелнинг ҳисоб рақамига ярим бойлигини ўтказиб берганини билмай қоларди. Амакиси у ёқда келиб тушган пулни покпокиза қилиб жиянига расмийлаштириб қўйишни яхши биларди. Албатта, ўзини эсдан чиқармаган ҳолда. Ҳамма ишлар хамирдан қил суғургандай битгач, Павел бойваччани қўйиб юборар эди. Аммо “мижоз” “кутилмаганда” бахтсиз ҳодисага учрар ва оламдан ўтарди. Шу билан қозон ёпилар эди.

Павел ҳеч қачон Эдуардни хафа қилмаган, ҳар доим олиб келган “мол”ига қараб унинг ҳақини берган. Шу сафар ҳам у берган ваъдасининг устидан чиқди. Аммо “қоп”нинг бир миллионлигини эшитган Александрнинг феъли айниди. Оқибатда эса...

\* \* \*

— Мен сизни қаттиқ ҳурмат қилганимдан калласар қўлидан озод қилдим, — деди Дмитрий исмли йигит Рустамга иржайиб қараб, Павел ўргатган гапларини айтар экан. — Семён Россияда, айниқса, Москвада ўзининг безорилиги билан ном қозонган. Сиздай олижаноб одам қандай қилиб унинг қармоғига илиниб қолганига ҳайронман.

— Сиз кимсиз? — дея сўради Рустам асабийлашганидан ёнидан сигарета олиб лабига қистирар экан.

— Мен сиздай одамларга ёрдам берадиган ташкилотнинг раҳбариман. Менинг вазифам мамлакатга келган сармоядор кишиларни соғ-саломат ватанига етиб олишига кўмаклашиш, — деди ўта мулойимлик билан Дмитрий.

— Яхши ташкилот экан, — деди ҳамон қўли қалтираётган Рустам. — Эвазига қанча тўлайман?

— Вой, сизни қаранг-а, дарров хизмат ҳақида гап-

лашасиз, аввал яхшилаб тамадди қилиб олайлик, у ёғини гаплашиш қочмайди. Вақтимиз бемалол, ҳеч қаерга шошаётган жойимиз йўқ. Қани, юринг мен билан, — дея Дмитрий ўрнидан турди.

Рустам истар-истамай унга эргашди. Улар бошқа хонага ўтишди. Дарҳақиқат, узун стол турли-туман ноз-неъматлар-у егулик, ичкиликлар билан тўла эди.

Дмитрий Рустамни тўрға ўтқазиб, ўзи пойгакдан жой олди.

— Жаноб Рустамбек, — деди Дмитрий француз коньягининг оғзини очар экан, — футболга қизиқасизми?

— Жиним суймайди, — дея жавоб қилди Рустам қисқагина.

— Бекор қиласиз. Футбол, бу — фалсафа. Ундан жуда кўп нарсаларни ўрганса бўлади. Мана, мен футбол бошланди дегунча, ҳар қандай ишимни йиғиштираман. Агар хотиним суйкалаётган бўлса, унинг хоҳиш-истагини футболга алмашиб қўяқоламан. Кейин шунчалик жон-дилим билан футболни томоша қиламанки, натижада бир дунё маъно топаман. Менга ким ютишининг қизиги йўқ. Асосийси, йигирма икита одам у ёқдан-бу ёққа югуриб юрса бас.

Улар бир қадаҳдан коньяк ичишганларидан кейин Рустам бироз ўзига келди. Ва ўйинни чўзиб ўтирмаслик учун:

— Қанча берайин? — дея сўради.

— Ҳимматингизга яраша, — деди Дмитрий қадаҳни айлантириб ўйнаркан.

— Аниқроқ айтинг, — деди Рустам тоқати-тоқ бўлиб.

— Майли, агар сиз суммани шунчалик тез билишни истасангиз, айтганим бўлсин. Биз ҳар доим эллик фоизга ишлаймиз. Чунки меҳмонларни қаттиқ ҳурмат қиламиз.

— Ниманинг эллик фоизига? — деди ҳайрон бўлган Рустам.

— Семён олиши керак бўлган сумманинг эллик фоизи.

— У мендан бир тийин ҳам олмоқчи эмасди. У мени бирга ишлашга таклиф қилган, холос.

— Ёш бола эмаслигингизни ўзингиз яхши биласиз, жаноб. Лекин бировнинг ичидаги нарсани билишдан оғир нарса ҳам йўқ дунёда. Балки ҳақиқатан ҳам сиз Семённинг бутун бойликларингизни ўзиники қилиб олмоқчи бўлганидан хабарингиз йўқдир?

— Нималар деяпсиз? — деди ҳайратланган Рустам.

— Бутун сармойангиз қанчалигидан яхши хабаримиз бор. Шунинг эллик фоизини, биз сизга ҳисоб рақами берамиз, ўшанга ўтказасиз.

Бу гапни эшитиб Рустам тошдек қотиб қолди.

\* \* \*

Анжела бошида қаттиқ оғриқ пайдо бўлганидан кейин ўрнидан туриб, уй томонга кета бошлади. Семён унинг орқасидан қараб турганида телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган эди, ундан Вадимнинг овози келди.

— Семён, мен сени хурсанд қилолмайман. Одамларнинг хабар беришича, микроавтобус ва “Волга”даги рақамлар сохта экан. Уларнинг номерлари аввал битта “Запорожец” ва “Москвич”га берилган. Ўша машиналарнинг эгалари бундан икки кун муқаддам рақамлари ўғирлаб кетилганини айтишди, — деди Вадим.

— Ахир улар сув эмаски, ерга сингиб кетса, қаергадир киргандир?! Кимнингдир хабари бордир?! — деди хуноби ошиб Семён.

— “Волга”дагилардан бири тирик қолган, ҳозир касалхонада ўладиган бўлиб ётибди. Агар ўша ўзига келса, биронта маълумот олиш мумкин.

— Қайси касалхонада? — дея шошиб сўради Семён.

— Марказийда, менинг одамларим у ерда навбатчилик қилаяпти.

— Яхши, ҳозир мен у ерга етиб бораман, — деди

Семён ва гўшакни қўйиб тансоқчиларни чақирди-да, уларга машинага ўтиришларини буюрди.

Эрининг қаёққадир кетаётганлигини кўрган Анжела уйдан югуриб чиқди. Семён унга ўқрайиб қаради. Аммо хотини бунга эътибор ҳам бермади.

— Янгилик борми? — дея сўради.

— Арзимас. Лекин унга сенинг боришинг шарт эмас, мен ўзим ҳал қилиб келаман.

Анжела бирдан бўшашиб қолди. Унинг хаёлидан “Ишқилиб, тирик бўлсин-да”, деган ўй кечди.

— Манавиларни, — деди Семён жирканганча иккита савдогарни кўрсатиб, — подвалга қамаб қўйинглар, керак бўлиб қолади.

Учта машина бирин-кетин уйдан катта тезликда чиқиб кетди. Эрига нисбатан умуман ҳурмати қолмаган Анжела шу топда унга омад тилади.

Семён касалхонадаги боши дока билан боғланган, ҳануз ҳушига келмай ётган йигитга қараб турди-да:

— Буни ўзига келтиришнинг иложи борми? — дея сўради шифокордан.

— Афсуски, — деди бошини чайқаб шифокор, — балки умуман ҳушига келмаслиги ҳам мумкин. Жароҳати оғир.

Шунда Семён бирдан шифокорнинг ёқасидан олди-да:

— Менга у тириклайин керак. Агар ўлса, сен ҳам ўласан! — деди ўшқириб.

Кўзларидан ўт чақнаб турган Семённинг важоҳатини кўриб врач қалтираб кетди ва бошини қимирлатиб “хўп”, деган ишорани қилди. Семён унинг ёқасини қўйиб юбориб хонадан чиқди ҳамда ҳушсиз ётган йигитни аравачада олиб келаётган иккита оқ халатли йигитга урилиб кетай деди.

— Эшакка ўхшаган! Ўласанми кўзингга қарасанг?! — дея ўшқирди у оқ халатли дўхтирларга ва йўлак бўйлаб кетаётиб бир нарса эсига тушиб қолган одамдай жойида таққа тўхтади-да, ортига ўгирилди. Беморни олиб кетаётган шифокорлар Семён чиққан

хонанинг ёнидаги палатага кириб кетишди. Бироз ўйланиб турган Семён дарров уларнинг ортидан борди.

Эшик ёнида яна бояги оқ халатлига урилиб кетишига сал қолди. Аммо бу сафар унинг жаҳли чиқмади.

— Нима қипти бунга? — дея сўради шифокордан. Шифокор ортига бир қараб олди-да:

— Елкасидан ўқ теккан, — деди.

— Тирикми? — дея сўради Семён кўзлари каттакатта бўлиб.

— Ҳозирча тирик. Кўп қон йўқотиб ҳушидан кетган, — деди шифокор.

— Қанақа қон керак? Ҳозироқ топиб бераман, — деди Семён бирдан ҳовлиқиб.

Бундай мурувватли одамнинг бу ерда қандай пайдо бўлиб қолганлигига ҳайрон бўлган дўхтир Семёнинг орқасида ранги гезариб турган шифокорни кўрсатиб:

— Бу киши аниқлаб айтади, — деди.

Семён боягина ўзи ёқасидан олган одамга ўқрайиб қаради.

— Ҳозироқ қон группасини аниқлаймиз, — дея шошганча шифокор палатага кирди.

Орадан беш дақиқа ҳам ўтмасдан ярадор қонининг гуруҳи маълум бўлди. Бу ҳақда шифокор Семёнга айтиши билан у тўртта йигитни унга рўпара қилди.

— Буларники тўғри келмаса, бошқа яна истаганча одам топиб келаман, — деди Семён йўлакдаги ўриндиққа ўтириб.

Ярадорга қон қуйилгандан кейин ярим соатлар чамаси вақт ўтиб у кўзини очди. Шифокор бу ҳақда дарҳол Семёнга хабар берди. Ўрнидан сапчиб турган Семён шошилганча палатага кирди. Ярадор йигит шифтга тикилганча ётар эди.

— Исминг нима? — дея сўради елкасига оппоқ халат ташлаб олган Семён мулойимлик билан.



Ярадор нигоҳини шифтдан олиб Семёнга қаратди. Ва бироз жилмайиб:

— Мени бекорга бу ерга олиб келишибди, — деди.

— Асосийси, жонинг омон қолибди. Шунисига шуқр қил. Исмингни айтмадинг?

— Боря, — деди йигит бироз афти бужмайиб.

— Боря, ким сени бу аҳволга солди? — дея сўради Семён энди меҳрибон товушда.

— Сиз прокурор эмасмисиз? — дея суҳбатдошининг саволига савол билан жавоб қайтарди йигит.

— Мен сенга яқин одамман. Прокурор энди келади, — деди Семён тутақиб кетаётган бўлса-да, ўзини босиб.

— Ҳеч ким, ўзим йиқилдим, — деди йигит кўрслик билан.

— Ҳов, итдан тарқаган! — деди бирдан жон-пони чиқиб кетган Семён. — Мен сендан сўраяпман, ким сени бундай аҳволга солди? Бўл, тез айт. Йўқса, ҳозир қайтиб келган жойингга қараб жўнайсан. Фақат бу сафар қайтиб келмайдиган бўлиб.

— Сизни мен танимасам... — деди кўрқиб кетган Боря.

— Яхшилаб эсингдан чиқмайдиган қилиб танитиб кўяман, агар менинг саволларимга жавоб бермасанг, — деди Семён ғазабдан афти бужмайиб.

— Инглиз йигит, оти Эдуард. Қандайдир миллиардер билан Америкадан келган экан. Унинг долясини олиб боргандик. Келишолмадик. Отишмада менинг шеригим билан англиз ўлди. Мен, яраландим, — дея тез-тез жавоб бера бошлади Боря.

— Миллиардер қаерда? — дея сўради Семён Борянинг тезда тилга кирганидан хурсанд бўлиб.

— Уни Дима асир олган. Ленинградский кўчасининг охиридаги уйнинг подвалида қурилган тунги клубда ҳозир, — деди Боря ҳансираб.

— Бу гапинг бошқача бўлди, — деди унинг елкасига қоққан Семён. — Энди худо хоҳласа, кўп яшайсан.

Йўлакка чиққан Семён йигитларига Боряни ҳозирок бу ердан олиб кетишларини буюриб, ўзи ташқарига кетаётганда уни шифокор тўхтатиб қолди.

— Нима гапинг бор? — дея сўради Семён афтини бужмайтириб.

— Ярадорнинг бу ерга олиб келинганлиги ҳақида ички ишларга хабар берилган. Ҳали-замон келиб қолишади. Шунинг учун ярадор шу ерда қолгани маъқул, — деди у қўрқа-писа.

— Ўлгинг келаяптими? — дея сўради бамайлихотир Семён.

— ...

— Унда уларга ўзинг гап топиб берасан! — деб Семён тез-тез юрганча касалхонадан чиқиб кетди.

У машинага ўтириши билан қўл телефони жиринглади.

— Алло, — деди телефонни қулоғига олиб борган Семён.

— Ишлар қалай, биродар? — деган овоз келди телефондан.

— Вадим, ҳаммасини аниқладим. Фақат мен бир нарсага ҳайронман. Дима деган “тип”ни танийсанми?

— Дима... Дима, ҳа, сал эсладим. Бир сафар йигитларим Дима исмли чурвақа пайдо бўлганини айтганди. Ўша машинага ҳужум қилибдими? — деди Вадим.

— Шунақага ўхшайди, ҳозир борайлик-чи, кейин кўрамиз, — деди Семён мамнун қиёфада.

\* \* \*

Ертўлага қамалганларидан кейин Очил йиғлаб юборди-да:

— Ҳаммасига сен айбдорсан! — дея қичқирди Фозилга, — сенинг лақмалигинг касофатига бу ерда ўтирибмиз.

— Нима қилибман лақмалик қилиб?! — дея бақириб юборди Фозил ҳам, — мен бошлаб келдимми ўша бойваччани?

— Сен тоғамнинг ўғли йўқолиб қолганди демаганинда, шу кунлар йўғиди бошимизда, — деди Очил бетон жойга ўтираркан.

— Гап менинг шунақа деб гапирганимдамас. Сен билан мен тушунмайдиган ўйинга тасодифан қўшилиб қолдик. Бор-йўқ айбимиз шу, ошна. Боя анавиларнинг телефонда гаплашганларини эшитмадингми?

Очил бошини эгди. Хотини, учта боласини эслади. Хотини Очил йўлга чиқаётганида: “Дадаси, кўнглим жуда ғаш. Сал кейинроқ боринг”, деган эди. Очил унинг гапига қулоқ солмади. “Ҳозир сезон, агар сезондан кечга қолсак, ҳамма қилган ишларимиз чиппакка чиқади”, деди. Шу бўйи хотини жимиб қолди. Ортиқча сўз айтмади. Аммо Очил дарвозадан чиқар пайти ортига ўгирилиб қараганида, хотини йиғлаб турарди. Унга қўшилиб учта боласи ҳам кўз ёши тўкишарди. Очилнинг кўнгли ўша пайт алланечук бўлиб кетди. Болаларининг ёнига югуриб боргиси, уларни бағрига босгиси келди. Аммо ўзини босди. Уларнинг йиғлаб қолишини одатий ҳол деб тушунди. Энди бўлса ўшанда хотинининг дилини оғритгани учун ичидан эзилиб ўтирибди.

Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтиб ертўланинг эшиги очилди. Иккала савдогар йигит ҳам бирдан ўринларидан туришди. Тақ-туқ этказиб зиналардан пастга Анжела тушиб келди.

— Яхши ўтирибсизларми? — дея сўради у йигитлардан.

Очил билан Фозил бошини эгди.

— Хафа бўлмайсизлар, шунақанги ҳолатлар ҳам бўлиб туради, қоринларингам роса очқагандир? Ҳозир мен сизларни овқатлантираман, орқамдан юринглар, — дея йигитларнинг кўнглини кўтарган Анжела ортига бурилди-да, яна зинадан тепага қараб чиқа бошлади.

“Ҳақиқат бор экан-ку, мана, бизниям одам қаторига қўшишди”, дея ўйлади Фозил. Очилнинг хаёли

эса бошқача эди. “Нега энди дабдурустдан бу ойимча бизга мурувват кўрсатиб қолди? Бунинг тагида бошқа гап йўқмикан? Эри бунга “Ўзинг буларнинг адабини бер”, деб айтган бўлса-чи? Ҳозир бу мулойим супурги овқатимизга заҳар солиб берса нима қиламиз? Бекордан-бекорга ўлиб кетаверамизми?” — деган хаёлга борганди у.

Эрига ёрдам бериш учун ҳамма одамлар унинг ёнига кетганидан Анжела усталик билан фойдаланиб қолмоқчи эди. “Рустам булар билан гаплашган. Шундан кейин унинг феъли айниб қолди. Булар унга нималарнидир айтиб беришган. Мен Рустамни ўзбек эмаслигига ишонтиришим керак. Шунда у тўлалигича меники бўлади”, — деган ўй унинг миясига ўрнашиб қолганди.

— Йигитлар, — деди Анжела егуликлар билан тўлдирилган столнинг бир чеккасидаги стулга ўтириб, — менинг сизларга раҳмим келиб кетди. Эримнинг аҳволини кўрдинглар. Бўридай одам. Ҳеч нарсадан қайтмайди у. Боя сизларни ураётганида базўр тўхтатиб қолдим. Энди эса, сизларнинг менга ёрдамларинг керак бўлиб қолди. Ўйлайманки, бизнинг фикримиз бир жойдан чиқади.

Фозил Анжела гапиргунча дастурхонга қўлини узатган эди, Анжела ўтиришлари билан овқатга ҳам таклиф қилмасдан бирдан гапириб юборганидан кейин секин қўлини тортди. Очил унга ўқрайиб қараб қўйди-да: “Қани, бизни нима деб лақиллатишни ўйлаб қўйибсан? Бир эшитайлик-чи”, — деб хаёлидан ўтказди.

— Сизлар бемалол олаверинглар, тортинманглар. Менинг одатим шунақа, овқатдан олдин кўп гапираман, — деди уларнинг жим турганларига ажабланган Анжела.

Йигитлар дастурхондаги турфа ноз-неъматлардан чўқина бошлашди. Уларнинг бундай овқатланишини кўрган Анжела йигитларни хижолатга қўймаслик учун ташқарига чиқиб кетди. Шундан кейингина

беҳад очикқан иккала савдогар ҳам ҳақиқий эркак-часига овқатланишга тушиб кетишди. Турли таомларнинг ҳиди томоғини қитиклаб, Очил хаёлида боя пайдо бўлган ўйни эсидан чиқариб юборганди. Шу боисдан ҳам кавшашда шеригидан ортда қолмасди.

Ташқарида Анжела бекорга юрмади. У йигитларни қандай қилиб бутунлай ўзига оғдириб олиш, кейин уларнинг хизматидан усталик билан фойдаланиш режасини тузди.

Анжела ошхонага кириб келганида Фозил билан Очил тўйган кўзидай бўлиб ўтиришарди. Дастурхон ҳам анча очилиб қолган эди. Буни кўрган Анжеланинг лабида табассум пайдо бўлди. Жувон аввал сал энгашиб, кейин стулга секин ўтирди. Унинг шундоқ ҳам кўриниб турган оппоқ бўлиқ сийналари баттар ўзини кўз-кўз қилди. Буни кўрган Фозил ўрnidан туриб кетаёзди. Очил эса ютиниб кўйди. Анжела йигитларда пайдо бўлган ўзгаришни сезди ва оёқ томонига ноз билан қараб кўйлагини бироз тортиб, оппоқ сонини болдиригача очиб кўйди. Очилнинг кўзи гарчи кейинги жодуга тушмаган эса-да, Фозилнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

— Ҳали мен сизларга айтгандим, — дея гап бошлади қадаҳга шошмасдан шампан виносини ўзгача бир назокат, эҳтирос ила қуяётган Анжела, — менга ёрдамларинг керак.

— Қанақа ёрдам бўлса тайёрмиз, — деб юборганини Фозил ҳатто ўзи ҳам сезмай қолди.

— Оҳ, сиз эркаклар, — деди жувон қадаҳдаги шампан виносидан бир қултум ютаркан. — Ҳар доим мард ва шошқалоқсизлар.

Рағбат Фозилга хуш ёқди. У лаб-лунжини умуман йиғиштиролмай қолди. Агар ҳозир имкон бўлса Анжелага қапишиб ўтириб олган бўларди. Очил эса бироз сергакланди. Жодуланиб қолмаслиги учун бошини эгди.

— Сизларга айтмоқчи бўлган хизматим унчалик

ҳам оғир эмас. Истасанглар ҳамма ишни шу ернинг ўзида битириб қуйиш мумкин.

— Йўғ-э, — деди Фозилнинг кўзи ёниб, — бўлма-са тезроқ бошлайлик вақтни чўзмай, балки ундан кейин бошқа иш ҳам чиқиб қолар.

Анжела савдогар йигитнинг шамасини бирдан тунди. Ва секин этагини тортиб иккинчи жодуни беркитиб қўйди-да:

— Гап бундай, йигитлар, — деди бирдан жиддий қиёфага кириб, — Рустам билан қандай таниш чиқиб қолдинглар? Мени шу нарса қизиқтиряпти.

Фозил билан Очил бу гапдан кейин бирдан бирига қаради. Ва маъноли кўз уриштириб қўйишди.

— Танишлигимиз, — дея гап бошлади зумда бояги шайтон хаёллари пучга чиққанини сезганидан ҳафсаласи пир бўлиб Фозил, — танишлигимиз, умуман, бизнинг у билан танишлик жойимиз йўқ...

— Ҳа, — шумдай дея бирдан Фозилнинг гапини бўлди Очил, шериги ўйламай яна биронта гапни лақиллаб қўйишидан чўчиб, — биз у билан гул бозорида тасодифан танишиб қолдик. Гулимизни сотиб олди-да, кўнглида бизга бир яқинлик сизди, сўнг ресторанга таклиф қилди. Еб-ичиб, маст бўп қолибмиз. Бўлган гап шу.

— Яхши, — деди Анжела жилмайиб.

— Унда қайси бирларинг унга қариндош чиқиб қолдиларинг?

Фозил Анжеланинг сўроғидан дув этиб қизариб кетди:

— Битта қариндошимиз ёшлигида йўқолиб қолган экан. Шунини айтувдим, у ўша менман, деб қолди. Бўлмаса уни умримда биринчи кўриб туришим. Менга умуман ўхшамайдиам, — деди у тутилиб-тутилиб.

— Шу, холосми? — деди Анжела таажжубга тушиб.

Биронта гап кам бўлмадими деган ўйда Фозил Очилга қаради.

— Бори шу, — деди Очил.

— Айнан мен кутган нарса, энди буларнинг бари-ни Рустам келганидан кейин унинг ўзига айтиб бера-сизлар, келишдикми? — дея Анжела ўрнидан тур-ди. — Энди сизларни кузатиб қўяман, — деди.

Яна қамалиб қолганларидан кейин бурчакка ўтир-ганча икки тиззаси орасига бошини тикиб олган Фозил секин борди-да:

— Ошна, лекин зўр нарсайкан-а? — деди.

Асабий равишда бошини кўтарган Очил овсар ше-ригига еб қўйгудек тикилди-да:

— Зўрлигини пишириб ейсанми? Эртага Рустамга шунақа сени алдагандик десак, бизни ўлдиртириб юбормайдими, эшшакмия!

— Ваҳима қилаверма, балки қўйиб юборишар. Ҳар қалай, биз уларнинг киссасига ўғирликка тушмадик-ку! — деди ранги ўчиб кетганлигини билдирмаслик учун бошқа ёққа қараган Фозил.

Анжела савдогар йигитлардан ўзи кутган жавобни олган эди. Энди у Рустамни қўйиб юбормаслик учун ҳамма чорани қўллашга тайёр, фақат бунинг учун эри уни олиб келиши шарт эди. “Семён осонлик билан Рустамни қўйиб юбормайди. Бунинг учун мен ҳийла ишлатишим керак. Агар бунда эрим қаттиқ жабрланиб қолсаям ҳеч нарса қилмайди. Шунга лойиқ у. Аммо ўша ҳийлани қандай амалга ошириш лозим?” дея ўйлаган Анжела ўзининг саволига ўзи жавоб излаб тополмай хуноби ошди.

Худди шу пайт унинг қўл телефони жиринглаб қолди. У телефондаги рақамга қараб ҳайрон бўлди. Унда мутлақо номаълум рақамлар ёзилган эди. Жу-вон телефон тугмачасини босиб қулоғига олиб бор-ди-да:

— Алё, — деди

— Анжелка, — деган овоз келди ундан, — дугона-жон!

— Маргарита! — деб юборди бирдан Анжела ҳам.

— Сени базўр топдим, Анжелка, одам шунақаям

бўладими, бир йилдан ошиб кетди-я кўришмаганимизга. Ҳеч қурса бир мартаба кўнғироқ ҳам қилиб кўймайсан.

— Тўхта, тўхта, — деди бирдан кулиб юборган Анжела, — индамасам ҳозир пулемёт бўлиб кетасан. Аввал саломлашиб олайлик-чи!..

— Саломдан олдин ҳамма гапларимни айтиб олмасам, сени ҳозир эринг чақириб қолади, худди аввалгиларидай. Кейин гапларим ичимда қолиб кетади.

— Эрим ҳозир уйда йўқ, — деди Анжела ва бояги саволига жавоб топилгандай бўлди-ю, юзига табасум югурди. — Рита, бугун сен билан кўришишнинг иложи борми?

— Бўлмасам-чи? — деган овоз келди гўшакдан. — Сенга худди шунинг учун кўнғироқ қилаётган эдим. “Белые ночи”га келгин, шу ерда кўришамиз.

Анжела шошилганча гўшакни жойига кўйди-да, кийиниш учун хонасига югурди.

У ресторанга етиб келгунча орадан бир соатга яқин вақт ўтди. Маргарита аллақачон келиб улгурган, дугонаси кўриनावермагач, битта шампан виносини эрмак қилиб ўтирар эди.

Улар ўпишиб кўришдилар, Маргарита дугонасига бошдан оёқ қарар экан:

— Анжелка, намунча очилиб кетдинг? Ёшарибсанам. Ҳозироқ менга бунинг сир-асрорини айтасан, йўқса бу ердан сени кўйиб юбормайман, — деди.

— Тсс! — дея кўрсаткич бармоғини лабига босди Анжела. — Эркаклар шу гапларингни эшитишса, мени сендан тортиб олишади.

Икки дугонага ҳам гап нашъа қилиб хандон отиб кулиб юборишди. Сўнг улар столга бир-бирига қарама-қарши ўрнашиб, озгина у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Маргарита эрмак қилган шампанни тугатишиб, бошқа олиб келтиришди. Кейин Анжела бу ерга келгунича миясида пишитган гапларни дугонасига бирма-бир айта бошлади.



— Шоҳона яшаяпман. Кўнглим тусагани — мухайё, — деди у ҳазинлик билан. — Лекин ҳақиқий бахтни яқиндагина учратдим.

— Йўғ-э, — деди унга тикилиб қолган Маргарита, — гапир-чи, қанақа бахт экан?

— Бир одам.

— Эрингми?

— Анжела дугонаси берган саволдан пиқ этиб кулиб юборди.

— Қизиқсан-а, Маргарита, ёшлигингда қандай бўлсанг, бир грамм ўзгармагансан. Бунинг учун менга эмас, сенга ҳавас қилиш керак. Агар ўша бахт эрим бўлганида сенга айтиб ҳам ўтирмасдим. Умуман бошқа одам, тушунаяпсанми, Рита? Бошқа!

— Хўш, кейин-чи?

— Нима кейин?

— У одам қанақа, қандай қилиб танишиб қолдинг? Ҳаммасини бирма бир гапиравер, биласан-ку, бунақа гаплар менинг жону дилим.

— У билан танишиш-у, учрашувларни ҳаммасини эрим ташкил қилиб берди.

— На-ҳот-ки?! — дея Маргарита ўрнидан туриб кетди. — Нималар деяпсан, қандай қилиб эринг?..

— Рита, дугонажон, ўтирсанг-чи, — деди Анжела паст овозда, дугонасининг ҳовлиқиб кетганидан ясама ранжиб. Ва қадаҳидаги шампан виносини охиригача ичди. Кейин бироз ўйланиб тургач, Рустам ҳақида батафсил гапириб берди.

— Қойил, — деди Маргарита Анжела ҳикоясини тамомлагач, — бутун бошли романтика... Энди нима қилмоқчисан?

— Бу ёғига сенинг ёрдаминг керак. Эримни қўлга туширишда кўмаклашмасанг бўлмайди. У мени бекордан-бекорга Рустамга тортиқ қилгани йўқ. Эртага мақсадига етади-ю, кейин мендан воз кечиб қўя қолади. Ундан кейин аҳволимга маймунлар йиғлайди. Хуллас, менинг режам бунақа. Сен чиройда мендан ўтсанг ўтасан-у, лекин ортда қолмайсан. Демак,

эримни бемалол ўзингга боғлаб олишинг мумкин. Мен учун, ёшликдан бирга катта бўлган дугонанг учун у билан бирга бўласан. Мен эса ўша хонага камера ўрнатиб қўяман. Бўлди, шу билан ишинг битади. Эвазига қуруқ қўймайман.

Маргарита ўйланиб қолди. Анжеланинг эрининг қўйнига кириб чиқиш унинг учун хамирдан қил суғургандай осон иш. Шу кунгача не-не эрларнинг “танобини тортмади”. Уни ҳозир бошқа масала қизиқтирарди. Яъни, эвазига бериладиган хизмат ҳақи...

— Хўш, қанча бермоқчисан, дугонажон? — дея кулиб қаради у Анжелага.

— Битта лимон етадимми? — деди Анжела дугонанинг кўзига тик қараб.

— Битта лимон миллионлар олдида нима деган гап? Сал оширсанг, яхши бўлармиди? — деди мийгида кулиб Маргарита.

— Бир ярим етадимми?

— Чидаса бўлади.

— Яхши, — дея Анжела хизматчи аёлни чақириб, унга коньяк келтиришни буюрди.

\* \* \*

Семённинг одамлари Дима ўтирган уйнинг атрофини ўраб олишди ва бу ҳақда хўжайинга хабар беришди. Шундан сўнг Семён бор-йўғи битта соқчисини олиб машинада ўша уйнинг ёнига бордида, ертўлага тушмоқчи бўлганида унинг йўлини иккита барзанги тўсди.

— Қаёққа? — деди улардан бири оғзидаги сақичини чайнаб.

Семён бир муддат уларга қараб турди-да:

— Хўжайинларингнинг ёнига, — деди.

— Кимсан? — деди ҳалиги барзанги оғзини чапиллатишда давом этиб.

— Хўжайинингга бориб айт. Семён бор-йўғи битта йигити билан келибди, де.

Таниш ном эшитилиши билан барзанги бесаран-

жом бўлиб қолди ҳамда ёнидаги телефонни олиб дарров Димага қўнғироқ қилди.

Дима Семённинг бу ерга келишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Чунки унинг ўзи Рустамни “тинчитишда” иштирок этган ва ҳеч ким бу ишнинг “ҳиди”ни олмаганлигига ишончи комил эди. “Балки, — дея ўйлади у, — бошқа иш билан келгандир. Бирдан ваҳимага тушиб қолиш мендай одамга ярашмайди. Агар мен Рустамни бирёқли қилганимда ҳам битта одами билан нима қила оларди. Бирпасда ўзини ҳам тинчитиб қўяқоламан”.

Ичкаридан “киритавер”, деган буйруқни эшитган барзанги дарҳол Семёнга йўл бўшатди. Семён ертўлага кираётиб қўлидаги сигаретани оёқ остига ташлади. Бу “ишни бошланглар”, деган буйруқ эди.

Дима “авторитет”ни қучоқ очиб кутиб олди ҳамда ўзининг мана шундай кўримсиз жойдан идора очганлиги учун узр сўради.

— Сичқонлар шунақа жойда яшайди, — деди Семён кулиб. — Сенинг бунақа жойдан ин қилганингниг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

Бу гапдан Дима гезариб кетди. Бошини у ёқдан-бу ёққа боксчилардай чайқаб:

— Одамни тузлашнинг жа ҳадисини олгансиз-да, ўртоқ қария, — деди ва сал нарида турган йигитига қараб лабини тишлади. Бу унга “тайёр тур”, деган ишора эди. Тансоқчи йигит қўйнига қўлини тикдида, тўппончасини маҳкам ушлади.

— Мен сени тузлаш учун келганим йўқ. Бунга вақт бор. Менга Рустамни бер, мен кетаман!

— Ким сизга қанақангидир Рустамни менда деб айтди? — деди Дима ўзини ҳайрон бўлгандай тутиб.

— Ўзингни гўлликка солма, — деди Семён ўқрайиб.

— Тухмат қандай жазоланишини ўзингиз мендан яхшироқ биласиз, деган умиддаман, — деди мийи-гида кулимсираган Дима.

— Ёлғон эса ундан ҳам баттарроқ! Сен йирикроқ

одам бўлганингда мен аллақачон таниган бўлардим. Ўзинг майда экансан, лекин гапни майда қилма!

— Ҳақоратлар сони ортиб бормаяптими, муҳтарам Семён ака? — деди Дима киноя билан.

— Айтганимни қилмасанг, бундан баттариям бўлади, — дея Семён ёнига қўлини тикди. Шу заҳоти унга тансоқчи тўппончасини ўқталди.

— Бу ер менинг жойим, шундай экан, бу ернинг қонуни ҳам меники, ортиқча ҳаракат қилмасдан ўзингизни қўлга олиб ўтиринг, — деди Дима қовоғи осилиб.

— Сен майдагина бола экансан, десам қуён билан ошнолигинг ҳам бор экан-ку, — дея Семён ёнидан папирос қутисини чиқариб ундан битта дона олдида, лабига қистириб энди тутатганида эшик томонда шовқин-сурон бўлиб қолди. Бироздан кейин Семённинг кетма-кет бешта йигити кириб келди. Улар қўлларидаги тўппончаларини Дима билан тансоқчининг пешонасига тирашди.

— Айтдим-ку, ука, ҳали биз билан гаплашишга майдалик қиласан деб. Ёлғончилигинг учун жазони эса, агар айбингиз ювмасанг, албатта, ҳозирнинг ўзидаёқ оласан, — дея Семён ўрнидан турди ва папиросни чуқур тортди. — Рустам қаерда?

Ғарчи пешонасига ўқталган тўппончадан Диманинг баданидан совуқ тер чиқиб кетган эса-да, у вазиятдан силлиқ чиқиб кетиш учун Семённи яна бир марта алдаб кўрмоқчи бўлди.

— У бу ерда эмас, қўшни кварталдаги ўттиз бешинчи уйнинг йигирма олтинчи квартирасида.

— Шунақа дегин, — деди Семён мийиғида кулиб ва ёнидаги йигитга: — Болалардан иккитасини олиб кўриб келинглар, — деб буюрди.

Дима: «Мениям кўшиб жўнатади. Йўлда амал-тақал қилиб қочиб қоламан», дея ўйлаган эди. Аммо ўйлагани рўёбга чиқмади. У чуқур тин олди.

— Йигитларингиз келгунча ўтиришга рухсат бе-

рарсиз, — деди Дима Семёнга имкон қадар илжайиб қарашга ҳаракат қилиб.

— Э, узр, — деди Семён қулини икки ёнга ёзиб, — сенинг мезбон эканлигинг эсимдан чиқиб қолибди.

У Дима билан унинг одамига тўппонча ўқталиб турганларга бир имо қилган эди, улар хавфдан вақтинча озод бўлишди. Дима айланма столга бориб ўтирди ва стол тагидаги кичкина тугмачани босди.

Павел амакиси билан гаплашар экан, кўзи ёниб-ўчаётган қизил чироққа тушди. Бу Димага хужум бўлганлик белгиси эди. У амакисига кейинроқ қўнғироқ қилишини айтиб, гўшакни жойига қўйди-да, “Кўрикчилар!” дея бақирди.

Павел ўтирган хонага бирин-кетин иккита барзанги югурганча кириб келди.

— Димага хужум бўлган, тезда ҳаммани йиғиб унинг ёнига боринглар! — деди асабийлашган Павел.

Ордан беш дақиқа ҳам ўтмасдан Павелнинг ҳовлисидан кетма-кет тўртта машина қушдайин учиб чиқиб кетди.

Дима: “Ишқилиб, Павел уйда бўлсин, тезроқ йигитларни жўнатсин”, дея ўйлади. Аммо худди ўша пайт Семённинг орқа томонидан йўтал товуши эшитилиб қолди. Семён ўрnidан турди-да, нақшинкор деворга яхшилаб разм солди. Ва унда эшик борлигини сезиб қолди.

— Ўҳ, — деди у ортига бурилиб Димага қарар экан, — хазинанг бу ёқдага ўхшайди-а! Оч, бир кўрайлик-чи, нималарни яшириб қўйибсан? Йигитлар қайтиб келишгунча зерикмасдан “музей”ингни томоша қилиб турамиз.

Диманинг ичи шиғ этиб кетди. Нима қиларини билмай довдираб қолди.

— Оч! — дея бақириб юборди Семён Диманинг қизариб-бўзариб кетганини кўргач.

Дима бирдан стол тортмасини тортиб, яширган тўппончасини олмоқчи бўлди. Лекин улгурмади.

Унинг ёнгинасида турган Семённинг олами биқинига тепиб юборди. Семён пинҳона хонада ким яширинганини тусмоллаб билди. Ва ғазабдан қалтираб, Диманинг ёқасидан ушлади-да, ўрнидан тургазиб:

— Мараз, агар ҳозироқ эшикни очмасанг, итнинг кунини бошингга соламан! — дея бўқирди.

Димадан садо чиқмади. У ичида Павел эртароқ етиб келсин, дея дуо қилиб турарди.

— Тарзан! — дея бақирди Семён. — Эшикни буз!

Қорачадан келган, кўзининг тубигача жун босган барзанги йигит деворнинг ёнига келди-да, синчиклаб қараб эшикнинг қаердалигини аниқлашга киришиб кетди. У тезда айтилган буйруқни бажаравермагач, Семён Диманинг жағига бир мушт туширди-да:

— Нега бунча чўздинг, кўзинг кўрми? — дея ўзи бориб эшикни кўрсатди.

Барзанги бир-икки марта тепди, аммо эшик очилмади. Шунда у қўлидаги тўппончалан эшикнинг қулфига уч-тўрт марта ўқ узди, сўнг бир тепган эди, эшик шарақлаб очилиб кетди. Семён нариги хонага ўтди-ю, ҳангу манг бўлиб қолди. Рустам столга оёқ-қўлидан боғланганча ўтирарди.

— Дўстим, сени не куйларга солиб қўйишди! — дея бақирганча у Рустамни кучоқлаб олди, сўнг унинг қўлларини тезлик билан еча бошлади. — Айтгандим-ку сенга қўриқчи берай деб, қулоқ солмадинг!

Семён Рустамни озод қилиб бўлгач, аввалги хонага югуриб ўтди-да, мунгайиб ўтирган Диманинг пешонасидан отиб ташлади.

— Итдан тарқаган ҳаромилар! — дея сўкинди у.

— Улар ҳали менга зиён етказишмаганди, — деди Рустам Семённинг ишидан норози бўлиб.

— Улгуришмаган, — деди Семён ва Рустамни белидан кучиб ташқарига бошлади.

Ертўладан биринчи бўлиб кўтарилган тансоқчи кўкрагидан ўқ еб орқасига қулади. У Рустамнинг устига йиқилишига оз қолди.

— Ким улар? — дея бирдан бақирди Семён рац-  
яни қўлига олиб.

— Тўртта қоп-қора машинада ниқоб кийганлар  
келишди. Мен сизга хабар беришга улгурмасимдан  
чиқиб қолдиларинг, — деди рўпарадаги уйнинг то-  
мидаги йигит Семёнга ахборот бериб.

— Вадимга хабар бер, кейин ўзинг уларни нишон-  
га ол. Балки ўзимиз ҳам чиқиб кетармиз, — дея  
Семён ортига бурилиб, йигитларига қаради. — Ва-  
дик томдан ўқ узишни бошлаши билан битта-битта  
чиқиб подъездга яширинасанлар.

Павелнинг йигитлари ҳам анойилардан эмасди-  
лар, томдан отилган ўқдан иккитаси афанаганидан  
кейин машиналарнинг орқасига яширинишди-да, ер-  
тўладан чиқмоқчи бўлганларни ўқ ёмғири остида  
қолдиришди. Яхшиям кўп ўтмасдан Вадимнинг йи-  
гитлари ёрдамга етиб келди, акс ҳолда Семён ҳам  
шу ернинг ўзида жон таслим қилиши ҳеч гап эмас-  
ди.

Қисқа муддатли отишмадан кейин Семён Павел-  
нинг учта йигитини асирга олди. Қолганлари эса  
қонига беланди. Асирларни йигитларининг ихтиё-  
рига бергач, Вадимга қўнғироқ қилиб раҳмат ай-  
тишни унутмаган Семён хурсанд бўлиб Рустамни  
машинага миндирганча уйига олиб кетди.

Ҳовлига кириб келган “Мерседес”дан Рустамнинг  
тушаётганини кўрган Анжела югуриб келиб унинг  
бўйнига осилди.

— Хайрият, — деди у пичирлаб, — тирик экан-  
сан!

— Рустамнинг озод бўлиши биз учун байрам! —  
дея хитоб қилди хотини уялмасдан Рустамнинг ла-  
бига лаб босганлигини кўрган Семён: “Исталган эр-  
какни ром қилиб олишингни билмаган эканман”,  
дея хаёлидан ўтказиб. — Тезда дастурхон тузалсин,  
базм уюштирамиз.

Рустам жувоннинг қилигидан ноқулай аҳволга туш-  
ди. Қизарди. Ва Анжелани мулойимлик билан ўзи-

дан итарди. Аёл буни сизди ва Рустамга нозли норози қараш қилиб:

— Қаёққа борсанг ҳам сени топиб оламан, — деди паст овозда.

Дарров дастурхон турли ноз-неъматлару егулик-ичкиликлар билан тўлди. Дастурхон атрофига Маргарита ҳам ўтирди.

— Бу хоним, — дея гап бошлади Анжела дугонаси уни бир туртиб қўйгач, — менинг ёшликдан бирга ўсган якка-ю ягона дугонам бўлади.

— Наҳотки, — деди Семён кўзи чақнаб, — мен сенинг эринг бўла туриб яқин дугонанг ким эканлигини билмасам. Рухсат этинг, хоним.

Маргарита Семёнга юзини тутиш билан бирга ўзи ҳам уни ўпиб олди. Ўпиш маҳали эҳтиросли қилиб “Имм!” дейишни ҳам унутмади. Бу сас Семённинг қулоғини қитиқлаб ўтди.

Базм ниҳоятда қизиқ борар, Рустамдан бошқа ҳамма кайфни тароқ қилишда ўзаро мусобақа ўйнашаётгандай ароқ қадаҳларга қуйилган заҳоти бир кўтаришда ичиб юборар эди.

Семённинг буйруғига биноан мусиқа қўйилди. Базм давомида ўзига ноз-ишва қилиб турган Маргаритани Семён рақсга таклиф қилди. Таклифни жон-жон деб қабул қилган Маргарита Семённи бўйнидан қучоқлар экан, дугонасига:

— Эрингни чарчатиб қўйсам хафа бўлмассан! — деди илжайиб.

Бу гапдан кейин бирдан кулги кўтарилди. Ҳатто дастурхон атрофида қўл қовуштириб хизматга тайёр бўлиб турган тансоқчилар ҳам илжайишди. Фақат Рустам соф рус тилида айтилган гапга тушунмаганлиги боис ҳаммага бир-бир қараб қўйиш билан чекланди. Гарчи кайфи тароқ эса-да, Анжела ўзи ёқтириб қолган одамга нисбатан диққатини бир дақиқа бўлсин сусайтирмаганли. Шу боисдан Рустамнинг ҳайрон бўлганлигини дарров илғаб, дугонасининг га-



пини таржима қилиб берди. Шундан кейин Рустамнинг ҳам лабида табассум учқунлари пайдо бўлди.

— Мени рақсга таклиф қилмайсанми? — дея сўради Анжела Рустамнинг чиройи очилганини кўргач.

— Бажонидил, — деди Рустам ва ўрнидан турди.

Анжела дугонасидан ўтказиб Рустамни қучди. Унинг лаби эркакнинг томоғида ўрмалар, бундан Рустам баттар хижолатга тушар эди.

Гарчи яхшигина кайф бўлиб қолган эса-да, хотинининг қилаётган ишлари Семённинг назаридан четда қолмасди. У азбаройи тансоқчилар олдида ноқулай аҳволда қолмаслик учун, мусиқани тўхтатишларини буюриб, ҳаммадан қадаҳ кўтаришларини сўради. Сўнг тансоқчилар ташқарида қолишиб, икки жуфтлик уйга кирди. Энди у ерда ҳеч кимдан тортинмасдан базмни давом этказиш мумкин эди. Шундоғам бўлди...

Семён хотинига парво ҳам қилмасдан Маргаритани ётоғига олиб кириб кетди.

— Сизлар ҳақиқатан ҳам бутунлай ажрашмоқчимисизлар? — деди Семённинг орқасидан қараб қолган Рустам.

— Бунга ўзинг ҳам гувоҳ бўлиб турибсан. Энди ишончинг комил бўлгандир. У билан менинг ишим йўқ. У ҳам менга парво қилмайди, — деди Анжела Рустамдан бўса олиш учун унинг бўйнига осиларкан.

— Мен ўзимни ноқулай ҳис қилаяпман, — деди Рустам Анжеланинг лабларидан лабини базўр айириб. — Мен туфайли ораларинг бузилиб кетаётганга ўхшайди, назаримда.

— Ҳечам унақа деб ўйлама, мен сенга айтгандимку, сен келмасингдан бурун муносабатларимиз совуқлашиб кетганди, сенинг келишинг менинг кўнглимдаги муҳаббат оловининг қайта аланга олишига хизмат қилди, холос. Мен ҳозир туну кун сен тўғрингда ўйлаяпман, — деди Анжела Рустамнинг елкасига бошини қўйиб.

Рустам бошини орқага ташлаб кўзини юмди. Икки савдогарнинг гапларини эслади ва энтикиб кетиб ўрнидан турди.

— Нима гап? — деди эркакнинг бунақа ҳаракатини кўрган Анжела.

— Анжела, сен ниҳоятда мафтункор аёлсан, лекин менинг ҳозир муҳаббат ҳақида ўйлашга вақтим йўқ. Қутқариб қолгани учун Семёндан миннатдорман. Мени қўлга олишганларида пул ҳақида мутлақо ўйлаганим йўқ. Юртимга боролмасликдан, ота-онамни кўролмаслигимдан кўпроқ кўрққан эдим, — деди Рустам бошини кўтариб Анжелага қараркан.

Анжела қадаҳига ароқ тўлатиб бир кўтаришда ичиб юборди-да:

— Ёлгон, — деди чуқур нафас олиб.

— Нима ёлгон? — деди Рустам ҳайрон бўлиб.

— Ўша сенга юртдошмиз деб айтган одамлар сенга ёлгон гапирган. Улар сенга ҳеч қанақанги қариндош эмас.

Анжелага термилиб қолган Рустамнинг кўзидан ёш чиқиб кетаёзди. “Наҳотки ёлгон гапиришган бўлса, қаерга келиб қолдим, ҳар қадамда алдов, фирибгарлик! Булар мендан нима кутишяпти ўзи? Кимга ишонай, кимдан ёрдам сўрай? Йўқ, бўлиши мумкин эмас, ахир ўша йигитларнинг гаплари менга таниш-ку. Мен қанча давлатларни кезиб, ўзимга бунчалик таниш бўлган сўзлашувни учратмаган эдим. Қариндош бўлмаслиги мумкин. Лекин менинг ўша юрт вакили эканлигимга гумоним йўқ... Балки бу кўзларини сузиб турган аёл ҳам ўзининг манфаатини ўйлаб менга шундай деяётгандир?” — дея ўйлади у.

— Ишонмаяпсанми? — деди Анжела ўрнидан туришга ҳаракат қилиб. — Юр, кўрсатаман ўша болаларни.

Анжела билан Рустамга тансоқчилардан бири ҳамроҳлик қилаётганди, аёл уни жеркиб берди.

— Йўқол! Сенга пишириб қўйгани йўқ!

Ертўлага тушганларидан кейин Рустам ҳайратдан

қотиб қолди. Айни чоғда Фозил билан Очил ҳам хайратларини яширолмасди. Улар Рустамни айни шу ерда учратамиз, деб мутлақо ўйлашмаган эди.

— Қани, йигитлар, — деди Анжела кўзи юмилиб кетгудек бўлиб, — Рустамчикка бояги гапларни айтиб беринглар-чи.

Йигитларнинг иккаласи ҳам шолғомдайин қизариб кетишди. Уларнинг бошлари бараварига эгилди, тиллари калимага келмай қолди.

— Мени алдагандиларингми? — дея сўради Анжела.

— Йўқ, — деди Очил бошини қимирлатиб, — Рустамнинг миллатдошимиз эканлиги балки ростдир, бунга бир нарса деёлмаймиз, лекин Фозил билмай «Қариндошиман», деб қўйибди. Кайф устида.

Анжела дарров Очилнинг гапларини Рустамга таржима қилиб берди.

— У қариндошман деб айтганида, ҳали ичмаган эди, — деди Рустам, — маст бўлганида ишонмасдим.

Анжеланинг оғзидан Рустамнинг гапларини эшитган Очил баттар мулзам бўлди.

— Шу ёғигаям раҳмат, йигитлар. Мен сизларга қариндош бўлмаган тақдиримда ҳам сизлардан хафа эмасман. Ҳар тугул ватанимни топдим-ку, — дея Рустам ортига бурилди-да, зиналардан тез тепага кўтарилиб кетди.

Анжела билан миллиардер ташқарида талай муддат айланиб юришди.

Анжела Рустамни қўлтиқлаб олган, бир-бир қадам босганча хаёлга чўмиб борарди. Унинг назарида, ҳамма нарса яқун топгандай ва айни пайтда ҳаёти энди бошланаётгандек эди. Семённинг бошлаган ишидан кўнгли хира тортган бўлса, Рустамни учратганидан боши осмонда.

— Нега анави йигитларни бу ерга қамаб қўйибсизлар? — дея сўраб қолди бир маҳал Рустам.

— Уларми? — дея Анжела бироз ўйланиб қолди.

— Сени ўғирлаб кетишганларидан кейин биз кимлар билан гаплашганлигингни аниқлаштирдик. Гаплашганларинг орасида шу икки йигит ҳам бор эди, бу ҳақда сен менга айтгандинг. Ҳар эҳтимолга қарши олиб келдик.

— Уларга зуғум қилдингларми? — дея сўради Рустам тўхтаб, Анжелага қараркан.

— Йўқ, — деди жувон кўзини олиб қочиб.

— Сен мени яхши кўриб қолганингни айтгандинг. Одатда, яхши кўрган одамига ҳечам ёлғон гапирилмайди, ўйлайманки, менга айтаётган гапларингнинг ҳаммаси рост.

Рустам айна мўлжалга урганди. Анжела бу гапдан кейин бутунлай довираб қолди. Ҳаяжонланганидан ҳатто вужудига энгил титроқ кирди. “Алдадим, гапларимга ишонма, икки ўзбек йигити итдай қилиб калтакланди”, деб айтишга оғиз ҳам жуфтлади. Бироқ бундай қилса, бутун режалари чиппакка чиқшини ўйлаб, тилини тишлади. Сўнг бошини қимирлатиб:

— Ишонишинг керак, — деди.

— Яхши, — деди Рустам қиёфаси янаям жиддийлашиб, — ўзи нималар содир бўлаяпти? Мендан нима истайсизлар?

— Бошқалар нима ишашини билмайман-у, лекин менга фақат сенинг муҳаббатинг керак. Сенинг севгингни уйғотолсам бўлди, бор-йўғи шу керак менга, — деди Анжела энди Рустамнинг кўзига тик қараб.

Рустам ўзига керакли бўлган жавобни ололмагач, майса устига чордона қуриб ўтириб олди. Унинг кайфияти бутунлай тушиб кетган, ҳамма нарсадан совиб улгурганди. Ҳеч кимга ишонмасди. Ҳатто манави ўзини Рустам учун исталган нарсага тайёр кўрса-таётган жувонгаям. Бу ерда юришига биттагина сабаб бор эди. У ҳам бўлса, юртига бориш. Тупроғини кўриш. Иложини қилиб, яқин қариндошларини топиш.

— Қачон қўйиб юборасизлар анави йигитларни?  
— дея сўради Рустам бошини қўйи эгганча.

— Билмадим, — деди Анжела, — менга боғлиқ эмас. Буларнинг ҳаммасини Семён ҳал қилади.

Рустам жувоннинг гапидан кейин бирдан ўрнидан туриб кетди ва тез-тез қадам ташлаб уйга кета бошлади. Унинг мақсадини тахминан билган Анжела орқасидан қараб қолиш билан чекланди. Ҳозир у уйга киролмасди. Чунки эрининг дугонасининг кучогидан чиқиб келишини кўришни истамас эди.

Уйга кирган Рустам хизматкорлардан Семённи чақириб беришларини сўради. Аммо улар бу илтимосни бажаролмасликларини айтишди. Шундан кейин у бутунлай асабийлашиб кетди ва ўзи Семён ётган хонага кўтарилла бошлади. Бироқ зинадан икки поғона ҳам кўтарилмасдан тансоқчилардан бири унинг қўлидан ушлаб қолди.

— Ҳозир шефни безовта қилиш мумкинмас, — деди у имкон қадар юмшоқ гапиришга уриниб.

— Менинг эса ҳаққим бор уни безовта қилишга, — деди Рустам қўлини тортиб олиб, — менга қилган одобсизлигинг учун эса жазоланасан.

Тансоқчи Рустамга қараб турди-да:

— Нима бўлгандаям мен буйруқдан четга чиқолмайман, — деди жилмайиб.

— Шунақами? — деб Рустам ҳафсаласи пир бўлганча ортига қайтди. У ҳеч қачон, ҳатто ёшлигида ёлғиз қолиб кетганда ҳам бунчалик ночор аҳволга тушмаганди. Боши ғовлаб кетган, биронта режани тузук-қуруқ охиригача етказолмасди.

Рустамнинг ортига қайтиб кетаётганлигини кўрган тансоқчи ҳам жойига кета бошлади. Худди ўша пайт Рустам орқасига қаради ва тансоқчи зинани бўша-тиб қўйганлигини кўрди-ю, ўгирилиб икки зинани битта қилганча тепага югурди. Тансоқчи унинг ортидан отилди-ю, аммо етиб ололмади.

Фарқ терга ботиб шифтга қараб ётган Семён эшик-

нинг туйқусдан очилишидан чўчиб тушди-да, бирдан ўрнидан туриб чойшаб билан белини ёпди.

— Тинчликми? — деди Рустамнинг авзойи бузуқлигини кўриб.

— Сенда гапим бор, тез пастга туш, — деб Рустам ортига бурилди.

Ороми бузилганидан қаттиқ ранжиган Семён битта-битта қадам ташлаб пастга тушиб келди.

— Семён, — деди диванда ўтирган Рустам уни кўриши билан ўрнидан туриб, — сенинг ёрдамнинг сув билан ҳаводек зарур менга.

— Биласан-ку, сен учун ҳамма нарсага тайёрман. Ҳозир дамнингни олиб, эрталаб айтганингда ҳам тезда бажариб ташлаган бўлардим. Ёки шунчалик зарурми? — деди ялтироқ халати чўнтагидан сигарета олиб лабига қистирган Семён.

— Анави икки ўзбек йигитини қўйиб юборсанг. Кейин менга Ўзбекистонга учишим учун самолётга чипта керак, — деди Рустам шошиб.

— Бор-йўғи шуми? — деди Семён ва Рустамнинг ёнига келиб диванга ўтирди ҳамда мароқ билан сигарета тутунини ичига ютди. — Йигитларнинг энди менга умуман кераги йўқ, ҳозироқ уларни қўйиб юбораман. Лекин сенинг масалангда озгина муаммо бор.

— Қанақа муаммо? — деди Рустам ҳайрон бўлиб.

Семён унинг гапига бирданига жавоб бермай, аввал хизматкорларига пиво олиб келишларини буюрди.

— Муаммо шуки, — деди келтирилган пиводан озгина ичган Семён, — сен билан Анжеланинг орасида қандайдир иттифоқ пайдо бўлибди. Мен, очиги, бундай бўлишини кутмаган эдим. Тўғри, сенга ҳамма дардимни айтгандим. Анжела билан ҳақиқатан ҳам ажрашмоқчиман. Ажрашишимга сенинг алоқанг йўқ. Лекин ҳали ҳамма ишни битирмасимдан бурун у билан дон олишганинг мени жудаям ёмон аҳволга солиб қўйди.

Рустам бу гапни эшитиб нима деярини билмай қолди. Юзи қизариб, оловдек ёна бошлади.

— Мен айбдормасман, — деди ўзини оқламоқчи бўлиб.

— Биламан, унинг ўзи сени ҳоли-жонингга қўйман. Лекин нима бўлган тақдирдаям сен эркак кишисан. Истамасанг, ҳеч нарса рўй бермаган бўларди, — деб Семён пиводан яна бир марта ҳўплади.

— Хўп, — деди бошига оғриқ кирган Рустам, — мен айбдор эканман, бу ёғи нима бўлади энди?

— Дўстга хиёнат, билмадим, бунинг учун нима қилиш керак? Кел, яхшиси, шу ҳақда эртага гаплашайлик. Унгача мен ўйлаб кўраман, — дея Семён ўрнидан туриб яна ётоғига қараб кетди.

Рустам бутунлай боши берк кўчага кириб қолган эди. У ўзини Семённинг ёнида айбдордек ҳис қилар, ўзидан-ўзи хафа бўларди. Бир маҳал унинг елкасига нозиккина қўл тегди. Рустам қарамасдан ҳам билди унинг кимлигини.

— Нега бунчалик хомушсан? — деди Анжела унинг орқа томонидан қучоқлаб. Рустамнинг гаши келди. Уни силтаб ташламоқчи бўлди. Лекин бу ўринсиз эканлигини сезиб, индамай тураверди.

— Мен сени шунчалик хафа қилиб қўяман, деб ўйламагандим.

— Сендан хафа эмасман, ҳаммасига ўзим айбдорман, — деб Рустам ўрнидан турди. Ва хизматкордан ўзи қаерда ётишини аниқлаб олгач, биринчи қаватдаги энг чекка хонага кетди.

Бир соатлар чамаси уйқуси келмай шифтга қараб ётди. Тушиб қолган оғир вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини қидирди. У шунчалик ўйга берилиб кетган эдики, хонага Анжела кириб келганини ҳам сезмай қолди. Фақат чироқ ўчгандан кейингина у бошини кўтариб эшик томонга қаради.

— Сен бошқа хонада ухлашинг керак шекилли, — деди Рустам тунги қўйлагини ечаётган Анжеллага.

— Сен билан бирга бўлишимни истамайсанми? — деди Анжела қошларини чимириб.

— Ёлғиз қолмоқчиман.

— Мен эса сени ҳечам ёлғизлатиб қўймайман, — деб Анжела Рустам ётган каравот ёнига келди-да, бармоқларининг учи билан эркакнинг кўкрагини сийпалай бошлади. Бундан Рустамнинг гаши келди. Жувоннинг кўлини силтаб ташлади. Ҳар қандай вазиятда ҳам Рустамдан бундай кўполликни кутмаган Анжела аввал ҳайратланди. Сўнг Семён иккисининг ўртасида жиддий гап ўтганлигини тусмол қилиб, эркакнинг кўнглини кўтариш мақсадида жилмайди. Рустам тескари ўгирилиб олгач, секин унинг ёнига чўзилди ва елкасидан ўпди.

— Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ортиқча. Яхшиси, чиқиб кет, — деди Рустам, — йўқса, шарманда бўламиз. Бир марта шармандалик бўйнимга илингани ҳам етар.

— Семён нима деди?

— У ҳаммасидан хабардор.

— Тушунарли, мен сени ёлғизлатиб қўймайман, дедимми, тамом, нима юз берган тақдирда ҳам бирга бўламиз...

...Семён ётоғига киргач, Маргарита билан ҳам иши бўлмай, шифтга қараб анча вақт ётди. “Вақт келди, энди унумли фойдаланиш керак, — дея ўйлади у, — ўзиям битта ўқ билан иккита куённи урдим. Энди Рустамга қушилиб Анжела ҳам гинг деёлмайди. Деганда-чи? Мендай одам унинг суробини тўғрилаб қўёлмайманми?”

— Жоним, — деди худди ўша пайт Маргарита унинг кўкрагини силаб, — нега бунча хомуш бўлиб қолдинг?

— Қайтанга хурсандман, — деди Семён иржайиб, — ишларим бунчалик тез битиб кетади, деб ўйламагандим.

— Қанақа ишлар?



— Бунисига сенинг ишинг бўлмасин. Бир сўрадинг, қайтиб бунақа гапни оғзингга олма.

— Менинг виждоним қийналаяпти. Анжела энг яқин дугонам...

— Нима қипти? Мен у билан орани очиқ қилганимга анча бўлди. Бундан бу ёғига ўзинг кўнглимни хушлаб юраверасан. Ундан кейин, Анжела икковимизнинг орамизда негадир ҳеч нарса ўхшамайди. Мана, масалан, сен билан ҳамма нарса бўлди-ку. Сениям кўнглинг тўлди, меникиям.

— Ёқдими? — дея сўради Маргарита.

— Бўлмасам-чи, — дея Семён унинг лабидан ўлиб кўйди. Сўнг яна шифтга қараб хаёл сурганча ётаверди. Агар Вадим кўнгироқ қилиб қолмаганида, балки, шу ҳолича ухлаб ҳам қоларди.

— Сенга зўр янгилик бор, — деди Вадим, — айтсам ишонмайсан.

— Қанақа экан ўша мен ишонмайдиган янгилик? — деди Семён кўзини уқалаб.

— Бугун тинчитилган Дима аслида ҳеч ким эмас экан. Буни мен йигитларинг олиб келиб берган учта асирдан билиб олдим. Асли уларни Павел деган одам бошқараркан. Уни Швейцарияда қандайдир ҳомийси кўллаб тураркан. Хуллас, ўша Павел “мижоз”ингни тинчитган. Биласанми, қандай қилиб? Рустаминг билан бирга Америкадан келган тансоқчилардан бири илгаридан Павел билан алоқа боғлаб келган. У Америкадан кўзга кўринган бойваччаларни Москвага олиб келиб Павелнинг ихтиёрига топширади. У ёғи эса маълум, — деди Вадим.

— Шунақа дегин, — деди Семён ҳайрати ошиб, — ярим йил аввал бир америкалик бизнесмен бу ёққа келиб, кейин изсиз йўқолганди. Буларнинг ҳаммаси шу маразнинг иши экан-да. Унинг “ини” қаерда экан?

— Ҳеч ким билмайди. Кўлга тушганлар унинг номини эшитишган-у, аммо ўзини кўришмаган. Ҳамма ишни у Диманинг кўли билан қилган.

— Эсиз, — деди Семён сочини қўли билан тараб,  
— бекор уни тинчитган эканман-да.

— Ҳа, менам шундан афсусдаман. Лекин қаерда бўлмасин, мен уни топаман.

— Топсанг, сендан илтимос, менга хабар бер. Бир гаплашиб кўрай-чи, қанақа экан ўша кўринмас одам?  
— деди Семён.

Шундан кейин Вадим хайрлашиб гўшакни қўйди.

— Уфф... — деганча Семён ўрнидан турди ва шкаф-нинг ёнига борди-да, бироз ўйланиб қолгач, бир шиша пиво олиб оғзини очди-ю, худди чўлу биёбонда қолиб кетган одамдай ютоқиб-ютоқиб ичди. Ва Маргаритага қаради. Вадим билан гаплашаётганида унинг борлиги эсидан чиққанди. Шунча гапларни Маргаританинг билиши эса мумкинмас эди. Шу боис у жувонга қараб турган пайтининг ўзидаёқ унинг тақдири қандай яқун топишини белгилаб қўйди.

Семён каравотга ўтиргач, Рустам билан Анжеланинг ишини ортиқча чўзгиси келмади. Шу боис, халатини елкасига ташлаб хонадан чиқди ва тансоқчидан Анжелани сўради.

— У Рустамнинг ёнига кетди, — деди тансоқчи кўзини ерга тикиб.

— Зўр бўпти-ю, — деди бирдан тиржайган Семён, — сен йигитлардан бири билан анави икки ўзбек болани шаҳарнинг ташқарисига олиб бор-да, тинчи-тиб кел. Айтиб қўяйин, аввалги сафаргидек ўлиги тапқарида қолиб кетмасин. Кўмиб ташланглар, — дея буйруқ берди у.

Кейин ўзи ташқарига чиқди-да, ҳовлида стол устига нарда қўйганча ўйнаб ўтирган иккита “одам”ини чақирди. Улар югурганча етиб келишгач:

— Видеокамера олиб келинглар, — деди Семён...

...Анжела Рустамни ўзига қаратолмаганидан, унинг сочини силаш билангина кифояланиб қолган эди. Рустам эса гоҳ-гоҳида чуқур нафас олиб қўяр, энди

бу ёғи қайси томонга қараб кетишини билолмай ҳалак эди.

Чироқ бирдан ёнганидан иккиси ҳам сапчиб ўринларидан туришди.

— Ўҳ-ҳў, — деди Семён қўлларини бир-бирига ишқалаб, — жа, вақтида келибмиз-ку, а? Қани, ўрниларингдан бир туринглар-чи, яхшилаб кинога олиб кўяйлик.

— Нима қилиқ бу, Семён?! — деди Анжела йиғламоқдан бери бўлиб.

— Эротик фильм ишляпмиз. Бош қахрамонлар бор. Вазият ниҳоятда романтик. Шундай имкониятни қўлдан бой бериб бўларканми? Қани, устинглардаги ёпинчиқни бир олиб ташланглар-чи, — деб Семён Анжела бўйнигача ёпиниб турган кўрпани тортиб олди. Жувон қип-яланғоч бўлса-да, Рустамнинг калта иштони бор эди. Буни куриб Семён афтини бужмайтирди.

— Оббо, — деди у иккала қўлини ҳам юқорига кўтариб, — бунақаси қизиқ бўлмайди. Рустам, ўзинг онадан туғилгандай бўласанми ёки ёрдамлашиб юборишсинми?

— Эсингни йиғ, шунча устимдан кулганинг етар. Кимга кераги бор бунақа майнавозчиликларнинг?

— Менга, қадрли дўстим, менга! Мен кино ишлаб бизнес қиламан, газетага иккалангнинг ҳам расмларингни чиқариб, “Америкалик миллиардер Россияда” деб сарлавҳа кўяман! Зўр-а!.. Нима, сен мени аҳмоқ, осонгина оғзидаги ошини олдириб кўяди, деганмидинг? Чучварани хом санабсан! Мен бунақанги хиёнатни кечирадиганлар хилидан эмасман, уқдингми?! — деб бақирди Семён. — Қани, ечин!

Анжела йиғлаб юбориб, юзини кафти билан бекитди.

— Семён, керакмас, илтимос! — деди у йиғлаб.

— Энди тушундим, — деди Рустам Семённинг ўқрайган кўзига тикилиб, — сен буларнинг барини уюштиргансан. Ҳатто мени олиб қочишлариниям

ўзинг ташкил қилгансан. Ҳаммасини очиқ-ойдин айтсанг бўларди-ку! Шартмиди шунча одамнинг қонини тукиб!

— Мен ҳеч нима ташкил қилганим йўқ! Мен сен аблаҳни бир ўлимдан сақлаб қолдим. Эвазига эса, мана менга совга! — дея Семён Анжелани кўрсатди.  
— Энди менинг айтганимни бажар!

\* \* \*

— Чиқинглар бу ёққа! — деб тансоқчи бақирганидан кейин Фозил билан Очил ўринларидан сакраб туришди.

— Ҳали тонг отмади, шекилли, — деди Фозил Очилга қараб, — шу пайтдан нега уйғотишди?

— Яна сўроққа бўлса керак, — деди Очил ўзича тусмол қилиб.

Сўнг иккаласи ҳам олдинма-кейин зина томонга юра бошлашди.

Ташқарига чиқишганларидан кейин уларни машинага ўтиришга буюрди иккала шерикни уйқусидан уйғотган тансоқчи.

— Қаерга борамиз? — дея сўради ундан Очил.

— Онангникага, — деди тансоқчи ва ўзининг шеригига қараб кулиб қўйди. — Сизларни қўйиб юборамиз, энди керакларинг йўқ.

— Хайрият-э! — деди чуқур нафас олган Фозил ва энди яшаш манзилени айтмоқчи бўлганида, Очил енгидан тортиб қўйди. Шу билан унинг гапи бўғзилда қолиб кетди.

Машина чароғон кўчалардан елдек кетиб борар экан, Очил ўзларини қўйиб юборишларига ишонмай қолди. “Қўйиб юборишса, уйдан чиқариб орқамизга бир-бир тепарди, жа бўлмаса, бир-икки кўча берироққа олиб келиб ташларди. Лекин бунчалик узоққа оборишмасди. Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Агар иложини топиб қуён бўлиб қолмасак, ким билади, бизларни нима кутиб турибди”, — дея ўйлади у. Ва секин Фозилни тўртди.

— Нима дейсан? — деди Фозил ўзбекчалаб.

— Бизларни қўйиб юбораётганга ўхшамайди булар, — деди Очил пичирлаб.

— Менам шундай деб ўйляяпман.

— Нима қиламиз?

— Битта учириб олайлик, деб сўраб, кейин жуфтакни ростлаб қоламизми? — деди Фозил.

— Булар бизнинг айтганимизни барибир қилишмайди, яхшиси, сакраб тушиб қоламиз-да, кейин қочамиз, — деди Очил овозига ваҳимали тус бериб.

— Шундай тезликда сакрасанг, ўлиб кетишинг аниқ. Ундан кўра, мен ҳайдаб кетаётганининг қўлини буриб юбораман. Бирон нимага урилади, кейин қочамиз. — деди Фозил.

— Нима деб валдираяпсанлар?! — деди ҳайдовчининг ёнида ўтирган барзанги орқасига бир қараб олиб. — Биз тушунмайдиган тилда гаплашмаларинг.

— Хўп, — деди Очил ва Фозилни бир туртиб қўйди. Бу “бошла”, деган ишора эди.

Шу ондаёқ Фозил ҳайдовчига ташланди ва унинг бўйнидан бўғди. Очил эса унинг шеригига ҳужум қилди. Бирпасда машина йўлдан чиқиб кетиб, кутилганидек, йўл ёқасидаги баҳайбат дарахтга урилди. Машина ичидагилар силтаниб, олд ўриндикдаги икки барзанги бараварига пешонаси билан олдинги ойнага урилди. Ва ҳушидан кетди. Очил ҳам озроқ муддат нима бўлаётганини англолмай қолди. Фозилни эса жин ҳам урмаган эди. У пачоғи чиққан машинадан бир амаллаб тушиб олди-да, Очилнинг ҳам чиқишига ёрдам берди. Очил ташқарига чиқиб бироз гангиб турган палла йўл чеккасидан тош олган Фозил иккита барзангининг бошига бир мартадан уриб чиқди-да:

— Кетдик энди, — деди ва шеригининг бошидан оқаётган қонни кўриб қолди.

Улар квартирасига етиб келгунларича орадан икки соат ўтиб кетди. Юрак ҳовучлаб квартира эшигини очишди. Ҳар тугул, улар чиқиб кетишганидан кейин бу ерга ҳеч ким, ҳатто уй эгаси ҳам келмабди. Бу-

юмлар кетаётганларида қандай сочилиб қолган бўлса, худди шу аҳволда турарди. Очил югуриб бориб пулнинг бор-йўқлигини текширди. Бахти бор экан, қандай яширган бўлса, худди шу ҳолатда турар эди. У пулни чўнтагига солиб ортига қайтгач, Фозилга тезда бу ердан кетишларини айтди.

— Озгина дам-пам олайлик, — деди унинг гапидан норози бўлган Фозил.

— Дамни энди уйингга борганда оласан. Хотинингнинг кучоғида, — деб уни силтаб ташлади Очил.

Уларнинг нарсаларни йиғиштириб олишларига ўн дақиқадан сал ортиқроқ вақт кетди.

— Қаерга борамиз? — деди Фозил кўчага чиққанларидан кейин.

— Оляникига, — дея унга бепарво жавоб қайтарди Очил.

— Фақат ўзингникига бошлайсан-а! — деди Фозил норози бўлиб.

— Сенинг аҳмоқлигинг орқасидан ўлиб кетишимизга сал қолди... Оля сенинг анави алкашбашара Наташангга қараганда тузукроқ, унга ишонса бўлади. Ҳали у жой берадимми-йўқми, худо билали.

Фозил индамади. Олянинг уйи йиғирма чақиримлар чамаси келарди. У билан Очил гул бозорида танишганди. Оля гул олиш учун шошилиб келганди-ю, аммо қайси гулни танлолмай гаранг бўлиб қолганди. Шунда Очил ёрдам бериб юборганди: тугилган кунга бунақа гул олиб борса бўлади, тўйга бунақаси яхшироқ қабилида. Йигитнинг нозик дидли эканлигидан қиз унга табассум ҳадя этганча:

— Бир ҳафтадан кейин битта тугилган кун бор, унгаям ўзингиз гул танлаб берасиз, — деган эди.

Бир ҳафта ўтиб қиз ҳақиқатан ҳам келди. Бу сафар вақти бемалолроқ экан, шекилли, Очил билан бирга анча вақт гул танлашди. Баҳонада иккаласи танишиб ҳам олишди. Оля Очилнинг қочиримли гапларига муносиб жавоб бергач, йигит унинг уй манзилини, телефон рақамини олиб қолди.

Орадан икки кун ўтиб Очил унга кўнғироқ қилди.

— Агар гул олиб келсангиз, сизни меҳмон қилардим, — деди Оля унга кулиб жавоб берар экан.

Очил унинг айтганини қилиб борди. Қиз ёлғиз ўзи икки хонали уйда яшар экан. Ҳамма ёқ саранжом-саришталигидан Очил билдики, Оля кўча қизларидан эмас.

Улар анча вақт гаплашиб ўтиришди. Очил унинг биласи ҳақида сўради. Шунда Оля кўзига ёш олди.

— Сен (Оля уни бирдан сенлашга ўтганди) ҳеч нарсани билмаганинг учун айтаман. Лекин қайтиб бу ҳақда мендан сўрама, — деганди у, — ўзим ростовликман, бу ерга кўчиб келганимга ўн йилдан ошиб қолди. Ўшанда мен эндигина йигирмага кирган, соддагина қиз эдим. Шаҳарни яхши билмасдим. Шунга қарамасдан ишга жойлашдим. Атир-упа фирмасига. Шу ерда Паша исмли йигит билан танишиб, сўнг севишиб қолдим. Ниҳоятда покиза, ишбилармон йигит эди. У билан турмуш кўрдик. Бир куни уни ўлдириб кетишди. Нега, қайси айби учун ўлдиришди? Ҳанузгача билмайман. Шундан кейин онам менга: «Яна Ростовга қайтиб кел», деди. Лекин мен бормадим. Шу менинг қисқача тарихим.

Ўшанда Очил уни нима деб юпатишни билмай гарангсиб қолганди. Ҳар тугул қиз бир қадаҳ шампан виносидан ичди-ю, дарров ўзига келди. Кейин ўрнидан туриб шўх мусиқа кўйди, Очилни рақсга таклиф қилди. Ярим тун бўлганида эса улар битта хонада тунашди.

— Очил, — деди сумкасининг қайиши қийиб кетганидан гоҳ у кўлига, гоҳ бунисига олиб келаётган Фозил, — киритмаса қаерга борамиз?

— Наташангникига! Унинг эшиги эркак зотига ҳамиша очиқ-ку! — деди Очилнинг негадир асаби ўйнаб.

— Бўмайди, у билан уришиб қолганман. Охири марта уйига борсам, одам бор экан. Бўлмаса, олдиндан кўнғироқ қилувдим. Келавер, деганди. Шунча

овораи сарсон бўлиб борсам, эртага кел дейди, — деди Фозил тўхтаб пешонасида пайдо бўлган терни артаркан.

— Боягина фақат сеникига борарканмиз-да, дегандинг-ку, — деди Очил киноя билан.

— Айтдим-қўйдим-да... Лекин, тўғриси, шу ерда юравериш жонимга тегиб кетди. Амаллаб кетиб олсам, қайтиб қорамни кўрсатмайман.

— Яна келсанг, каллангни узиб олишади-да.

— Очил, — деди Фозил яна юришдан тўхтаб, — лўкиллаб кетаверамизми? Такси-пакси тўхтатайлик, қўлимнинг дабдаласи чиқиб кетди.

Пиёда юравериш Очилнинг ҳам жонига теккан эди. Фозилнинг оғзидан шу гап чиқиши билан йўлакчадан катта йўл томонга бурилди.

— Намунча? — деди Оля Очилни кўриб. — Вақт алламаҳалданам ўтиб кетди-ку! Пешонангни нега боғлаб олдинг? Тинчликми ўзи?

— Уйга кираверайлик, кейин гапириб бераман, — деди унга жавобан Очил.

Очилнинг бошига боғланган матони ечиб олган Олянинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди.

— Ким билан уришдинглар? — деди у хавотир аралаш.

— Кейин... кейин ҳаммасини гапириб бераман, — деди Очил, — аввал яхшилаб ювиниб олай.

— Эркакларга ҳечам тушунмайман, доим ниманидир бўлишолмай юришади, — деди Оля ва Очил билан бирга ювиниш хонасига кетди.

Уларнинг ортидан қараб турган Фозил шеригининг шундай меҳрибон жувон топиб олганига ҳаваси келди. “Падарингга лаънат, менга доим қаёқдагилар учрайди. Бу бўлса, мана шундай ёшгина, чиройлигина, яна меҳрибонгинасини топиб олади”.

Оля “ийгит”ининг чўмилишига ёрдам бериб, кейин унинг бошини бинт билан яхшилаб боғлагач, дарров дастурхон тузашга тушиб кетди. Бу пайтда



Фозилга чарчоқ ўз кучини кўрсатган, унинг кўзлари юмилиб кетаётган эди.

— Бор, — деди уни туртиб, покланиб қушдай енгил тортган Очил, — сенам чўмилиб чиқ.

Фозил ҳам тезда апил-тапил ювинди-ю, ошхонага кирди. Столнинг устида турган ҳали очилмаган ароқни кўриб кўзи қувнади. Очил билан Оля эса бири-бирига мусичалардек суйкалишиб ўтиришарди.

— Энди сизларга ҳалақит бермасдан иложим йўқ. Биринчидан, итдай очман. Иккинчидан, асабларнинг томи кетган. Озгина қизишмасам бўлмайди, — деди у.

— Сизнинг чиқишингизни интизорлик билан кутаётгандик, — деди Оля бироз жилмайиб, — ўртоғингиз нима бўлганини ҳечам айтмаяпти.

“Сенга нима? — дея хаёлидан ўтказди Фозил, — беш-бегона одам бўлса. Эртага кетади. Қоласан яна битта ўзинг. Худди эрингдай меҳрибонлик қиласан”.

— Бунга балоям ургани йўқ. Довдирлигидан йиқилиб тушди, — деди Фозил жилмайиб.

— Айнан пешонаси билан-а? — деди киноя билан Оля.

— Индамасанг, бу кўзи биланам йиқиловлади, — деди гапни ҳазилга бурган Фозил.

— Ана, кўрдингми? — деди Очил Оляга. — Шунақанги қадрдон дўстим борки, душман бунинг олдида ип эшолмайди.

Бу гапдан кейин улар енгил кулиб олишди.

Ароқ зумда тамом бўлди. Оля яна битта олиб келиб стол устига қўйди-да:

— Шуни ичасизлар, бўлди. Мендан бошқа сўрамайсизлар, — деди.

— Меҳмонлигимизнинг қадри шунчаликми? — деди унга Очил.

— Маст бўлиб қолишларингни истамайман, — деб Оля гапни қисқа қилди.

Улар деярли тонг отгунча ўтиришди. Ниҳоят иккала йигитнинг ҳам кўзи уйқуга кетиб қолавергач,

Фозилга қаерда ётишини кўрсатган Оля Очилнинг қўлидан етаклаб ўзининг хонасига олиб кириб кетди.

\* \* \*

— Нималар деяпсан, Семён? Мақсадингни очиқ айт! — деди Рустам асабийлашиб.

— Мен сенга нима дедим? Ечин дедимми?! — деди Семён ўзининг машҳур ўқрайиши билан.

— Ҳеч қачон мени бунга кўндирилмайсан. Мен ўзимни шарманда қиладиган одамлар тоифасидан эмасман!

— Шунақами ҳали, қани бошланглар, — дея Семён йигитларига буйруқ берди.

— Фақат менинг ўлимимдан кейин мақсадингга етасан, аблаҳ! — деди Рустам титраб.

— Бас қил! — дея бақириб юборди Анжела.

Тўртга йигит аста-секин Рустамга яқинлаша бошлашди. Уларнинг башаралари бир-бириникидан хунуклашган, ҳаммаси иржайишарди. Анжела шу ҳолида бирдан Рустамни тўсди. Йигитлар шу заҳоти жойларида тўхташди. Зотан, яланғоч аёлнинг ёнига боришга журъатлари етмай қолганди уларнинг. Вазият анча қалтис эди.

Бу томошани кўрган Семён бирдан хохолаб кулиб юборди.

— Нақадар драматик ҳолат! Агар менга биров бу ҳақда гапириб берганида ишонмаган бўлардим. Миллиарднерни қип-яланғоч аёл ҳимоя қилди. Кино, тайёр кино бу. Қўлимдан режиссёрлик иши келишини билмаган эканман. Нимага қараб турибсанлар?! — дея бақирди Семён бирдан юзи тундлашиб.

Йигитлар энди аста-секин эмас, балки шиддат ила аёл ва эркакнинг устига ўзларини отишмоқчи бўлишганида:

— Тўхта! — дея ўқирди Семён. — Етади, энди йўқол ҳамманг бу ердан!

Ҳанг-манг бўлиб қолган тансоқчилар бирин-ке-

тин чиқиб кетишди. Видеокамера кўтарган йигит ҳам уларнинг орқасидан хонани тарк этди.

— Ҳазиллашдим, — деди бирдан мулойимлашган Семён, — шунчаки қалтис ҳазил қилгим келди.

Бу гапдан кейин Анжела каравот устига ўтириб қолди-да, ўкириб йиғлашга тушди. Рустам эса асабийлашган кўйи кийимларини кия бошлади. Уларнинг ҳолатини кўрган Семён туюқиб кетди.

— Ҳазиллашдим дедим-ку сенларга, нега тушунмайсанлар?! Одам бўлиб мениям ҳазиллашишим мумкин эмасми?!

— Шунақа ҳазил қиласанми?! — деди унга ўқрайиб қараган Рустам.

— Ҳа, энди ҳазил ҳам ҳар хил бўлади-да: бири унақа — бири бунақа. Шунга ота гўри қозихонами? Ундан кўра, юринглар, менинг оригинал ҳазилимни ювамиз.

— Менимча, анча кеч бўлиб қолди, — дея эътироз билдирди ҳамон ўзига келолмаган Рустам.

— Унда ҳамма уйқуга! — дея хитоб қилган Семён ортига бурилиб хонадан чиқди.

Елкасига халатини илиб олган Анжеланиннинг ўрнига келиб унинг юзидан ўпиб қўймоқчи бўлганида, эркак бирдан ўзини тортди. Аёл бошини эгиб, хонани тарк этишга мажбур бўлди. Уни уй айвонида сигарета тутатганча Семён кутиб турар эди. Анжела аччиқ қилиб, у билан гаплашмасдан ўтиб кетмоқчи бўлганида, Семён кўлидан ушлаб қолди.

— Шарманда қилиб қўйиб, яна нима демоқчисан? — деди қовогини солиб Анжела.

— Нимаси шармандалик экан? — деди иржайганча Семён.

— Анави югурдакларингнинг олдида сариқ чақалик ҳам обрўйим қолмади-ку.

— Эй-й, шуларам одамми? Керак бўлса, ҳозир оёғингни ялашади. Шуни истайсанми?

— Керакмас.

— Бўпти, буларни қўйиб турайлик. Ишлар қалай кетаяпти?

— Устимдан кулаяпсанми? — деди унга ўқрайиб қараган Анжела. — Ҳаммаёқ расво бўлди-ку. Бунга ким сабабчи эканлигини ўзинг жуда яхши биласан.

— Бўлди, дедим-ку! — дея бақририб юборди Семён. — Бу масалага бошқа қайтмаймиз.

— Менга бақирма, мен ҳамма айтганларингни ба-  
жардим. Мендан тагин нима истайсан ўзи?

— Хўш, яна бошидан бошлаймизми?

— Рустамга имконият бериш керак. Яъни, Ўзбе-  
кистонга бориб келсин. Барибир у ердан ҳеч кими-  
ни тополмайди. Орадан қанча йиллар ўтиб кетган,  
— деди Анжела ўйланган киши бўлиб.

Шу пайт Семённинг қўл телефони жиринглаб қол-  
ди. У норози бўлиб телефонида ёзилган бегона ра-  
қамларга қаради. “Ким бўлди экан?” — дея хаёли-  
дан ўтказиб, истар-истамас телефон тугмасини бос-  
ди-да, қулоғига тутиб:

— Алло, — деди.

— Шаҳар ДАН бошқармасидан қўнғироқ қилаяп-  
миз. Сизга тегишли бўлган машина аварияга учра-  
ган. Икки киши ўлган, — деди бегона овоз эгаси.

— Ким экан ўлганлар? Сиз менинг телефон рақа-  
мимни қаердан олдингиз? — деди ҳайрати ошган  
Семён.

— Ўлганларнинг ён дафтарчасида сизнинг теле-  
фон рақамингиз ёзилган экан. Сизни яхши билгани-  
миз учун қўнғироқ қилдик.

— Авария қаерда бўлган? — дея сўради Семён  
диққати ошиб.

— Петроград шоссесида, — аниқлик киритди те-  
лефон қилган одам.

Семён ҳайрон бўлиб қараб турган Анжелага ҳеч  
қандай изоҳ бермасдан, икки йигитини олиб, шо-  
шилинич йўлга тушди.

Воқеа содир бўлган жойга боргачгина, икки ўлган  
йигит ҳам ўзига тегишли эканлигини кўрди.

— Бошқа ҳеч ким йўқмикин? — дея сўради ДАН ходимларининг биридан.

— Ҳеч ким, — дея жавоб қилди у.

Қаёқдаги овсар йигитларнинг бунақа иш қилиб кетганига Семённинг ишонгиси келмасди. “Бу ерда бир гап бўлганга ўхшайди. Уларнинг осонгина қулдан чиқиб кетиши мумкин эмас, кимдир ёрдам берган. Лекин ким? Жонимга тегиб кетди. Ҳар хил қаланги-қасангиларнинг оёғим тагидан чиқавериши. Ҳаммасини қираман. Биттаям қолдирмайман”, — дея хаёлидан ўтказиб, машинага минди у ва йигитларига икки савдогарни топишни буюрди.

Ҳаддан зиёд чарчаган Семён уйига келди-ю, тўшакка ўзини ташлаб, қотиб ухлаб қолди. Тушга яқин уйғонганида эса, уни бир дунё муаммолар кутиб турар эди.

Савдогар йигитлар ҳеч қаердан топилмаган. Анжела билан Рустам Ўзбекистонга учиб кетишган. Семён бу хабарларни эшитиб, бошини чангаллаб қолди.

\* \* \*

Семён уйдан чиқиб кетгач, Анжела яна Рустамнинг ёнига кирди.

Эндигина кўзи уйқуга кетган Рустам ёнига жувоннинг қайтиб келганидан тутоқиб кетди.

— Тинчлик борми-йўқми? — деди у ўрнидан туриб ўтираркан.

— Бу сафар сени кўп безовта қилмайман. Олдинга кирмасам бўлмасди, тўғриси. Эртага эрталаб сен билан Ўзбекистонга учиб кетамиз. Ҳозиргина Семённинг яна битта муаммоси чиқиб қолди. У шу масала бўйича кетди. Энди қачон келишини худо биледи. Ҳозир ҳеч кимга кетаётганимизни айтмаймиз. Аэропортда танишим бор. Боришимиз билан чипта тўғрилаб беради. Илтимос, ўжарлик қилма, — деди шоша-пиша Анжела.

Рустам бироз ўйланиб, жувоннинг гапида жон борлигига амин бўлгач, рози бўлди.

Улар чиқиб кетаётганида Семённинг келганига эндигина икки соат бўлганди. Анжела билан Рустамнинг кетишига югурдаклар монелик қилишолмади. Айни пайтда бу ҳақда Семёнга хабар беришнинг ҳам иложи йўқ эди. Чунки, агар уйи ёниб кетаётган бўлсаям, Семён бундай пайтда ўзини уйготган одамни кечирмас эди.

Тўрт соат учган самолёт Ўзбекистон пойтахтига етиб келаётганлигини борт кузатувчиси — қип-қизил хонатлас кўйлак кийган, юзи оппоқ, сочлари қопқора қиз майин овозда инглиз, рус ва ўзбек тилларида эълон қилганида Рустамнинг кўзида ёш пайдо бўлди. Қувониб кетганидан, ўрнидан туриб қизни кучоқлаб олишига, юзидан ўпишига бир баҳя қолди.

— Ура! — дея бақирди у.

Унинг овозидан самолётга чиққанидан бери ухлаб келаётган Анжела уйғониб кетиб, атрофга олазарак боққанча:

— Тинчликми? — дея сўради.

Салондаги бошқа йўловчилар эса кўринишидан туппа-тузук одамга ҳайратланиб қарашди. “Эй худо, ишқилиб, самолёт эсон-омон кўнсин-да”, — дея хаёлидан ўтказди Рустам ҳамда Анжелага:

— Ўзбекистонга келдик, эшитаяпсанми? Ўзбекистонга! — деди кўз ёшини яширмай.

Анжеланинг унга юраги ачишиб кетди. Рустамни кучоқлаб, “Табриклайман”, — деди пичирлаб. Самолёт ерга кўнди. Ҳаммадан олдин худди биров қуваётгандай шошиб-пишиб самолёт салонидан чиққан Рустам ерга тушмаёқ қулочини кенг очиб чуқур нафас олди ва: “Ассалом, Ўзбекистон!” — дея қичқирди. Инглиз тилини билмайдиганлар: “Бу боядан бери нега довираяпти?” — дея ўйлашди. Биладиганлар эса мийиғида кулишди. Рустам пастга югуриб тушди-да, ерга ётиб, уни узоқ ўпиб турди. Асфальтнинг иссиқ тафти унинг лабини куйдириш арафасида Анжела келиб, Рустамнинг кўлтиғидан олдида:

— Тур, жиннивой, — деди.

Улар таксида меҳмонхона томон кетишаркан, хорижлик ўзбек атрофдан кўз узмас, зўр иштиёқ билан кузатар эди.

— Ҳозироқ йўлга тушамиз, — деди Рустам улар меҳмонхонага жойлашиб олганларидан кейин.

— Нималар деяпсан? — деб кулди Анжела. — Ўзбекистон деганлари биттагина мана шу шаҳардан иборат эмас. Қарийб ярим Америкага яқин территорияси. Қолаверса, қаёққа борамиз? Кимдан сўраймиз? Шуларнинг ўзиям катта муаммо. Бундан ташқари, иккаламиз ҳам итдай чарчаганмиз. Бугунча дам олайлик, эртага йўлга тушамиз.

Рустам Анжеланинг айтганига ноилож кўнди. Аммо юмшоқ диванда шифтга қараб қанча ётмасин, барибир уйқуси келавермади. Ички бир ҳаяжон уни ташқарига чорлайверарди. У секин бошини кўтариб, Анжела ётган диванга қаради. Жувоннинг кўзлари юмуқ, бир текисда нафас олаётганлигини кўргач, шиппагини кийди-да, шкафнинг ёнига бориб кийина бошлади.

— Қаёққа? — дея сўраб қолди шу пайт кўзини очган Анжела.

Худди ўғирлик қилаётган одамдай Рустам чўчиб тушди ва орқасига ўгирилиб:

— Шундай, ташқарига чиқиб келмоқчийдим, — деди.

— Ҳеч қаерни билмайсан-ку, адашиб кетасан, — деди норози бўлиб Анжела.

— Юр унда сен ҳам, бирга айланамиз.

— Ташқарининг иссиқлигини кўрмайсанми? Озгина салқин тушсин, кейин чиқармиз.

— Сабрим чидамаяпти, Анжела. Шунча ухлашга ҳаракат қилсам ҳам кўзимга уйқу келмади. Бироз айланайлик, кейин келиб дам оламиз.

Рустамнинг қайсарлигини қайтаролмаслигига амин бўлган Анжела унинг айтганига кўнишдан бошқа илож тополмади.

Шаҳар Рустамга ёқиб тушди. У ҳамма нарсага зўр эътибор билан қарар, ўзига таниш бўлган бирон нима қидирарди. Қоп-қора сочларини орқасига ёйиб ташлаб олган, ўзлари европача кийинган қизлар унинг кўзини қамаштирарди. “Бунча чиройли бўлмаса бу ернинг қизлари?! Юзларининг тиниқлиги-чи?” — деб ўйлаб, ҳар битта қизни кўзи билан кузатиб кўярди у.

— Мен сенинг бу қилигингдан рашк қила бошладим, — деди ёнида кетаётган Анжела туртиб қўйиб.

— Тан бермай иложинг йўқ, — деди Рустам очиқча иқроор бўлиб, — қизларнинг чиройлилигини қара. Ҳаво қанчалик иссиқ бўлмасин, ҳаммаси оппоқ. Бу ердаги каби қизларни на Европада ва на Америкада учратасан.

— Ҳа, — дея тан олди Анжела ҳам, — ҳақиқатан ҳам чиройли экан.

Улар бир соатга яқин айланганларидан сўнг ошхоналардан бирига киришди. Рустамнинг кўзи паловга тушди-ю, ҳаяжонланиб кетди.

— Мен, — деди у энтикиб, — бу овқатни ёшлигимда еганман. Ҳалиям эсимда. Ишонмасанг, мазасини ҳам айтиб беришим мумкин.

— Ишондим, ишондим, — деди Анжела кулиб, — ёшлигингни эслашинг учун айнан шу таомдан еймиз.

Биринчи луқмани оғзига олганидан сўнг Рустам узоқ вақт кўзини юмиб турди.

— Нима бало қилаяпсан? — деди ҳайрон бўлган Анжела.

— Мазасини кўраяпман.

— Жиннивой, — дея кулиб қўйди Анжела.

Меҳмонхонага қайтиб келганларида иккаласи ҳам ҳолдан тойган эди. Шу боис, ювиниб олишди-да, сўнг пинакка кетишди. Рустам тушида онасини кўрди. Унинг бошида оппоқ рўмол. Кўзлари кулиб турибди. Лекин сочининг оппоқлиги, пешонасидаги сон-саноқсиз ажинлар унинг кўнглини хира қилди.



— Ойи, нега бунчалик сочингиз оқариб кетган? — дея сўради у.

— Отанг икковимиз сени роса соғиндик. Тезроқ келақол, — деди она унинг саволига жавоб бермасдан.

Рустам энди унинг ёнига югуриб бормоқчи эди, бирдан гуп этиб йиқилиб тушди. У кўзини очганида ерда ётар эди. Ҳеч нарсани англолмай карахт аҳволда бироз атрофга қараб турди-да, сўнг яна диванига чиқиб ётди. Тезда ухлаб қолган эса-да, ўша тотли тушни бошқа кўрмади.

Кечки саккизларда улар уйғонишиб, тамадди қилишди-да, меҳмонхона атрофида бир соатлар чамаси сайр қилишди. Кейин яна хоналарига қайтиб келишди. Рустам телевизорни ёқди. Ўзбек тилидаги кўрсатувга умуман тушунмаётган эса-да, тикилиб тураверди. Унинг орқасидан Анжела келиб қучоқлади. Ундан ўша улар бирга бўлган илк кечадаги хушбўй атир ҳили келар эди.

— Сен мени бутунлай унутиб қўйлинг, — деди у ноз билан ва эркакнинг томоғидан ўпди.

— Унутганим йўқ, — деди Рустам унга бир қараб қўйиб, — кун бўйи биргамиз-ку, ҳатто кечасиям.

— Менга камлик қиляпти...

— Сен истаётган нарса менинг умуман хаёлимга келгани йўқ.

— Ўзим эслатиб қўяман.

\* \* \*

Очил билан Фозилга юртга қайтиш осон кечмади. Аввалига уч кун улар Олянинг уйида биқиниб ётишди. Кейин Киевга поездда кетишди. Ундан Сочига боришди ва у ердан самолётга чипта олиб, Тошкентга учиб келишди.

— Энди, — деди Очил таксида “Отчопар”га кетаётганларида, — сен билан бирон жойга борсам кучук бўлай.

— Бўлмаса, ўзингга бирорта итнинг номини қўявер, — деди Фозил кулиб.

— Мана кўрасан. Бирортаям жойга бормаيمان.

— Сен мени ёмон қилиб, ўзинг оппоқ бўлиб қолмоқчимисан? Ҳе ўргилдим сендан. Мен нима гуноҳ қилдим? Неча кундан бери фақат мени айблайсан. Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ. Ўзинг жа сўфимисан? — деди бирдан жаҳли чиқиб кетган Фозил. — Ҳали қишлоққа бориб ҳаммага нима бўлганлигини бирмабир айтиб саситарсан ҳам.

— Ҳаммани ўзингдай деб ўйлама. Сенинг оғзингдан чиқмаса. Москвадаги гаплар Москвада қолади, — деди Очил унга қирғий қараш қилиб.

— Жўра, — деди дарров паст тушган Фозил, — нима бўлсак иккаламиз бўлдик. Буни қишлоққа бориб гуллаганимиз билан икковимиздан бошқа ҳеч ким шарманда бўлмайди. Шу ерда келишиб олайлик, бировга бошимиздан ўтганларни гапирмаймиз. Гапирган — учта ҳарф, келишдикми?

Улар қўл ташлашиб, қасам ичишди. Аммо бу қасамнинг умри қишлоққа боргунларига қадар етди, холос.

Борган куниёқ, Фозил қариндош-уруғига, ёру биродарларига “ҳақ” берди. Кечга бориб кайфи ошиб қолган “сайёҳ” Рустамбой ҳақида тўлиб-тошиб, кўшиб-чатиб гапириб берди ва табиийки, миллиардер ва унинг гумашталарининг чув тушиб қолишида ўзи қаҳрамонлик вазифасини ўтаганлигини оғзи кўпириб ҳикоя қилди.

Очилнинг ҳам уйида деярли шунга ўхшаш тафсилотлар бўлди. Шу боисдан ҳам ҳар икки “қадрдон” ўртоқ “учта ҳарф”га айланмади.

Албатта, қишлоқда айтилган гапларнинг учқур қаноти бўлади. Очил билан Фозил эртасига ҳали бош оғриғидан қутулолмай қатик ичаётганларида кўшни қишлоқдагилар, ундан наридагилар уларнинг саргузаштларидан хабар топиб улгуришганди. Ордан икки кун ўтганидан кейин эса бутун туманда бу воқеанинг янада кўшиб-чатилган тафсилотлари кезиб юрар эди.

✓Хозир Америкада яшайдиган Рустам қачонлардир шу ерда туғилгани, кейин унинг ўғирлаб кетилиши ҳақидаги хабар Рустамнинг ҳақиқий ота-онасининг қулоғига ҳам етиб келди. (Фозил ресторанда Рустамнинг қулоғига “лағмон” илаётганида, ўзи билмаган ҳолда ҳақиқатни ҳам гапириб қўйганди. Яъни, у ёшлик кезларида йўқолиб қолган бола ҳақида эшитганди. Тўғрироғи, Рустамнинг йўқолиб қолиши район, областда ваҳимали тус олган, ота-оналар болаларини кўчага чиқармай қўйганди). Етмишдан ошиб қолган Бўрибой ота бунақа гапларни аввал ҳам эшитганди. Лекин уларнинг ҳеч бири тўғри бўлиб чиқмаганлиги учун бу хабарга ҳам қўл силтади. “Бўлса бордир, — дея ўйлади у оппоқ соқолини силаб, — лекин мен қидириб борсам, бошқа Рустам бўлиб чиқади. Ҳатто миллатиям ўзбек бўлмайди. Бундан ўн беш йил аввал ҳам шунақа бир хабар тарқалганди. Ўлай деб қидириб излаб топсам, татар чиқиб келди. Бунинг устига, отиям Рустам эмас. Рамил экан. Буям шунга ўхшаш гап-да”. Гарчи хаёлидан шунақа ўйлар ўтган эса-да, барибир кўнглининг бир чеккасида умид учқунлари пайдо бўлди. Бу шунчалик майда эдики, киприк соясини ҳам ёритолмас эди.

Бозордан шунақа миш-мишларни эшитиб келган Бўрибой ота узум сўриси тагидаги чорпояда неварасини ўйнатиб ўтирган кампирининг ёнига келиб ўтирди. Сўнг кампирига чой дамлаб келишни буюрди. Бўрибой отанинг иккита келини бор эди. Бири Рустамнинг акасининг, иккинчиси эса укасининг хотини. Уларнинг ҳар иккиси ҳам чол-кампир билан бирга яшарди. Чунки Бўрибой ота қўли калталиқ қилганидан, ҳеч бирига уй-жой қуриб беролмаган, шу боис бор-йўғи тўрт хонали уйининг учта хонасини иккаласига бўлиб берганди. Ҳали келинлар ёш, болалари кам пайти жой масаласида қийналишмади. Аммо болалар катта бўлган ва кўпайган сайин уйнинг торлиги билиниб қолди. Бунинг устига, бо-

лаларнинг тез-тез уришиб қолиши, унга катталарнинг ҳам аралашishi икки овсинни юз кўрмас даражага олиб келган эди. Бўрибой ота уларга қараб туриб, ичида эзилар, ҳеч қурса, болаларини тузукроқ ўқишларда ўқитиб, топармон-тугармон қилолмаганидан афсус чекарди.

Эҳтимолки, шу боисдан ҳам ота келинлари: “Фақат нима иши бўлса, менга айтади, овсиним тараллабедод қилиб юради”, қабилдаги ўйга боришмасин деган хаёлда уларга иш буюрмас, нимаики дарди бўлса, кампирига айтар, келинларга қандай буйруқ беришни эса, кампирининг ўзи эплаб ташларди.

— Кампир, — деди Бўрибой ота суюққина чойни хўплагач, афти буришиб, пиёласидаги чойга хунук назар билан қарар экан, — пенсияни беришмадими?

— Қишлоқнинг нариги томонига почтачи келиб тарқатиб кетибди. Эшагинг ҳаром ўлгур, ҳар доим шундай қилади. Навбат бизга келганда пули тамом бўп қолади... Эртага келармиш, — деди кампир қўлидаги набирасини кўрпачанинг устига ўтқазиб кўяркан.

Бу аёл ёшлигида қишлоқнинг энг олд қизи эди. Ҳамма унга ошиқу беқарор бўлганди. Лекин Бўрибой ота барининг бармоғини тишлатиб қўйди. Ойсифат билан озгина салом-алиги фойда бериб, бир куни кечқурун олиб қочиб кетди ҳамда ҳамма ишни бажариб ташлади. Ўзига тўқ бўлган Ойсифатнинг ота-онаси шундан кейингина қизларини унга беришга мажбур бўлишди. Ойсифат Рустам йўқолиб қолгунча ҳам илгаригидай гўзал эди, уни кўрганларнинг, албатта, бир маротаба суқи тушарди. Аммо Рустам йўқолди-ю, у бирдан ўзини олдириб қўйди. Юзига ажин тушди, сочи қировдай оқариб кетди. Унинг чиройидан асар ҳам қолмаганди.

— Ҳмм, — деди Бўрибой ота ўйланиб, — бугун гўшт олиб келмоқчийдим. Пул сағана етмади.

Унга кампири ёвқараш қилиб қўйди.

— Кейин, — деди Бўрибой ота, айтсамми айтма-

самми, деган хаёлда, — шу битта гап эшитиб қолдим...

— Нима гапакан? — дея сўради кампир чолидан кўзини узмай.

— Эсингдами, ўн беш йил бўлдим-ўн олти йилми... йўқолиб қолган бир татар болани излаб борувдим...

— Унга нима қипти? — дея бирдан чолининг гапини бўлди кампир.

— Ҳеч бало қилмаган, — деди чол кампири гапини бўлганидан жаҳли чиқиб, — яна битта шундай гап тарқабди. Америкадан бир бола Масковда шу районлик иккита савдогар боламинан учрашиб қопти. Шу бола: “Мени бир пайтлар ўғирлаб кетишган, ҳозир Америкада яшайман. Бойлигимнинг учи-қуйруғи йўқ. Отим Рустам”, дебди.

— Ни-ма?! — деб юборди бирдан ҳаяжонланиб кетган кампир. — Оти Рустамакан? Кўралмай ўлиб кетаманма, деб кўрқувдим болам бечорани!

— Шу пайтдан кўз ёш тўковурасанма?! — дея уришган бўлди кампирини Бўрибой ота, аслида ўзининг ҳам кўнгли бўшаб кетганди.

— Отаси, — деди кампир кўзидаги ёшини рўмолига артиб, — қаердайкан шу болалар, уйини сўраб-суриштирдингизма?

— Бозорда эшитдим бу гапни, кимдан сўрайман? Илгариям бундайча миш-мишлар ёлғон чиқувди. Шунинг учун...

— Ҳечам шу болангизни ўйламанг, йўқолгандаям уч-тўрт кунгина излагансиз, мен уни кўчадан етаклаб келганим йўқ-ку! — дея яна чолининг гапини бўлган кампир дийдиёсини бошлаб юборди.

— Дарров биғиллашга тушасан! Суриштирувдим, милисаям изловди. Тополмовдик-да, энағарди боласи! — деб Бўрибой чол пиёласидаги совиб қолган чойни ичди-да, ўрнидан туриш ҳаракатига тушди.

— Қақа борасиз энди? — деди кампири жигибийрони чиқиб.

— Улингнинг биронтасини олиб, топаман шу болаларни. — деди Бўрибой ота кўзидаги ёшини яшириб.

Чол билан унинг катта ўгли Равшан қуёш уфққа ёнбошлайдиган маҳал, амал-тақал қилиб Очилнинг уйини топиб келишди. Очил бунақа ошна-оғайниси йўқлигидан, уларни хушламайгина кутиб олди.

Бўрибой ота ичидаги гапни узоқ сақлаб туролмади. Озгина у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турганларидан кейин бирдан мақсадга кўчиб кўя қолди.

— Тўғриси, шунақа гаплар ҳам бўлувди, — дея чайналди Очил. — Лекин биз унчалик ҳам эътибор қилмаганмиз. Асосан савдо билан шуғулланганмиз...

Даврада Очилнинг ҳам отаси ўтирган эди. У ўглининг бунақа чайналишига чидолмади. Илгаридан ҳам унинг отаси дангал гаплиги билан қишлоқда танилганди. Нимзаники, хоҳ яхши-хоҳ ёмон бўлсин, шартта истаган одамига айтиб кетаверарди. Бунинг устига, ичида сир сақлаб туролмасди. Уғилларини ҳам шунақа қилиб улғайтирмоқчи эди. Аммо уддасидан чиқолмади. Ташқи кўриниши отасига ўхшаган фарзандларнинг бошқа ҳамма фазилатлари онасига, унинг уруғ-аймоғига тортиб кетди.

— Эзмаланмай нима бўган бўлса, ҳаммасини гапир-да, баччағарди боласи, булар шунча йўлдан оворайи сарсон бўлиб келишган. Сен эзмаланиб мияни қотирасан! — боласини койиди дангалчи ота.

Очил отасига норози қиёфада бир қараб қўйдиди, гапни энди узоқдан бошламоқчи бўлганида, падар уни яна силтаб ташлади. Шундан кейингина Очил қисман Рустам ҳақида гапириб берди.

— Болам, — деди кўзидан ёш чиқиб кетган Бўрибой ота, — мени шу ёқларга обор, бориш-келишини тулайман.

Бу гапдан Очилнинг ранги оқарди.

— Мен боролмайман, у томонларнинг милисаси жуда ёмон бўп кетган. Ҳозир борган одамни ушлаб

\* Бўла (шевала) — холавачча

олиб қамаб қўйяпти, — дея ёлғон гапирди у. — Лекин унинг ўзи бу ёққа келмоқчийди. Ажабмас, бир-икки кунда келиб қолса...

\* \* \*

Семённинг боши қотиб қолди. У нима қилиш, қандай йўл тутишни билмасди. Рустам пайдо бўлгунча кўпинча Анжела билан маслаҳат қиларди. Энди у йўқ. Семён илк мартаба ўзини ёлғиз ҳис этди. Яхшилаб ўйлаб қараса, атрофида биронта ҳам садоқатли одами йўқ экан. Ҳамма ундан кўрққанидан, пуlining кўплигидан атрофига тўпланар, хизматини қиларкан. “Йўқ, — деди у бирдан ўзига-ўзи, — бунақаси кетмайди! Нега довдираяпман? Бунақаси менга ярашмайди. Мен ҳеч қачон ёлғиз қолмайман. Мен доим олдинга юраман. Ҳамиша шунақа бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўзимни йўқотдимми, демак, мен ўлимга маҳкум одамман. Мен ёлғиз эмасман. Мен суянадиган Мен борман! Ҳа... ҳа, мен фақатгина Ўзимга суянаман. Вошқалар менинг олдимда ҳеч киммас!” У телефонни олди-да, Вадимнинг рақамини терди.

— Оғайни, — деди у салом-аликдан кейин, — бир келиб меникида меҳмон бўлиб кет. Гаплашадиган гаплар бор.

Одатдагидек, Вадим йўқ демади. “Албатта борман, — деди у, — чақчақлашиб ўтираминиз”. Кўнгли бироз кўтарилган Семён ўрнидан турди-да, тансоқчиларидан бирини чақириб, тезда Маргаритани уйғотиб келишларини буюрди. Ўзи эса гольф таёқчаларини олиш учун уйнинг орқа томонига ўтди.

— Рита, — деди Семён узун оёқларини намоёиш этиб келаётган жувонга, — сенинг туришингни сабрсизлик билан кутаётган эдим. Манави гўрсўхталарнинг, — шундай деб ёнидаги йигитларни кўрсатди, — биронтаси ҳам гольф ўйинини билмайди. Биттагина сендан умидим, шунинг учун ҳам уйғотишга мажбур бўлдим.

Ноз билан унинг юзидан ўпиб қўйган Маргарита

йигитларга бирма-бир назар ташларкан, ҳар бирига алоҳида жилмайиб:

— Мениям гүрсўхта десанг бўларкан, — деди.

— Оббо, — деди коптокни уриш учун эгилиб турган Семён қаддини тиклаб, — бир ўзим ўйнасам, умуман қизиқ бўлмайди-да. Ундан кўра ўйнамаганим бўлсин. Яхшиси, юр, пивоҳўрлик қиламиз.

Маргарита унинг бу таклифига қаршилиқ қилмади. Шундоққина кўм-кўк майса устига ўтириб олиб, оёқларини икки томонга ёйди. Семён ҳам унинг ёнига шунақа қилиб ўтирди.

— Мен ҳам шундай ўтиришни яхши кўраман, айниқса, сендай жоннинг офати ёнимда бўлса, — деди у кулиб.

— Анжелани кўрганингда-чи? — деди Маргарита бир кўзини қисиб.

— У ҳамма вақт ҳам менинг кўнглимдагини тополмайди. Сен бўлсанг, бир қарашимнинг ўзидаёқ нима демоқчилигимни билиб оласан, — деди Семён ва Маргаританинг кўзига тикилди.

Аммо Маргарита унинг бунақа ўқрайиб қарашидан мақсади нима эканлигини билолмади. Билганда ҳам қўлидан ҳеч нарса келмасди.

— Паша, — деди Семён ёнидаги йигитга, — хонимни яхшилаб чўмилтиринглар. Хоним гольф ўйнашдан кўра чўмилишни яхши кўраркан.

Йигитлари Семённи Анжела билан Маргаританинг ҳийласидан хабардор қилишган эди. Аммо бу томоша нима учун кераклигини билмасди. Шундоғам Маргарита билан унинг ишқий саргузаштларини ҳамма билди-ку, Семён буни ҳеч кимдан яширмади-ку. Нима кераги бор экан уни кино қилишнинг?

Семён икки жувоннинг махфий ишидан хабардор бўлган лаҳзадаёқ Маргаритага ҳукм эълон қилиб қўйган эди. Яъни, у сувга бўктирилади.

— Ҳозиргина чўмилиб чиқдим, — деди мафтункор жилмайган Маргарита ҳеч нимага тушунмай.



— Чўмилгансиз-у, лекин сузмагансиз-да, хоним,  
— деди Семён машхур ўкрайишини унга тагин “ҳадя”  
этиб.

\* \* \*

Очилнинг гапидан кўнгли тўлмаган Бўрибой чол уйига бошини эгиб қайтди. Чорпояда чолининг келишига илҳақ кўз тикиб ўтирган кампирини кўрган-нида эса баттар эзилди. “Шу бечорага ҳам жавр бўлиб кетди, — дея ўйлади у, — менга текканидан бери рўшнолик кўрмайди. Ўзи шу боласини бошқача яхши кўрарди”.

Кампир чоли келиб ўтирганидан кейин талай муддат юрак ютиб бир нарса сўрай олмади. Чол ҳам келини дамлаб келган суюққина чойдан икки-уч пиёла ичмагунча ёрилмади. Охири кампирнинг тоқати тоқ бўлиб:

— Нима бўлди? — дея сўради.

Чол жавоб ўрнига қўлини силтаб қўйди.

— Гапиринг, бошқайканма, улар учратган бола Рустаммасаканма? — деди кампир лаблари титраб.

— У ёғини худо билади, — чол хўрсинди. — Баччағарди боласининг айтишига қараганда, ҳақиқатан Рустам деган одам билан Москвада билла бўганакан, билла ўтиришиб чой ҳам ичибди. У мени ёшлигимда Ўзбекистондан ўғирлаб кетишган, деб айтибди.

— Кейин-чи, кейин нима бўпти? — деди кампир сабри чидамай.

— Нима бўларди, Рустам ўзи ётайдиган жойга кетибди. Булар ўзларининг қўноғига.

— Бораман, келаман, деган гаплардан айтмаппа?

— Айтипти, келаман, депти.

— Қачон келаркан?

— Бунисини уям билмасмиш.

— Юр, бирга бориб келайлик, демарингизма?

— Айтдим, — деди чол кампир эзмалик қилаверганидан жаҳли чиқиб, — йўл пулингди тўлайман,

бориб келайлик, дедим. Кўнмади-да баччағардинг боласи.

— Яхшилаб айтмагансиз-да. Бўмаса кўнайди, — деб кампир кўзига ёш олди. — Бутун бошли болангиз йўқ бўлиб кетсаям сизди парвойингизга кемайди. Эртага ўзим бориб келаман шу одамди олдига.

— Бор. Ҳозироқ бор. Ҳе...

— Кўйингизлар, — дея бирдан гапга аралашди Равшан, — бирдан эковингизам тутаб кетасизлар.

— Биронта боланг ҳаяллаб қолсин-чи, нима аҳволга тушаркансан?! — деди кампир тўнғичига захрини сочиб. — Боланг — бола, лекин жигаринг, битта қориндан таллашиб тушганинг — бегона. Жонинг ачимайди.

— Эна, нималар дейверасиз ўзингизча? — деди Равшан асабийлашиб. — Ҳали мен бирон нарса дедимма? Бирдан одамни уришишга тушасиз.

— Бўмаса сенгина ер ютгур, шу боладан Рустамди қаердалигини билиб олмайсанма, эртага укангди олиб йўлга тушмайсанма? — деди кампир шанғиллаб.

— Москва деганларига умримда бормаган бўлсам, уни қаердан излайман? — дея ўзини оқлаган бўлди Равшан.

— Одамлар дунёнинг у бурчагига бориб келишяпти. Силар бўлсаларинг, тухум босиб ётовринглар уйда, хўпми! — деди кампир алам билан.

— Бу борса-ю, у бу ёққа қараб чиқса, — гапга аралашди Бўрибой чол, — кейин сарсон бўп қайтиб келади. Ундан кўра озгина кутайлик, ажабмас, ўз оёғи билан кириб келиб қолса.

Чол анча ҳовуридан тушиб қолганди, шу боисдан бу гапни босиқлик билан айтди. Кампир оқ докадан бўлган рўмолига кўзидаги ёшини артди. Ўғил эса бошини эгиб ўйланиб турди-да:

— Ота, милисага хабар берсак-чи. Давлат балки бирон чорасини топар, — деди.

— Бу гапингдаям жон бор. Балки милисага айтармиз. Икки-уч кун қараб турайлик-чи, хабар бўлавер-

маса, кейин айтамыз. Ўзимизам унгача биронта чорасини топиб қўярмиз, — деди чол ва “Ё бисмилло”, дея ўрнидан туриб уй томонга кета бошлади.

\* \* \*

Рустамнинг кўкрагига бош қўйиб ётган Анжела айқаш-уйқаш бўлиб кетган ҳаёти ҳақида ўйлар эди. Бундан бир ой аввал унинг муаммоси кўйлақларнинг қайсиниси модага кирган-у, тирноқни қанақа қилиб ўстирган маъқул деган масалалар билан банд эди. Энди эса булар ҳақида ўйлашга ҳаёлида жой ҳам йўқ. Бир томондан Семённинг ўйинлари, иккинчи томондан Рустамнинг ташвишлари уни сиқиб қўйганди. Агар эртага Рустамнинг қариндош-уруғи топилиб қолса, бой улар билан овора бўлиб қолади. Эҳтимолки, Анжелани буткул унутиши, кераксиз латтадай улоқтириб ташлаши ҳеч гап эмас. Семёндан ҳам умидини узса бўлаверади. Гарчи у: “Ҳамма иш якунига етгандан кейин яна аввалгидек яшайверамиз”, деган эса-да, сўзида турмаслиги кундай аён эди.

— Рустамчик, — деди Анжела бошини кўтариб, — сен мени севасанми?

— Нега бунақа деб сўраяпсан? — дея Рустам кўзини очиб Анжелага қаради.

— Билгим келаяпти.

— Ёқасан, — дея ноаниқ жавоб қилди Рустам. Анжелани бу жавоб қониқтирмади.

— Биламан ёқтиришингни, менга севишинг ёки севмаслигинг тўғрисида айт.

— Бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрганим йўқ, — деди Рустам, — шунинг учун ҳозир бир нарса деёлмайман.

Анжела хўрсинди-да, яна бошини Рустамнинг кўкрагига қўйди.

— Одам севган одамини ҳеч қачон ташлаб кетмайди. Лекин севмаса... Ўйлаб қарасам, мени юрагидан севадиган одамни ҳали учратмабман. Ошиқларим кўп бўлган, лекин ҳаммасининг чиройимга ҳава-

си келган, холос, — деди у. Кўзидан икки томчи ёши оқиб, Рустамнинг кўкрагига тушди. Буни сезган Рустам унинг бошини эҳтиёткорлик билан кўтарди-да:

— Сенга нима бўлаяпти? — дея сўради.

— Кўявер. — деди Анжела йиғлоқи овозда, — бир бўшашиб олайин.

Рустамнинг унга ичи ачиб кетди. Жувоннинг хушбўй ҳид таралиб турган сочини силади, сўнг оҳистагина ўпди.

— Хафа бўлма, — деди жувоннинг кўнглини кўтариш учун, — ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади. Вақт кўп нарсаларга қодир. Муҳаббатнинг пайдо бўлиши, ўлиши ҳам вақтга боғлиқ.

— Бундан чиқдики, сенга умид қилсам бўлади, — деди Анжела яна бошини кўтариб.

— Билмадим, Анжела, билмадим. Ҳозир мен сенга бирон нима деб жавоб қилишга ожизман. Хаёлим қариндошларимни топиш билан банд. Бошқа ҳар қандай ишлар ундан кейинги ўринда туради. Яхши-си, ухлайлик. Эртага ухлашга вақт бўладими-йўқми, худо билади, — деди Рустам ва кўзини юмди. Анжела ҳам бошини эркакнинг кўкрагидан олиб ёстиққа кўйди.

Соат ўндан ошгандан кейин улар уйғонишди. Ювиниб бўлишгач, нонушта қилиш учун меҳмонхона ресторанига тушишди.

— Менга бу ер ёқди, — деди Рустам жилмайиб Анжелага қарар экан, — фақат ҳавоси бироз иссиқ экан.

— Ҳечқиси йўқ, кўникиб кетасан. Шу ерда туғилгансан-ку, кўникишинг осон кечади. Менга осон бўлмаса керак. Ишқилиб, димиқиб қолмасам гўрга эди, — деди у ва пиёладаги чойдан хўплади.

— Ишни нимадан бошлаймиз? — дея сўради Рустам ундан.

— Ҳайронман, — деди Анжела елкасини қисиб.

— Балки элчихонага борармиз. Тушунтирамиз, ёрдам беришар.

— Унда шов-шув бўлиб кетади. Яхшиси, милицияга борамиз. Ўзбекларни меҳмондўст халқ деб эшитгандим. Ажабмаски, кўмаклашишса.

Рустам бироз ўйланиб турди-да, унинг фикрини маъқуллади.

Улар нонуштадан кейин хоналарига чиқиб кийимларини алмаштиришди-да, сўнг меҳмонхона директорининг ҳузурига киришди. Директор уларни очиқ юз билан кутиб олди. Меҳмонхона ёққан-ёқмаганлигини сўради.

— Ҳаммаси жойида, — деди Анжела Рустамга бир қараб қўйиб.

— Ҳеч қанақанги муаммо йўқми? — деди директор гўзал аёлга ҳирс билан қараркан.

— Меҳмонхона масаласида ҳеч қандай муаммога дуч келмадик, — деди Анжела табассум билан.

“ЗАГСнинг бўлмасаям одамгарчилик қилиб икковингни энг қиммат жиҳозлар билан безатилган хонага жойлаштириб қўйган бўлсак. Мазза қилиб юмшоққина италян ётоғида бир-бирингнинг қучоғингда ётган бўлсанг, қанақа муаммо бўлсин?! Биз сенинг юртингга борайлик-чи, шунақа қилиб беришармикин?” — дея хаёлидан ўтказди директор ва:

— Унда шаҳарни айланинглар, маза қилинглар, сўнг бизнинг юрт тўғрисидаги таассуротларингни ватанларингга борганларингда бошқаларга гапириб берасизлар, — деди кибр билан.

— Кеча шаҳрингизни айландик. Табиийки, таассуротлар бир дунё. Биз сизнинг ёнингизга бошқа масала юзасидан келгандик, — деди Анжела.

— Қанақа масала экан?

— Бизга милиция бўлими керак эди.

— Тинчликми? — дея сўради директор бирдан кўзи олайиб.

— Тинчлик, ўзимизнинг ишимиз бор эди. Шунини ҳал қилиб олишимиз керак.

— Қанақа масала бўлса, мен шу ерда эканман, ўзим ҳал қиламан. Бунга милицияни аралаштиришнинг ҳечам ҳожати йўқ, — деди директор. “...пуруш ходимларга ҳечам ақл кирмади-да. Неча марта айтганман, чет элликлар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинглар, ҳар битта гапларингни ўйлаб гапиринглар, деб. Барибир айтганимдай бўлмайди. Менимча, биронтаси хизмати учун қўшимча чойчақа сўраган бўлса керак. Ёки кўпол муомала қилдимикин? Нима бўлсаям буларнинг кўнглини олиб, шу ернинг ўзида ҳамма ишни тинчителишим керак. Йўқса, ортиқча бошоғриқ кўпаяди”, — дея ўйларди у.

— Йўқ, сизни асло ташвишга қўйиш ниятимиз йўқ. Милиция қаердалигини билсак, ўзимиз бориб ҳамма ишимизни ҳал қилиб келардик, — деди Анжела бироз жиддий тортиб.

“Буларни яхши биламан, — дея ўйлади директор, — ҳаммаси мулойим хунук бўлади, олдинда иржайиб, тиржайиб туради-да, арзимаган камчиликни у ёққа олиб бориб, отнинг калласидай қилиб кўрсатади. Йўқ, мен осонликча жон берадиган одамларданмасман. Бўлмаса шундай меҳмонхонага директор бўлармидим. Барибир ичингдаги гапларни суғуриб оламан”.

— Нималар деяпсиз, хоним? — деди директор имкон борича юмшоқ гапиришга ҳаракат қилиб. — Сизларни мутлақо уринтирмаймиз. Бу бизнинг вазифамиз. Айниқса, чет элликларга ҳурмат бизда бошқача.

— Раҳмат, — деди Анжела табассум билан, — лекин бизнинг масаламиз сизга умуман тегишли эмас. Шунинг учун ўзимиз ҳал қиламиз.

— Нима гап? — деди шу пайтгача бўлаётган гапларга умуман тушунмай гаранг бўлиб турган Рустам инглиз тилида.

— Мен ўзим сизларга ёрдам бераман, деяпти. Балки бунга айтармиз. Шу ерда туриб ҳал қилиб берса, бизга ҳам осон кечармиди?

— Шунақа имконияти бормикин? — дея сўради Рустам.

— Билмадим... — деди жувон.

Энди уларнинг ўзаро гапларига директор тушунмади. Шу боисдан унинг ҳадиги икки баробар ошди.

— Жанобни нима безовта қилаётган экан? — деди у Анжелага қараб.

— Директорнинг бизга ёрдам беришга имконияти бормикин, деб сўраяпти, — деди Анжела Рустамнинг гапини русчага таржима қилиб.

— Бўлмасам-чи, — деди директор кўзи қувончдан порлаб кетиб.

— Бизнинг бу ерга келишимиздан мақсад: бир бола ёшлигида йўқолиб қолган. Бунга ўттиз йилдан кўп вақт ўтган. Ҳозир ўша бола топилди. Энди у ота-онасини излаб юрибди. Милицияга айтсак, балки ёрдам беришар.

— Шунақами? — деди директор энгил тин олиб. — Унда мен сизларга таржимон бераман. Ўзи мелисахонага олиб боради. Сизларнинг гапларингизни уларга тушунтиради. Ажабмаски, муаммонгиз ҳал бўлиб қолса.

Директор столи устига ўрнатилган тугмачани босган эди, эшик унсиз очилиб, остонада бежиримгина, сочлари қоп-қора котиба юзида табассум билан пайдо бўлди. Меҳмонхона хўжайини унга таржимонни айтиб келишни буюрди. Бироздан кейин ёши йигирма беш ёшлар атрофидаги, қоп-қора костюмшим кийган, сочи силлиқ таралган йигит кириб келди. Директор унга кўрсатма берар экан, мабодо меҳмонлар ортиқча гап қилиб қўйишса, милиция ходимларига силлиққина қилиб, меҳмонхона мижозларининг ҳамма нарсадан кўнгли тўқлигини тушунтириш зарурлигини айтишни унутмади.

\* \* \*

Семённинг гапидан ёмон бир нарсанинг ҳидини сезган Маргарита бассейн томонга кетаётганида, “Қо-

чиб кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди”, дея ўйлади. Ва қуриқчи йигитга кўкраги билан бироз суйкалиб:

— Ҳожат чиқариб олмасам, ҳозир тамом бўламан, — деди ноз билан.

— Бемалол, — деди тансоқчи йигит ва уй томонга йўлни бурди.

Улар ҳожатхона ёнига борганларидан кейин Маргарита эшикни очди-да, ортига ўгирилиб, тансоқчига жилмайди ва бирдан унинг ёқасидан ғижимлаб ушлаб, лабига лабини босди. Тансоқчи буни кутмаган эди, шу боисдан ҳам аввал довдираб қолди. Кейин ўзининг ҳам авжи келиб кетди ва Маргарита билан бирга ҳожатхонага кирди. Эшик қулфланди. Ишқий ҳангома тезда бошланиб кетди. Пешонасидан тер оқиб кетган тансоқчи ҳамма нарсани унутиб, қилаётган ишига бутун борлиғи билан берилган маҳал, “ғирч” этиб пичоқнинг ўткир тиги унинг қорнига санчилди. Кутилмаган огриқдан инграб юборган тансоқчи ўтириб қолди. Маргарита вақтни бой бермаслик учун тезда унинг томоғига ҳам тиг ботирди. Кўзи олайиб кетган тансоқчи бир зумда тинчиди.

— Узр, — дея тансоқчининг пичоғини устига ташлаган Маргарита унинг тўппончасини олди, — шунақа бўлиб қолди. Бошқа пайт бўлганида сени бошқача эркалаган бўлардим.

У ҳожатхонадан чиқиб, уй ичини яхшилаб кузатиб, ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, яширин йўл орқали ташқарига жуфтакни ростлади. Махфий йўлни унга бу ерга келган куни ҳар эҳтимолга қарши деб Анжела кўрсатган эди.

Кўнгли сал хотиржам тортган Семён чўзилиб осмонга қараб ётганча хаёл суриб, икки шиша пивони бўшатганидан кейин керишиб олди-да, ўрнидан турди ва йигитларига стол безатиб қўйишларини тайинлаб, уй томон юрди. Уйга киргач, бирдан хотиржамлиги йўқолиб, безовталаниб қолди. Аввал атрофга аланглади. У кўнгли нега безовталигини ўзи ҳам ту-



шунмасди. Бунинг сабаби эса ноаён. Шу пайт унинг хаёлига тансоқчи Маргаританинг тақдири нима бўлганлиги тўғрисида хабар бермаганлиги келиб қолди ва тез-тез қадам босиб ташқарига чиқаётганида полнинг устидаги бир томчигина қонга кўзи тушиб қолиб, шартта тўхтади.

— Аня! — деб бақирди кўзи олайиб кетган Семён.

Ошхона томондан фаррош хотин югургилаб келди.

— Нима бу? — Семён полдаги қонни кўрсатиб ўшқирди унга.

— Ҳозиргина йўғиди, — деди кўрқувдан қалтирашга тушган фаррош аёл.

— Йўғиди? — Семён чўккалаб полга ўтирди-да, қонга диққат билан тикилди ва унинг янги эканлигини билгач, ўрнидан туриб, чуқур нафас олди ва фаррошга тезда тансоқчиларни айтиб келишини буюрди. Бирпасда айтилган йигитлар йиғилди, уларнинг орасида Маргаритани “тинчитиш” учун кетгани йўқ эди.

— Валера қани? — дея сўради Семён йигитларидан.

Тансоқчилар бир-бирига қаради.

— Боя анави аёлни бу ёққа стаглаб келаётган эди, — деди улардан бири.

— Ним-ма?! — дея бақириб юборди Семён. — Мен унга қанақа буйруқ берган эдим? Топларинг тезда!

Тансоқчилар бирдан ҳар томонга тарқалишди. Бири ҳожатхона эшигини очди-ю, кўрқиб кетганидан бақириб юборишига озгина қолди. Валера шифтга бақрайганча ўлиб ётарди.

— Шеф! — деган овоз янграши билан Семён ҳожатхонага югурди ва у ердаги манзарани кўрганида бўкириб юборди.

Семён ёнидаги тансоқчиларни тепкилади. “Итдан тарқаганлар! Ҳаромилар! Текинхўрлар!” — дея сўқди.

Вадим келгунча Семён ўзини босолмади. Қанча-

дан-қанча чиннилар чил-чил бўлди, дераза ойналарининг соғи қолмади ҳисоб, бир-иккита жиҳоз асфаласофилинга жўнади.

— Нима бўлаяпти? — деди уйга кириб келган Вадим ҳайрон бўлиб.

— Ўзимам билмайман! — дея дўсти билан саломлашмасдан ҳам бошини ушлаганча диванга ўтирди Семён.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи! — деди унинг ёнига келган Вадим.

— Менимча, — деди ёнидан сигарета олиб лабига қистирган уй эгаси, — ҳамма нарсанинг расвоси чиқиб кетди. Иккита қаердаги итваччанинг “ишини битириш” учун одамларимни жўнатдим. Биласанми, нима бўпти, менинг одамларимни ҳалиги гўдаклар мажақлаб кетишибди. Сени чақирганимдан кейин битта манжалақини сувда “чўмилтиргин” деб барзангидай бир йигитимга буюрсам... Итнинг боласи ана, ҳожатхонада қонига беланиб ётибди...

Вадим Семённинг ер чизиб ўтирган одамларига ўқрайиб қаради. Сўнг:

— Буюр, — деди дўстининг ёнига ўтириб, — буларни ўзим яхшилаб тарбиялаб қўяйин.

— Вера! — дея бўқирди Семён Вадимнинг гапига эътибор қилмай. — Ароқ опке!

Ошхонада хўжайиннинг гапини эшитмай қолиб, ажали тўрт кун олдин келиб қўйишидан кўрққанча қулогини динг қилиб турган ошпаз аёл патниснинг устига музлаткичнинг ичидаги ароқлардан бирини олиб қўйди-да, Семённинг ёнига югурди. Ошхонадан шошилиб чиқаётганида эшик рахига урилиб кетиб, йиқилиб тушишига сал қолди. Яхшики, буни Семён кўрмали. Йўқса, яхшигина “маош” эгаси бўлар эди.

Икки дўст бир қадаҳдан бўшатишгач, Семён пича бўшашди ва Вадимни ташқарига таклиф қилди.

Улар тўкин дастурхон тайёр бўлгунча яна бир қадаҳдан ароқ ичишди. Сухбат тезда қовушиб кета-

вермади. Семён Вадимнинг ёнида анчагина обрўсизланиб қолган эди. Буни Вадим ҳам сезиб турарди. Гарчи:

— Шунгаям хафа бўлиб ўтирибсанми? Ўтиб кетади тезда, эркаксан-у, қанчасидан эсон-омон ўтиб кетгансан, — дея Семённинг кўнглини кўтармоқчи бўлган эса-да, хаёлида “Бунинг куни битибди. Тезроқ отга қамчи босиб, ҳамма нарсага эга чиқиш керак”, деган ўй бор эди.

Семён асабий қўл силтади. Сўнг хўрсиниб қўйдида, ароқдан кулқуллатиб қадаҳларга қуйди.

— Ичамиз, порлоқ келажак учун ичамиз, — деди у зўрма-зўраки илжайиб.

Семён тез маст бўлиб қолди. У одатда унча-мунчага маст бўлмасди. Ҳамма вақт шишадошидан кейин кайфи ошарди. Бундан икки йил аввал худди мана шу Вадим билан ким кўп ичарига ўйнаганди. Ўшанда Семённинг бир ўзи нақд уч ярим шишани бўшатган. Вадим эса учинчисини тугатиш арафасида қулаганди. Энди эса Вадим ҳеч нарса бўлмагандай ўтирибди-ю, Семён алжираб қолди. Бир ҳисобдан, бу алжираши ўзига фойда келтирди. У Анжела билан Рустамни бир ёқлик қилиш режасини айтмади улфатига.

Семён ухлаб қолгач, йигитлари уни ётоғига олиб бориб ётқизиб қўйишди. Вадим эса ширин ўйлар гирдобида уйига кетди.

У уйига етиб борганидан кейин одамларига Эдуард исмли маслаҳатчисини топиб келишларини буюрди. Бу яҳудий йигит Вадим билан ёшлигидан бирга ўсганди. У нимаики жиддий иш қилса, аввал, албатта, ундан маслаҳат сўрар ва шунга қараб режа тузарди. Мана, шунча вақтдан бери Эдуарднинг берган маслаҳатлари уни уялтириб қўйгани йўқ.

— Йўқламай қўйганингга ўзингга бошқа яҳудий топиб олгансанми, деб ўйлаб юрувдим, — деди Эдуард қучоғини очиб.

— Сендан ўтадиган жуҳуд ҳали тугилмаган бўлса керак, — деди Вадим ҳам қулочини ёйиб.

— Ҳаммаси зўр уларнинг. Лекин улар барибир жуҳудлик қилиб кетишади-да, — деди Эдуард Вадимнинг юзидан ўпаркан.

— Сени шунақа холислигинг учун яхши кўраман.

Улар талай муддат латифа айтишиб, кулишиб ўтиришди. Кейин Вадим хаёлидаги гапни айтди.

— Бу масала сен ўйлагандан бироз жиддийроқ, — деди Эдуард бир нуқтага тикилиб. — Семён кўп нарсани кўрган тулкилардан. Осонлик билан уни бир чеккага чиқариб ташлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳозирги унинг парокандалиги алдамчи ҳолат. Бироз кутиш керак. Агар ҳақиқатан ҳам четда кўринмас кучлари бўлмаса, ундан кейингина ҳаракатга тушиш керак. Лекин бу шунчалик сир тугилиши керакки, бошқа “авторитетлар” хитланиб қолмасин.

— Бунинг учун нима қилиш лозим, деб ўйлайсан?

— Демокриманки, одамларингсиз бир ўзинг уддалашинг керак. Йўқса, сиринг барибир очилади.

— Тушунарли, — деди Вадим ва ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юрди. У вақти етган бўлса тезда ҳаракатингни қилиб қол, деган гапни кутганди. Бироқ ундай бўлиб чиқмади. Шу боисдан Эдуарднинг гапларини тарозига солиб кўрди. Қандайга ўйлама-син, маслаҳатчисининг гаплари босиб кетаверди. Аммо бу унга маъқул келмасди. Унинг ҳозироқ бориб Семён масаласини бир ёқли қилгиси келарди. Аммо маслаҳатчисининг гапи... У гарчи Эдуарднинг маслаҳатларини жон қулоғи билан эшитса-да, доим унинг гапларига амал қилишдан олдин ўзининг миёсида обдон “қориштириб” кўрарди. Шундан кейингина ишга киришарди. Одати шунақа эди.

— Сенга катта раҳмат, — дея суҳбати якун бўлганлигини билдирди Вадим.

Вадимни беш қўлидай яхши биладиган Эдуард гапи ёқмаганлигини дарров сезди ва ўрнидан тураётди:

— Албатта, менинг гапларим нисбий. Балки

ҳақиқатан ҳам вазият пишиб етилгандир. Унинг ҳолатини яхшилаб чамалаб кўрай, ундан кейин сенга ўзим кўнғироқ қиламан, — деди.

Бироқ унинг кўнғироғи ўша кунни бўлмади. Вадим у ҳақда унутиб қўйганди ҳатто. Чунки уй жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхонасини прокуратура ходимлари “босганлиги” ҳақидаги хабар келиб қолди. Бу корхонада номига маҳсулот ишлаб чиқариларди. Шундаям тўқсон фоизи яроқсиз эди. Бироқ ўша “брак” маҳсулотлар бир кун ҳам омборда сақланиб қолмасди. Тезда сотилиб кетарди. Яна чет элга. Чет элнинг ҳам Италия, Греция, Чехия каби Европа мамлакатларига. Албатта, бекордан-бекорга шунақа яроқсиз маҳсулотни хорижликлар сотиб олмасди. Бунинг сири бор эди. Бу сир шунчалик жўн эдики, оддийлиги сабаб ҳеч кимнинг назарига тушмаганди. Ҳатто ўша қийшиқ-қинғир шкафлар-у ошхона мебелларини ясайдиган пиёниста усталар ҳам шунақа яроқсиз маҳсулотларга тайёр бўлмасидан бурун буюртма бераётган хорижлик мижозларнинг устларидан кулишарди. Аммо улар ҳаддан зиёд кўп ишлатадиган елимларнинг таркибида нималар борлигини етти ухлаб тушларида ҳам кўрмасди.

Қизиқ томони, одамдан баттар наркоманга айланиб қолган божхоначиларнинг итлари ҳам қуриб қотиб қолган елимда ўзларининг “нон”и борлигини билмасди.

Прокуратура ходимлари Вадимни яхши танишарди. Унинг хорижга марихуана экспорт қилишидан ҳам хабардор эдилар. Лекин айнан қандай қилиб бунинг удласидан чиқаётганига ҳали-ҳануз жавоб топишолмаган эди.

— Хўш, хизмат, — деди Вадим ўзининг ҳар-ҳар замонда бир келиши учун шоҳона қилиб безатилган хонасида прокуратура ходимларини қабул қилар экан, — биздан нима хизмат?

— Ўтган кварталда, — деди новча, озғин, мўйлов-

ли киши, — бошқа кварталдагига нисбатан икки баробар солиқ кам ўтказилган.

— Бунинг билан аввал солиқ ходимлари шугулланишар эди, шекилли. Бирданига сизлар келибсизлар, бу ерда бир гап борга ўхшайди, — деди кулиб Вадим.

— Қаерла шунақа деб ёзиб қўйилган экан? — деди ҳалиги киши қовоғини уйиб.

— Ҳазиллашдим. Ҳазилни зилга буриб юбормангда. Ҳозир бухгалтерни чақириб айтаман. Жаримаси билан қўшиб ўтказиб беради, келишдикми? Энди сизларни қаттиқ ҳурмат қилганимиз боис, қолганларини ўзимиз ҳозирнинг ўзида амаллаб қўя қоламиз.

Бу гап иккала прокуратура ходимига ҳам мойдай ёқиб тушган эди. Лекин нимага энди Вадимдек одам дарров жон бериб қўя қолаётгани уларни таажжубга солаётган эди.

— Биз сиз ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар сифатини ҳам бир кўрмоқчи эдик. Ҳар қалай, чет элга “Россияда ишлаб чиқарилган” деган маълумот билан кетади, — деди бироз жиддийлиги ортга чекинган новча одам.

— Ҳозир ярим тайёр маҳсулотларгина бор, бундан сифатни аниқлаш, менимча, бироз оғирроқ.

— Шундай бўлса-да, бир кўрайлик.

Ноилож қолган Вадим меҳмонларни устахонага ўзи бошлаб борди. Вадим билан кўришаётган маҳалдагина бир оғиз сўз айтган, шеригига нисбатан анча ёш кўринадиган текширувчи ҳали қотмаган елимга тикилиб қолди. Бунга кўрган Вадимнинг кўзи ўйнаб кетди. Ва йигитларига имо қилди. Уста кийимидаги, иккита барзангидай йигит текширувчининг ёнига келди.

— Бирорта ёрдам керакмасми? — дея сўрали улардан бири.

— Ҳалати ҳиди бор экан, — деди текширувчи, — менинг бобом дурадгор ўтган. Ишхонасига кўп бор-

ганман. Елимларни бир-биридан яхши ажратаман. Лекин бунақа ҳидлисини ҳечам кўрмаган эдим.

— Бу Мексикадан келтирилади. Сизнинг отангиз совет даврида дурадгорлик қилган бўлса керак. У пайтлари фақат ўзимизнинг елимлар ишлатилар эди, — деди Вадим унинг ёнига бориб.

— Бўлиши мумкин-у, барибир ғалати экан.

— Сиз елимнинг сифатини билмоқчимисиз ёки бизнинг маҳсулотларнинг? — деди Вадим аччиқланиб.

— Начора, — дея гапга аралашди новча прокуратура ходими, — тайёр маҳсулот йўқ экан. Тайёр бўлганида келиб қўя қоламиз.

— Ўзларинг биласизлар, — дея Вадим уларга қўл силтаб устахонадан чиқиб кетди.

У хонасига борди-да, дарров ёнига учта йигитни чақириб, “Булар бир нарсанинг исини олганга ўхшайди. Киллер ёлланглар. Эртага пешингача иккови ҳам “тинчитилсин”. Лекин бугун тирик юриши шарт”, деган буйруқ берди. Дарҳақиқат, ёш терговчининг миясига “Елимнинг таркиби текшириб кўрилса, бирон нарса чиқиб қолар”. деган ўй келган эди. Аслида, уларнинг мақсади солиқлар эмасди. Мебеллар сифати ҳам уларни қизиқтирмасди. Прокуратура ходимларини Семённинг наркотик моддаларни қандай қилиб четга чиқараётганлиги қизиқтирарди. Шунга яраша ўзларига тегиши мумкин бўлган улуш миқдорини ошириб олишмоқчи эдилар. Чунки буларга ҳеч ким “Бориб фалончининг наркотик модда сотаётганини аниқлаб келинглар”, деб айтмаганди. Улар Вадимни наркотика экспортига алоқаси бор, деб гумон қилишарди, холос. Лекин юқорида айтганимиздек, қандай усулда экспорт амалга оширилишидан беҳабар эдилар.

Текширувчилар кетгач тезда елимлар бошқа жойга олиб кетилиши, ярим тайёр маҳсулотлар эса ёқиб юборилиши тўғрисида Вадим буйруқ берди.

Бу ишларнинг ҳаммасини бажариб бўлганидан кей-

ингина у Семённи “ўйин”дан чиқариб ташлаш режасини туза бошлади. Икки соат мобайнида тинимсиз чекди, у ёқдан-бу ёққа бориб келди. Шунчалик хаёлга берилиб кетгандики, ҳатто калта юбка кийган, оёқлари узун, баданини кўз-кўзлаш учун юпқа, тор кийим кийиб олган ўн саккиз ёшли, малласоч, сулув “дугона”си Татьяна кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Менинг жоним нимадан бунчалик безовта бўлиб қолди? — дея Татьяна Вадимнинг ёнига бориб, елкасига осилди. Шундагина Вадимнинг хаёли жойига келди. Ва қувониб кетди.

— Жуда вақтида келдинг-да, — деди у қиздан бўса олар экан, — диққатим шунчалик ошиб кетган эдики, кўнгилга яқин биронта одамни қўмсаб тургандим.

— Мени эса хаёлингга ҳам келтирмагансан. Агар ёнингга ўзим қидириб келмаганимда, эсламасдинг ҳам. Тўғрими, жоним?

— Сиқилардим. Менга нима етишмаётганлигини ўйлардим. Кейин сени эслардим ва тезда ёнимга чақирган бўлардим. Ахир ҳозир менга сен етишмаётганлигингни сезиб турибман.

— Балки хотининг етишмаётгандир, — деди жилмайиб Татьяна ва иккала қўлини Вадимнинг бўйнидан ўтказиб кучоқлади. — Оҳ, менинг қадрдон севгим!

Улар талай муддат шундай турганларидан кейин Татьяна секин сирғалиб чиқди-да:

— Дала ҳовлигга таклиф қилмаганингга ҳам анча вақт бўлиб кетди, одамни зериктириб қўйдинг, — деди ноз билан.

— Ишим қанчалик кўплигини билсанг эди, бу саволни бермасдинг. Мен сенга ажойиб сюрприз тайёрламоқчиман, — деди Вадим ва ўзини диванга ташлаб, қўлини икки ёнга ёзди.

— Қанақа сюрприз экан? — дея югургилаб унинг кучоғига кирди Татьяна.



— Айтмайман. Айтсам, қизиғи қолмайди. Ҳозир сен менга муаммоларни унутишимга ёрдам бер. Ундан кейин бир-иккита ишларимни битираман, — деди Вадим қизнинг сочидан силаб.

— Ҳар доим шунақа. — дея тескари ўгирилиб олди Татьяна, — ишингни битирасан-у, кейин мен керак бўлмай қоламан.

— Эркакларнинг ишига аёлларни аралаштиришни ёқтирмаслигимни яхши биласан-ку. Ўзингга тегишлисини олгин-да, жим бўл. Йўқса, умрингда кўрмаган сюрприздан ҳам қуруқ қоласан.

Вадимнинг мутлақо жиддий гапираётганлигини сезган Татьяна яна ўгирилиб, эркакни кучди.

— Дарров мендан хафа бўлдингми? Энди ҳечам ишингга аралашмаганим бўлсин.

Икки соатлик дам олишдан сўнг чўмилиб чиққан Вадимнинг хаёлига гаройиб ўй келиб қолди. Ва кафтларини бир-бирига уриб ишқалади. “Ана энди ҳамма ишлар жойида бўлади”, — дея ўзига-ўзи гапирди у.

\* \* \*

Маргарита қочиб кетганидан кейин Семён на уйга сигди, на ҳовлига. Тинимсиз пиво ичди, сигарета чекди. Бўралатиб сўкинди. Лекин кимни сўқаётганлигини ўзи ҳам билмасди. Кейин уйига кирди-да, диванга чўзилганча ухлаб қолди. Орадан икки соат ўтгандан кейин уйғонди. Бироқ калласини кўтармасдан ўйланиб ётди. “Вадимнинг олдида анча обрўйим тушиб қолди. Ўзиям устимдан роса кулган бўлса керак. Балки бошқа нарсалар ҳам хаёлига келгандир. Майли, нима деб ўйласа ўйласин, ҳали ҳеч нарса йўқотилгани йўқ. Иккита бола билан битта макиён чангалимдан омон чиқиб кетди, холос. Барибир ҳеч қайсиси узоққа кетолмайди. Қўлимга тушади. Ана ундан кейин ҳисоб-китоб мутлақо бошқача бўлади”, дея хаёлидан ўтказди у ва чиройи очилиб ўрнидан турди.

Хўжайиннинг кайфияти яхшилигини кўрган тан-

соқчилару қолган барча хизматкорлар енгил нафас олишди.

Семён муздай сувда яхшилаб ювиниб олганидан кейин аввал ёнига барча тансоқчиларни йигди. Ҳаммасига бирма-бир бошдан-оёқ кулиб қараб чиқди, елкаларига қоқди. Сўнг ўша машҳур ўқрайиши юзида акс этди-ю, тансоқчиларнинг оёқларига титроқ кирди.

— Мен сизларнинг ҳаммаларингга ишонганим боис атрофимга йиққанман. Қорниларингни туйгазаяпман. Кийинтираяпман. Олдимга келганингда, кўпчилигининг уйинг ҳам йўқ эди. Ҳозир бор. Бўлгандаям, шоҳона. Лекин эшакнинг ортиқча семириб кетиши эгасига малоллик олиб келаркан. Ана, учтанг бунга мисол. Менинг буйруғим бажарилмай қолганлиги ўз йўлига, ит, ҳеч қурса ўзинг тирик қол. Одам шунчалигам латта бўладими?.. Хуллас, сизларга айтмоқчи бўлганим, кимда-ким менинг буйруғимни бажаришга “дух”и етмаса, марҳамат, ҳозирдан қорасини кўрсатмасин менга. Агар шу ерда қолишни ният қиладиган бўлсанглар, ҳар битта бажарилмаган буйруқ учун нафақат ўзларингнинг жонларинг билан, балки, бутун уруғ-аймоғингнинг жони билан ҳам жавоб берасанлар. Уқдиларингми?! — деди Семён сўзини ниҳоялаб.

Бу гаплардан кейин кўпчиликнинг кўнглида кетиш истаги пайдо бўлди. Аммо бу истакни амалга оширишнинг мутлақо имкони йўқлигини ҳаммаси биларди. Шу боиски, барчаси бошларини эгганича: “Тушундик”, дея жавоб қайтаришди.

Шундан кейин Семён бошқа уй хизматчиларини йигиб, уларга ҳам ўзининг “игна”сини суқиб олди.

Барчанинг бирдек тобелигини ўз кўзи билан кўрганидан кейин Семён: “Сал енгил тортсам керак”, деб ўйлаган эди. Йўқ, барибир кўнгли жойига тушавермади. Нимадандир безовталамарди у. Лекин ўша безовта қилаётган нарса нима эканлигини излаб тополмасди. Бироз ўтганидан кейин эса топди. Бу Ан-

желанинг ёнида йўқлиги эди. У қайси буюмга қарамасин, ҳаммаси Анжелани эслатаверди. Шунда Семён “Аччиқни аччиқ кесар” мақолига амал қилиб, йигитларидан бирига ёшгина, ниҳоятда гузал қиз топиб келишни буюрди ҳамда диванга ўтирди-ю, кўзини юмди.

Бир соатга яқин вақт ўтганидан кейин буйруқни бажаришга кетган йигит ниҳоятда соҳибжамол бир қизни етаклаб келди. Уни кўриб Семённинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Юр, — деди бирдан қизнинг қўлидан ушлаб, ётоғи томон етаклар экан.

— Қаёққа? — деди жилмайиб турган сариқ сочли гузал.

— Сенга бир нарса кўрсатаман.

Қиз индамайгина унинг орқасидан эргашди. Улар ётоққа киришганларидан кейин Семён қизга обдон тикилди. Худди маймунни томоша қилаётган одамдай ҳали у ёғидан ўтиб қаради, ҳали бу ёғидан.

— Исминг нима? — дея сўради ниҳоят томоша жонига текканидан кейин.

— Оля, — жавоб қилди қиз Семённинг қилиғидан биров қизариб.

— Яхши. Неча ёшдасан?

— Ўн еттида.

— Бунисиям яхши. Ҳамма томонлама мос келасан. Қани, Оля, бир ечиниб юбор-чи!

Қиз Семённинг саволларидан буткул доврираб қолганди. Қалтираганча аввал юбкасини, сўнг кофтасини ечди. Кейин рўпарасидаги эркакка қараб тураверди. Эркак эса яна бояғи аҳволда уни томоша қилиб чиқди. Сўнгра стол тортмасидан пичоқ олдида, қизга яқинлашиб келди. Оля унинг қўлидаги пичоқни кўриб адойи тамом бўлди. Кўзидан ёш оқа бошлади. Семён эса ҳеч бир шошилмасдан унинг устида қолган “латта-путталар”нинг ипларини аста-секинлик билан кесиб ташлади.

— Энди ёт! — деди Семён паст, аммо таҳдидли

овозда. Буткул жони ҳалқумига келган қиз кўрқапаса орқасига тисарилиб, икки кишилик каравотга ўтирди.

— Ақлли қиз экансан, — деди эркак пичоқни ўқталган кўйи Оляга яқинлашиб.

— Керакмас! — деди қиз кўзидан ёши дув-дув оқиб.

— Керак! — деди Семён вишиллаб ва зарб билан пичоқни осмонга кўтарган эди:

— А-а-а! — дея бақриб юборган қиз бир думалаб тўшакнинг нариги бошига ўтиб кетди.

Семён бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Зўр бўлди! — деди у пичоқни орқасига отиб юбориб, — менга сенинг қилиқларинг ёқди. Агар қочмаганингда, сени чавақлаб ташлаган бўлардим. Энди кийимларингни кий-да, менинг ёнимга ўтир. Мен сен билан узоқ суҳбатлашмоқчиман.

Қиз тезда унинг айтганини бажарди. Семён қизнинг сочини силаганча анча вақт ўтирди. Сўнг:

— Эркаклар билан юрганмисан? — дея сўради Олядан.

Қиз бошини қимирлатиб “Ҳа” ишорасини қилди.

— Кўпи биланми?

— Йўқ, иккитаси билан. Бири мен тўққизинчида ўқиётганимда алдаб кўйган. Иккинчисини эса ёқтириб қолгандим, — деди қиз мунгли овозда.

— Ҳозир у қаерда?

— Билмайман. Бирданига йўқолиб қолди.

— Индамай қолавердингми?

— Нимаям қилардим? Катта шаҳарнинг қайси бурчагидан излайман уни?

— Менам йўқотиб кўйдим. Осонгина. Яна ўз қўлим билан, — деди энди Семён сўлиш олиб, — ўзимнинг аблаҳлигим сабаб бўлди ҳаммасига. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлиб тураркан. Оля, сен унинг ўрнини босоласанми?

— Билмадим, — деди қиз ерга қараб.

— Менга турмушга чиқсанг, биласанми, қандай яшайсан? Билмайсан.

— Орзуларим нима бўлади?

— Қанақа орзу? — деди кулиб Семён. — Орзуга бало борми? Ўзи нимани орзу қилгандинг?

— Актриса бўлишни. Ундан кейин модельер бўлардим.

— Агар мен бир марта куф-суф қилсам, бир ҳафтага қолмасдан Россия сени танийдиган бўлади.

— Ростданми?! — деди қувончи ичига сиғмай Оля.

— Лекин мен куф-суф қилмайман-да. Мен сендақаларга умуман ишонмайман-да. Мен Анжелага ишонардим. У кўчада тўғри келган одам “юр”, деса кетавермасди. Албатта, авваллари. Ҳозир бўлса уям кетади. Сен бўлсанг, ҳали йигирмага ҳам кирмасдан эркакларнинг олдига тушиб олиб югурясан. Айт, шу инсофданми? Инсофдан эмас. Сен югурмаслигинг керак эди. Сен мен юборган одамнинг юзига тупуришинг керак эди. Ўшанда мен сенга ишонган бўлардим. Севиб эркалардим. Афсус, энди ундай қилолмайман. Ҳаққим йўқ. Кўрдингми, дарров қанча гуноҳларга ботиб қолдинг! — деди Семён. У гапирган сайин асабийлашаётган, гаплари кескинлашаётган эди.

Худди об-ҳавога ўхшаб бирдан бир юз саксон даражага ўзгариб кетаётган эркакнинг муддаоси нима эканлигига Оля тушунмаётганди. Кўрқув уни яна ўз исканжасига олди.

— Энди кет, — деди Семён, — сен мен ўйлаган қизлардан эмас экансан.

Оля ўрнидан сакраб турди-да, шошилганча эшик томонга йўналди. У чиқиб кетгач, Семён чўзилиб ётди-да, Анжелани, уни илк бор учратганини хаёл сурди. Шу пайтгача у: “Биронта одамни ҳам севмайман”, дея ўйлар эди. Ҳозир эса ҳақиқатан ҳам Анжеласиз яшолмаслигига амин бўлди.

У орадан икки соат ўтиб пастга тушди. Тўртта йигитини чақириб, уларга зудлик билан Ўзбекис-

тонга учишларини ва Рустам билан Анжелани топишларини, ўша ёқнинг ўзидаёқ Анжелани ерга кўмишларини, Рустамни эса оёғини ерга теккизмасдан олиб келишларини буюрди.

\* \* \*

Бўрибой чол уйга кирганидан кейин юраги чим этди. У бирдан қўлини кўкраги устига қўйди. “Шу пайтгача, — дея хаёлидан ўтказди у, — чилаб келдинг. Энди ўйинингни бошладингми? Яна озгина шошмай тур. Мен боламни бир кўрай, кейин ишламай қолсанг ҳам майлига”. Унинг боши ҳам айлангандай бўлди. Шу боис, секин кўрпачага ўтирди. Ва ҳар эҳтимолга қарши, калимасини қайтарди.

Кампир чоли уйга кириб кетганидан кейин унинг орқасидан қараб қолган эди. Шу боис, у чолининг кўкрагини ушлаганча ўтираётганини дераза ойнаси орқали кўрди.

— Равшан! — дея бирдан бақирди ўзининг уйи томон кетаётган ўғлига, — чоп, отангнинг орқасидан бор. Бир нима бўп қолганга ўхшайди!

Равшан жойида тўхтаб, биров гарансиб турди-да, кейин отаси кирган уйга югурди. У уйга кириб борганида, Бўрибой чол кўкрагини ушлаганча шифтга қараб ётарди.

— Ота, сизга нима бўлди? — деди Равшан шошиб.

— Озгина, — деди Бўрибой чол, унинг овози ниҳоятда нимжон чиқди, — тобим қочганга ўхшайди. Дўхтир-пўхтир чақирмасанг бўлмайдиганга ўхшайди. Укангни кўрсам армоним йўқ эди.

Равшаннинг юраги орқасига тортиб кетди. У бирдан отасининг ёнига чўккалаб ўтирди.

— Ота, — деди кўрқа-писа, — ундай деманг. Сиз кўп яшайсиз ҳали. Невараларингизнинг тўйини кўрасиз.

— Равшан болам, кўзим етмай қолди. Сен бориб Маъруф дўхтирди айтиб кел, тезроқ бўл. Энангни бу ёққа айтиб юбор, — Бўрибой чол кўзини юмди.

Равшан урнидан турди-ю, ташқарига югурди. Ҳовлига чиқиши билан:

— Эна, Баҳром! — дея бақирди, — тезроқ отамди олдига киринглар! Мен дўхтирга бориб келай!

Кутилмаган шовқинни эшитган кенжа ўғил Баҳром, унинг хотини, Равшаннинг бола-чақаси ҳовлига югуриб чиқишди. Ҳамма гарансиб қолганди. Нима рўй бераётганлигини билмасдан гаранг эдилар улар. Энасининг шошганча ҳассасига суяниб уйга кетаётганини кўрган Баҳром:

— Нима бўлди, эна? — дея сўради ваҳимадан қора-чиқлари кенгайиб.

— Отанг, отангнинг олдига чоп! — деди кампир ўғлига қарамасдан ҳам.

Ака-уканинг хотинлари бирпасда ҳовлида шунчалик шовқин қилиб юборишдики, ҳатто кўшнилар ҳам: “Нима бўлаяптийкин?” деган ўйда югуриб келишди.

Равшан Маъруф дўхтирни бошлаб келганида Бўрибой чол оғир нафас олмоқда эди. Дўхтир унга кетма-кет иккита укол қилди. Шундан сўнг чол бироз тинчланди.

— Отангни тез касалхонага обормаса бўмайди, — деди дўхтир ҳовлига чиққанидан кейин Равшанга, — мен вақтинчалик таъсир кўрсатадиган укол қилдим. Агар ҳозирдан ҳаракатингни қилсанг, дўхтирхонага оборишга улгурасан.

Равшан нажот излаб атрофига қаради. Шовқинни эшитиб югуриб чиққан учта кўшнида ҳам машина бор эди. Ҳатто биттаси яқингинада яп-янги “Тико” сотиб олганди. Улар дўхтирнинг гапини эшитиб бирдан тескари ўгирилишди. Маъруф дўхтир қараса, аҳвол чатоқ. Улар Равшаннинг айтганини қилади-ганга ўхшамайди.

— Мавлон ака, — деди Маъруф дўхтир айнан Равшаннинг “Тико”си бор кўшнисига, — ака, ёрдам қилиб юбормасангиз бўлмайди.

— Мен жоним билан оборардим-у, бензиним сал чатоқроқ-да, — деди кўшни афтини бужмайтириб.

— Келинингиз, — деди Маъруф дўхтир бўш келмасдан, — бугун неварангизни оборувди. Анча маза-си йўқ экан. Иложим йўғиди, лекин қарадим, ўзимнинг ёнимдан укол қилдим. Ҳали яна иккита уколи турибди. Қиммат турадиган ноёб доридан укол қилиш керак. У дори шаҳарда фақат битта одамда бор. Унинг уйини фақат мен биламан. Ўйлаб қарасам, шаҳарга тушишга вақтим бўлмайдиганга ўхшайди.

Мавлон аканинг бирдан ранги оқариб кетди. Зеро, у ҳақиқатан ҳам набираси касаллигини биларди.

— Майли, — деди у бирдан, — йўлда бензиннинг бир иложини қилармиз.

Бўрибой чолни олиб кетишганларидан кейин кампир келинларини чақириб роса қарғади.

— Бир жой ўт олиб кетгандай нимага ваҳима қиласанлар?! Касал бўлмаган одам бормикин?! Иссиқ жоннинг иситмаси чиқади-да. Бутун қишлоқни бошларингга кўтардиларинглар-а сенлар!.. Ёки қайнатангларнинг ўлишини хоҳлаб қолдиларингма?!

Келинлар қайнонанинг гапларини бошларини эгиб эшитишди. Шундан сўнг иккаласи ҳам висир-висир қилишиб, уй-уйига кириб кетипди.

\* \* \*

Милиция бўлинмасига борганларидан кейин Рустам: “Тағин булар ҳар хил шубҳа-гумонларга бориб ўтирмасин, меҳмонхона директорига ўхшаб”, — деган ўйда ҳамма гапни рўй-рост айтди. Меҳмонхона таржимони унинг оғзидан чиққан гапларни оқизмай-томизмай ўзбек тилига ўгиргандан кейин бошқарма бошлигининг ҳайрати ошиб кетди.

— Наҳотки, — деди у бошини сарак-сарак қилиб, — шунақасиям бўлса?! Ёш боланинг бир ўзи Америкадай жойда миллиардерга айланиб кетиши фантастика-ку! Бу йигит ҳақида китоб ёзиш керак.

Ўз ўрнида милиция капитанининг гапларини таржимоннинг оғзидан эшитган Рустам таажжубланди.



— Агар одам истаса, ҳамма нарсани қилиши мумкин. Бунинг учун чексиз хоҳиш бўлиши керак, — деди у. — Лекин ҳозир менга қандай қилиб миллиардерга айланиб қолганим эмас, балки ота-онамни топишим муҳимроқ.

— Албатта, — деди бошқарма бошлиғи, — ёрдам берамиз. Лекин орадан анча вақт ўтиб кетган, шунинг учун маълум муддат кутишга тўғри келади. Биз архивларни бирма-бир титкилаб чиқайлик аввал. Бунга камида бир ҳафта кетади.

— Ундан тезроқ қилишнинг иложи йўқми? — дея сўради Анжела.

— Афсуски, имкони бўлганда, ҳозирнинг ўзидаёқ муаммоларингни ҳал қилиб берардик, — деди капитан.

— Топилмаслиги ҳам мумкинми? — дея сўради Рустам ташқарига чиққанларидан кейин Анжеладан.

— Йўқ, топилади. Агар сен ҳақиқатан ҳам шу ерда туғилган бўлсанг. Чунки ота-онанг сен йўқолиб қолганингаёқ милицияга хабар қилишган. Фақат боя капитан айтганидек, вақт керак, холос.

Улар меҳмонхонага қайтиб боришди. Рустам ўрнига ётиб олди. Унинг ичини қандайдир ҳаяжон кемирмоқда эди.

— Сенга чой олиб келдим, — деб қолди бир маҳал Анжела.

— Мен сенинг ташқарига чиқиб кетганингни билмай қолибман, — деди Рустам ва ўрнидан туриб ўтирди.

— Биласанми? — деди Анжела ўйланиб, — сенга бир хабар бор. Буни сен қандай қабул қилишингни билмайман. Лекин мен шундай бўлишини анча вақтдан бери кутган эдим.

— Хабаринг шунчалик жиддийми? Бирдан маъюс тортиб қолдинг, — деди Рустам жилмайиб.

— Жиддийми, жиддиймасми, буниси ҳам сенга боғлиқ.

— Аввал айт, билайлик. Жиддийми, бошқами, бир гап бўлар.

— Мен ҳомиладорман.

— Ни-ма?! — деди ҳайратдан кўзи чақчайиб кетган Рустам. — Қанақа қилиб?

— Оддий. Қорнимдаги боланинг отаси сенсан.

— Ахир...

— Ҳеч қанақанги ахирга ўрин йўқ... Биламан, сен учун бунинг асло қўрқинчли жойи йўқ, лекин истамасанг... Шуни билмоқчиман, — деди Анжела. Унинг кўзидан ёш сизиб чиқди.

— Нега энди? — деди Рустам ўрнидан туриб Анжеллага яқинлашар экан, — нима бўлган тақдирдаям бус-бутун одам дунёга келади. Бу фақатгина шодлик келтириши мумкин. Бошқа ҳамма нарса бекор.

Анжеланинг юзида табассум пайдо бўлди. У кўзидаги ёшини артганча Рустамнинг қучоғига кирди.

— Мен бахтлиман, — деди у, — севган одамимдан бола ортгирдим.

— Бахт фақат сеники эмас, у менга ҳам тегишли.

— Ростданми?! — дея Анжела Рустамнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди-да, юз-кўзидан ўпишга тушиб кетди.

— Бундай хушxabарни ювмаслик гуноҳ. Ҳозир мен ҳамма нарсани тайёр қиламан. Сен шу ерда ўтира тур, — дея Рустам шошилиб чиқиб кетди. У ресторанга бориб, базм учун керакли нарсаларни буюргач, иккита шампан виносини очди-да, ходимларнинг: “Бизга мумкинмас”, деганларига ҳам қарамасдан уларга ичирди. Кейин ташқарига чиқиб, такси тутди. Ундан қаердан гул топиш мумкинлигини сўраган эди, у ҳеч вақони тушунмади. Шунда Рустам атрофига аланглаб, меҳмонхона адоғида ўсиб очилиб ётган атиргулларга кўзи тушиб қолди ҳамда таксичига “Бай-бай”, дея қўлини силтади-да, югуриб бориб гуллардан уч донасини узиб олди. Ва меҳмонхона томон чопди.

— Менга албатта ўгил туғиб берасан! — деди Рус-

там тошойна олдида ўзига оро бераётган Анжеланинг орқасидан кучиб ва янги узилган атиргулни унга тутди.

Кувончдан ўрнидан туриб кетган Анжела Рустамни маҳкам кучоқлаб олди.

— Мен сени бунчалик шод бўлади, деб ҳечам ўйламагандим! — деди у.

Ўша куни улар ҳақиқий байрам уюштиришди. Рустам ўзларининг хонасидаги столнинг безатилишига қаноат ҳосил қилмасдан, ресторанда меҳмонхонада яшовчиларнинг ҳаммасига байрам қилиб берди.

— Рустам, — деди кечаси Анжела, — сенга кўп нарсани айтиб беришим керак.

Рустам у томонга ўгирилди-да, “Нимани айтмоқчисан?” мазмунида қаради.

— Нима сабабдан Россияга келганингни биласанми?

— Тадбиркорлик мақсадида, — деди Рустам Анжеланинг бунақа саволига ҳайрон бўлиб.

— Тўғри, сенинг мақсадинг тадбиркорлик билан шуғулланиш бўлган. Бошқалар эса бошқача ўйлашган. Яъни, Семён.

— Хўш, Семён нима ҳақида ўйлаган экан? — деди баттар ҳайрати ошган Рустам.

— У сенинг ҳамма пулингга эга чиқиш мақсадида сени Россияга таклиф қилган.

Бу гапдан кейин Рустам бирдан ўрнидан туриб кетди.

— Қандай қилиб? — деди у ғазаби келиб.

— Менинг у билан орани очиқ қилмоқчи бўлганим шунчаки саҳна эди, — деди Анжела кўзидан оқаётган ёшга эътибор ҳам қилмай.

— Очиқроқ гапирсанг-чи.

— Хуллас, у менга, сени қўлга тушириш учун вақтинчалик ўзи билан ажрашишимни, ишончингни оқлашимни ва ниҳоят сенга турмушга чиқишимни буюрганди.

— Ундан кейин-чи?

— Ундан кейин у сени ўлдиарди. Ёлғиз меросхўринг мен бўлардим. Ҳамма мол-мулкингни ўзимнинг номимга ўтказиб олганимдан кейин қайтадан унга турмушга чиқардим. Оқибатда, пулларингнинг бари унинг қўлига ўтиб қолар эди.

— Тушунарли, — деди Рустам ва музлаткичнинг ёнига бориб ароқ шишасини олди-да, қулқиллатиб қадаҳга қуйди ва уни бир кўтаришда бўшатди, — мақсадларингга бир қадам қолганида нега булардан мени огоҳ қилдинг? — дея у лабини қўли билан артди.

— Мен сени биринчи кўрганимдаёқ севиб қолгандим. Шу боисдан ҳам унинг таклифига рози бўлдим. Ҳамма айтганларини бекаму кўст бажардим. Мақсадим сенга етишиш эди, холос.

— Ундан кейин Семённинг ихтиёрига топширармидинг?

— Йўқ, йўқ! Сен билан Америкага кетиб қолардим, ишон менга, боламиз ҳаққи-ҳурмати! — дея Анжела қорнини ушлади.

— Боланинг мендан бўлганлигига ишончинг комилми? — дся сўради Рустам.

— Яқин бир ой ичида Семённинг ёнига ҳам йўлаган эмасман. Бу сенинг боланг. Фақат сен бунга оталик қилоласан!

— Буям навбатдаги ўйинлардан бири бўлмаслигига ким кафолат беролади? Эртага Семёнга бўлган хиёнат менга ҳам такрорланмайдими? — деди баттар ғазабланиб кетган Рустам.

— Мен сенга ҳеч қачон хиёнат қилмайман. Мен Семённи умуман севмаганман. Агар сен учрамаганинга қалбимда муҳаббат туйғулари уйғонмасдан ўтиб кетган бўлардим.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Билмайман. Тақдирим сенинг қўлингда. Истасанг, ҳозирнинг ўзида ҳайдаб юбор. Истасанг, хотин қилиб ол!

Рустамнинг бутунлай боши қотиб қолган, нима

қиларини билмас, хонанинг ичида у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Анжеланинг ҳомиладорлигини эшитгандан кейин пайдо бўлган хурсандчиликдан асар ҳам қолмаган эди.

— Майли, — деди у чуқур хўрсиниш билан, — ҳозир бирон нима деёлмайман. Ишларимиз ҳал бўлаверсин-чи, ундан кейин ўйлаб кўраман.

— Рустам, илтимос, менга ишон. Мен сенинг қулинг бўлишга ҳам тайёрман.

— Айтдим-ку, ҳамма нарсани кейин гаплашиб оламиз, унгача ўйлаб кўришим керак.

Улар эртасига ҳам, ундан кейин ҳам бир-бири билан аввалгидек яқин бўлишолмади. Анжела Рустамни олдингидек эрталаб уйғониши билан ўпиб қўяр, уст-бошини бир сидра кўрикдан ўтказар эди. Аммо Рустам ўзини олиб қочарди. Ётганларида ҳам Анжеланинг яқинига йўламасди.

Ниҳоят орадан тўрт кун ўтганидан кейин милиция бошқармаси бошлиғи табассум билан уларни қидириб келди. Рустам уни кўриши билан қувониб кетди. Зеро, табассум ортида хушxabар ётар эди.

— Табриклайман, — деди капитан Рустамнинг қўлини маҳкам сиқиб, — ота-онангиз топилди.

Унинг нима деганлигини билиш мақсадида капитан билан бирга келган таржимонга қаради. У ўта бир юмшоқлик, худди америкаликлардек табассум билан бошқарма бошлигининг гапини таржима қилди.

— Ура! — деганча Рустам ўзини осмонга отди. Хурсандчилигидан капитанни кучоқлади. Сўнгра Анжелани ўпди.

— Кетдик! — деди у ҳайқириб, — ҳозироқ борамиз. Ортиқ бир дақиқа ҳам кутмаймиз.

— Ташқарида машина кутиб турибди, — деди капитан.

— Анжела, нега қараб турибсан?! Тезроқ кийинмайсанми?!

Ташқаридаги милиция машинасини кўрганидан кейин Рустам таржимонга қараб:

— Полиция машинасида бормаймиз, — деди.

Унинг гапини таржимон орқали тушунган бошқарма бошлиғи кулди. Ва таржимонга:

— Айтиб қўйинг, бу машинада йўли анча яқинроқ бўлади, — деди.

Улар машинага ўтираётганларида Анжела ўзига таниш бўлган иккита йигит қараб турганлигини пайқайди. Кузатаётганларни яхшилаб кўриб олиш учун шунча ҳаракат қилмасин, имкони бўлмади. Машина тезлашиб кетди. Бирдан жувоннинг кўнглига гулгула оралади. У кўчаларни томоша қилиб кетаётганга ўхшарди-ю, бироқ хаёлида анави икки нусха эди. “Наҳотки, — дея ўйлар эди у, — Семён бизнинг ортимиздан одам юборган бўлса? Демак, у менга бутунлай ишонмай қўйган... Ишончини Москванинг ўзидаёқ йўқотгани кўриниб турганди... Балки анави йигитлар шунчаки кўзимга таниш туйилгандир. Ахир одам одамга ўхшайди-ку... Рустамга айтсамми? Йўқ, яхшиси, айтмаганим маъқул. Шундай кайфиятини бузиб қўяман”. Елиб бораётган машина деразасидан Рустам ташқарини кузатиб борар, ўзини қизиқтирган нарсаларни ора-чора таржимондан сўраб қўярди.

Ярим соатга яқин вақт ўтганидан кейин уларнинг машинасини қоп-қора “Мерседес” кувиб ўтди.

— Жа ўпкаси йўқ одамга ўхшайди, — деди ҳайдовчи унинг ортидан қараркан.

— Бир жойга бориб қарсиллатиб уради, ундан кейин ўпкаси жойига тушади-да, — деди унинг ёнида кетаётган таржимон.

Бу машинани кўрган Анжеланинг эса юраги шигитиб кетди. “Боягилар ортимиздан тушганга ўхшайди”, дея ўйлади у ва Рустамга қараб қўйди.

Рустам унинг безовталигини дарров сезиб:

— Тинчликми? — дея сўради.

— Тинчлик, — деди Анжела жилмайиб, — бироз кўнглим айнигандай бўлди.

— Машинани тўхтатсинми?

— Йўқ, жойига тушди. Ҳозир ойнани бироз очиб оламан. Ундан ҳам яхши бўлиб кетади, — деди Анжела.

\* \* \*

Семён Ўзбекистондан кўнғироқ бўлишини кутаётганди. Шу боис жажжигина қўл телефонини маҳкам сиқимлаганча уйини таъмирлаётган усталарнинг ишини кузатаётган кишидай ҳовлида у ёқдан-бу ёққа бемақсад юрар эди.

Ниҳоят, телефон жиринглади. Семён шошиб қолганидан, ким кўнғироқ қилаётганлигига ҳам қарамасдан, телефон тугмачасини босиб, қулоғига тутди.

— Бизнинг биродаримиз соғ-саломатмилар? — деган овоз келди телефондан.

Бу Вадим эди. Семённинг афти буришди.

— Сен ҳол сўрамасанг, бошқа сўрайдиган қолмади. Ўтирибман ўзимнинг ёгимга ўзим қоврилиб. Соғлиқ бўлса... шугина ҳозирча панд бераётгани йўқ, — деди Семён чуқур хўрсиниб.

Семён бу гапларни атайлабдан азбароёи Вадимнинг ўзига нисбатан муносабатини аниқлаб олиш мақсадида айтди.

— Арзимаган нарсага бошингни оғритиб нима қиласан, ундан кўра, менинг дачамга кел. Бир айи қиламиз. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан, — деди қувноқ овозда Вадим.

“Жа хурсанд кўринади. Бунинг тагида бир гап бор. Олдига борсам, у мени ерга уриб мақтанadi ёки ишимга бошини суқади. Ахир Рустамнинг қай даражада бой эканлиги унга ҳам маълум. Шунча бойликни кўрган олғир қуруқ тамшаниш билан чекланиб қолмаса керак. Албатта, у ҳам ниманидир ниёт қилган бўлиши тайин. Вой, айёр-эй, келиб-келиб мени лақиллатмоқчимисан ҳали! Чучварани хом са-

иабсан. Мен баъзи бировларга ўхшаб оғзидаги ошини олдириб қўядиган аҳмоқ эмасман”, дея хаёлидан ўтказди Семён.

— Вадим, боролмасам керак. Баъзи ишларим бор. Шуларни охиригача етказмай туриб, бирон жойга чиқолмайман.

Вадим Семённинг гапидан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди-да:

— Қизиқсан-а, бир хил пайтлари сени умуман тушунмай қоламан, — деди кўтаринки оҳангда. — Нима қиласан кераксиз нарсаларга бошингни огритиб? Ўша ишларингни телефон орқали бажарсанг ҳам бўлади-ку. Мундоқ соғлигингни ҳам ўйласангчи. Сенга мен дўстман. Демак, соғлигинг тўғрисида қайғуришим шарт. Гап шу, бугун кечга менинг дачамга етиб кел!

Шундай дея Вадим телефонини ўчириб қўйди.

— Жа ҳозир кўнглимга маишат сигади-да, — деди Семён ўзига-ўзи.

Орадан бироз вақт ўтиб, яна телефон “сайраб” қолди. Бу сафар у аввал ким кўнғироқ қилаётганига қаради. Ўзи неча соатдан бери интиқ бўлиб кутаётган рақамлар телефонида ёзилганини кўриб, бирдан юзи ёришди.

— Хўжайин, — деган таниш овоз келди телефондан, — биз улар яшаётган меҳмонхонани топдик. Ўзларини ҳам кўрдик. Нима қилайлик, ишни бирдан бошлайверайликми?

— Вазиятга қаранглар, агар иш бошлаш имкони бўлса, тезроқ ҳамма нарсани ҳал қилиб, ортларингга қайтинглар. Агар вазият қалтис бўлса, кутинглар. Аммо уларни бир дақиқа бўлсин, кўздан қочирманглар, — дея кўрсатма берди Семён.

У хурсанд бўлганидан, хизматкор аёлга пиво олиб келишни буюрди.

Бир қулгум тахир суюқликдан ичганидан кейин: “Вадимнинг олдига ҳақиқатан ҳам боришим керакка ўхшайди. Нима деган тақдирлаям, мен унинг гапига



кулоқ соладиган одаммасман-у, лекин сал кўнгилни ёзиб келганим қолади. Баҳонада Анжела бироз ёлимдан кўтарилади”, деган қарорга келди у. Сўнг икки йигитига машинани тайёрлашни буюриб, ўзи кийиши учун хонасига кириб кетди.

Кутилган пайтдан анча барвақт Семённинг кириб келиши Вадимни таажжублантирди. Лекин у буни билдирмаслик учун, дўстини кучоқ очиб кутиб олди.

— Ўзинг ўлиб ўтирган экансан-у, яна менга ноз қилишингга ўлайинми, демоқчимисан? — деди Семён қадрдонини бағрига босиб. — Агар шундай десанг, минг карра ҳақ бўлиб чиқасан. Уйда гарангсиб нима қиларимни билмай ўтирган эдим. Ўзиям кўнглимдаги гапни топиб айтдинг.

— Келганингдан хурсандман. Асабий ишлаганидан кейин одам дам ҳам олиши керак-да. Қачонгача мияни эговлашдан нарига ўтмаймиз. Қани, столга юр. Сен учун алоҳида тайёргарлик қилиб қўйибман.

Улар олдиндан махсус ҳозирлаб қўйилган стол атрофига ўтирганларидан кейин оёқлари узун, деярли қип-яланғоч иккита қиз ниҳоятда ноз билан қалам ташлаб келишди-да, икки эркакнинг ёнгинасига ўтиришиб, бараварига уларнинг юзларидан ўпишди.

— Кириш қисми даҳшат, давоми ўлдириб ташласа керак! — дея хандон отиб кулди Семён.

— Махсус тайёрланган, сенинг ташрифинг шарафига! — деди мийиғида кулиб Вадим.

— Ол-а! Мен ким бўлибманки, ташриф буюрсам. Мен келаман. Кичкина одамлар ҳар доим келишга маҳкум.

— Камтарлик қилма, сенинг ҳам фақат ўзинггагина бўйсунадиган давлатинг бор.

— Қўй бунақа сафсаталарни, менинг давлат-павлатга алоқам йўқ. Ундан кўра ароқдан қуй, манави офатижонлар билан бир маишат қилайлик, — дея Семён ёнидаги оппоққина, сариқ сочли гўзалнинг лабидан бўса олди. — Воҳ, воҳ. Мазасини қара. Ўткирлигидан лабинг куйиб кетади-я.

Вадим Семёнга ароқ қуйиб узатди-да, атрофга бир аланглаб олди. Уни озгина ҳаяжон босаётган эди. Бироқ буни Семён сезмас, у ёнидаги қизнинг исмини аниқлаш билан овора эди. Шу боис қадаҳни олди-да, столга қуйиб қўйди. Вадим ўзига ҳам ароқ қуйгач:

— Қани, олдик, мана шу гўзаллар учун ичамиз. Улар бор экан, ҳаётимиз мунаввар, — деди жилмайишга уриниб.

— Буларга-чи? — деди Семён қизларни кўрсатиб. — Биз ичамиз-у, булар тамшаниб тураверишадими? Йўқ, бунақаси кетмайди, манавини ол, Вадим қурумсоқлик қилгани билан, менинг бағрим кенг, — деб у қўлидаги қадаҳни ёнидаги сулувга узатди. Қиз Вадимга қараб қўйди. Худди шу лаҳзада эркак унга “олма”, дегандек бошини чайқлади.

— Йўқ, йўқ, — деди қиз ноз билан, — ҳар ким ўзининг насибасини ичсин. Менга Вадим бошқа қуйиб беради. Ундан кейин, мен шампан виносини кўпроқ ёқтираман.

Семённинг бирдан қайсарлиги тутиб кетди.

— Шу пайтгача ҳеч ким менинг қўлимни қайтармаган. Аввал мен узатган ароқни ичасан, кейин шампан виносидан ўзим қуйиб бераман, — деди у.

Ноилож қолган қиз унинг қўлидаги қадаҳни олди. Вадим Семёнга бошқа қадаҳга ароқ қуйиб узатди-да, ёнида ўзига суйкалиб ўтирган Танянинг сонини силаш баҳонасида унинг липпасига қистирилган тўппончани ушлаб қўйди.

— Унда бараварига кўтарайлик. Томоғам тақиллаб кетди, — дея таклиф қилди Вадим.

Семён бир кўтаришда қадаҳини бўшатди. Вадим билан Таня ҳам шундай қилишди, аммо Семённинг ёнидаги Ира ҳеч кимга билдирмасдан қадаҳидаги ароқни пастга тўкиб юборди-да, газакка қўл узатди.

Базм борган сари қизий бошлади, бунга сайин Вадим асабийлашиб бораверди. Шу боисдан ҳам, гарчи ҳаво унчалик иссиқ бўлмаса-да, фарқ терга

ботди. Шундан кейингина Семён ундаги ўзгаришга эътибор қилди.

— Сенга нима бўлаяпти, оғайни, жиққа терга ботиб кетдинг? Ёки ёнингдаги офатижоннинг тафти шунчалик баландми? — деди бошқа нарсани хаёлига келтирмаган Семён.

— Ҳозир сенинг ёнингга ўтса, сенам сувга тушган мушукдай бўлиб қоласан, — деди Вадим ноқулайликдан осонлик билан чиқиб кетганидан хурсанд бўлиб, ёнидаги сулувга ишора қиларкан.

— Қани, Таняхон, бизни ҳам бир куйдириб ташла-чи, — деди кулиб Семён.

Таня Вадимнинг лабидан бўса олди-да, ўрнидан туриб келиб Семённи ҳам ўпди. Икки жувон икки томонидан қучоқлаб, вужудини оҳиста сийпалай бошлагач, бутунлай ҳирсга берилган Семён:

— Ресторанингнинг алоҳида хонаси йўқми? — деди Вадимга қарата.

— Бўлганда қандоқ, — деб Вадим ортига бурилди-да, йигитларидан бирини ёнига чақириб, тезда бассейнни тайёрлашларини буюрди.

Унинг гапини эшитиб Семён бурнини жийирди:

— Барака топгур, бассейнга улгурамиз, аввал нафсни қондириб олайлик.

— Бассейн тайёр бўлгунча, бу “қушчалар” сени адои тамом қилишади. Қани, юринглар-чи, — дея Вадим ўрнидан турди.

Улар чақчақлашиб уй ичига киришди. Вадим иккинчи қаватдаги эшиги кўриниб турган хонани кўрсатди-да:

— Шу ерга чиқинглар, — деди. Бу хонани қизлар яхши билишарди, бироқ Семён илк мартаба кўриши эди.

Семён ўзи айтганидай, нафсини қондириб чиқунча бир соатдан мўлроқ вақт ўтди. Шундан сўнг улар бассейнга киришди. Бу ерда ҳам усти турли хил тансиқ таомлардан тортиб ичкиликларгача тўлдирилган стол бор эди. Шу ерда Вадим мақсадига етди.

У Семён сувга ўзини ташлаб, талай муддат сузиб чиққанидан кейин унинг қўлига ароқ тўла қадах тутқазди. Бу сафар Семён қалаҳини Иранинг қўлига тутқазмасдан, ҳар хил хаёлларга бормасдан, бир кўтаришда бўшатди-ю, бирдан ранги гезариб кетди. Кейин хириллаб томоғини ушлаганча қайтадан сувга қулади.

Вадим жасадга бироз қараб турди-да, кейин йигитларини чақириб, уни сувдан чиқариб олиб, ўрмоннинг ичига кўмиб ташлашни, унгача Семённинг ўзи билан бирга келган одамларини бир ёқли қилишни буюрди. Ўзи эса қизлар билан ишрат қилиш учун иккинчи қаватга кўтарилди.

Соат тунги ўн иккиларга яқинлашиб қолганида, Семённинг уй қоровули хўжайиннинг машинасини кўриб, дарвозани очди. Ҳовлига кириб келган машинанинг ичидан Семён тушмагач, келгувчиларга хайрон бўлиб қараб турганида, Вадимнинг икки йигити унга бирдан тўппончаларини ўқталиб:

— Жойингдан қимирласанг ўлдирамыз! — дейишди.

Вадим эгасиз қолган уйга худди ўзининг уйига киргандай бемалол кириб борди. Тансоқчилар рухсатсиз кириб келаётган одамни тўхтатмоқчи бўлиб, унинг олдига чиқишди-ю, Вадимнинг орқасидан келаётган йигитларнинг қўлларидаги тўппончаларини кўриб, бирдан жойларида тўхташди.

— Афсус, — деди диванга бориб ўтирган Вадим, — бахтсиз ҳодиса туфайли Семён оламдан кўз юмди. Ўлаётиб, уйга эгалик қилишни менга васият қилиб кетди. Сизлар ҳам васиятга тўлиқ амал қилиб, менинг йигитларим қаторига қўшилишларинг керак. Йўқса, васиятни бузган одамни мен кечирмайман!

Семённинг тансоқчилари вазиятни тезда англаб етишди ва Вадимнинг оёғига бош уришиб, умрбод унинг хизматини қилишларини айтишди. Бироқ Вадим бунга қаноат қилмай, уларнинг ҳар бирларига қасам ичирди. Шундан кейин уларнинг ҳаммасини

ташқарига чиқариб юбориб, Семённинг қўл телефони текшира бошлади. У истаган рақамлар тезда топилди. Вадим мийиғида кулиб, “Ҳаммаси бунчалик тез битишини ўйламаган эдим. Биронта йўқотишсиз эришдим-а”, дея хаёлидан ўтказиб, охири марта Семёнга қилинган кўнғироқнинг рақамларини шимининг орқа чўнтагидан кичкинагина дафтарча олиб ёзиб қўйди. Кейин Эдуарднинг телефон рақамини терди.

— Тушингда мени кўрдингми, нима бало? — деди у бемаҳал телефон қилган Вадимнинг овозини эшитганидан кейин норози бўлиб.

— Ҳа, сен тушимга кирдинг. Ҳозир тез кийиниб, инингдан чиқиб тур, сени йигитларим олиб кетишади, — деди Вадим.

— Қаёққа? — деди ҳайрон бўлган Эдуард.

— Кўрқма, нариги дунёгамас. Менинг ёнимга, — деди кулиб Вадим ва телефонни ўчирди.

Дўсти етиб келгунча Вадим Семённинг уйидаги ҳамма хоналарни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Сўнг бирдан унинг хаёлига: “Бойликларини қаерга яширдийкин?” — деган ўй келиб қолди ва хоналарни бөцқатдан синчиклаб кузатиб чиқа бошлади.

Эдуард етиб келганида бойлик қидиравериш нихоятда ҳолдан тойган Вадим диванга ўтирганча пиво ичар эди.

— Ҳа-а, бировнинг уйида жа ўзингдан кетиб ўтирибсан, — деди Эдуард кириб келиши билан.

— Буям энди ўзимнинг уйим, — дея ўрнидан туриб дўстининг истиқболига чиқди Вадим.

— Сенга қолса, кўзингга яхши кўринган уйлارнинг ҳаммасини ўзингники қилиб олсанг, — деди кулиб Эдуард. Улар кучоқлашиб кўришиб, диванга ёнма-ён ўтиришганидан кейин Вадим йигитларига Эдуардга ҳам пиво олиб келишларини буюрди.

— Дўстим, — деди Вадим Эдуарднинг елкасига қўлини қўйиб, — ҳамма ишни тугатдим. Ўйлаган

режаларимнинг ҳаммаси тез ва осонгина амалга ошди.

— Нималар деяпсан? — дея сўради ҳайрон бўлган Эдуард.

Вадим жавоб беришга шошилмасдан, стол устига қўйган пивонинг шишасини қўлига олиб, қадаҳга ҳам қуйишга сабри етмасдан, бирдан шишанинг ўзи билан кўтарганча беш-олти қултум ичди. Шундан кейингина қилган ишларини бирма-бир гапириб берди.

— Ҳамма ёқни расво қилибсан! — дея бирдан бақариб юборди Эдуард.

— Нега? — деди ҳайрон бўлган Вадим.

— Ҳеч биронта иш қилишингдан олдин ўйлайсанми, ўзи?! — дея багтар тутақди Эдуард.

— Нима, мени бугунлай калласиз одам деб ўйла-япсанми? — деди хафа бўлган Вадим.

— Ҳа, сенинг калланг умуман ишламайди. Қилма деган ишларни ҳам ўзбошимчалик билан қилиб келасан. Энди бугун дунёга жар сол, мен шундай ишни дўндириб қўйдим, деб!

Вадим аччиқланганидан сигарета олиб тутатди ва бироз ўйланиб туриб, ҳамон асабийлашганча бармоқларини қайириб-қарсиллатиб ўтирган Эдуардга қараб:

— Нима қил дейсан? — дея сўради.

Эдуард унинг кўзига икки-уч сония тикилиб тургач, эшик ёнида ҳайкалдек қотиб турган Вадимнинг йигитига қараб:

— Ҳов гўрсўхта, бор, ташқарига чиқиб сигарет-пигарет чекиб кел, — деди.

Йигит Вадимга “чиқайинми, йўқми?” мазмунида қаради. Ва хўжайинининг қўл силтаб “кет” ишорасини қилганини кўргач, орқасига бурилди-ю, чиқиб кетди.

— Мен сенга ҳамма ишни бир ўзинг қил, дегандим. Ёнингда ўзингнинг йигитларингдан ҳам биронтаси бўлмасин дегандим. Сен бўлсанг ҳамманинг,

ҳатто иккита манжалақининг олдида ўлдирибсан уни... Бўпти, қилғиликни қилиб қўйибсан. Энди шу оқшомнинг ўзида орқангни ёпишинг керак. Бўлма-са, эртага қилган ишингдан бутун шаҳар хабар топади. Ундан кейин ўзингга қилиниши мумкин бўлган ҳужумларни кутиб ётавер. Чунки Семённи ўлдирганингни эшитган бошқа “авторитет”лар қўлини қовуштириб, “Вадим энди қайси биримизни мўлжалга олар экан?” — деб ўтиришмайди.

— Қанақа қилиб ёпишим керак? — деди Вадим дўстининг гапидан ўйга чўмиб.

— Қилган ишингга ким гувоҳ бўлган бўлса, ҳаммасининг баҳридан ўтасан.

— Эсинг жойидами?! — дея бирдан ўрnidан туриб кетди Вадим.

\* \* \*

Равшан эрталабга яқин уйига кириб келди. Гоҳ ухлаб, гоҳ уйғониб, тонг отгирган кампир ўғлини кўриши билан чорпоядан тушишга ҳаракат қила бошлади. Аммо ҳали калишини кийишга улгурмасидан Равшан унинг ёнига етиб келиб, чорпояга ўтирганча чуқур “уфф” тортди.

— Отанг яхшима? — дея сўради кампир ўғлига қараб.

— Яхши.

— Уканг отангнинг олдида қолдима?

— Ҳа.

— Нимага бунча сўлийсан? — деди ўғлининг ланж аҳволидан жаҳди чиққан кампир.

— Чарчадим-да, эна, оқшомминан ухламай чиқдим. Дори излаб уйма-уй юрдим, — деди Равшан энасининг гапидан норози бўлиб.

— Хомсилар-да, хом. Бир оқшом юриб чиққанларингга келиб менинг бошимни ёрасизлар. Юрган бўлсанг, отанг учун юрибсан. Шу бечора чол сизларди одам қиламан деб вақтида кечаю кундуз чопган. Энди касал бўп қолганида кунига ярамасаларинг, нима керакларинг бор?

— Уфф, қизиқсиз-а, эна, биров сизга югурмайман, қимайман, деяптими? Дарров ловуллайсиз. Чарчадим, дедим. Ҳали бошқа гапни оғзимга олганим йўқ. Шунга шунча!

— Майли, болам, — дея бирдан ҳовуридан тушди кампир, — чарчасангам қайтасан, отанг-да. Дўхтирлар нима деди ўзи?

— Борганимиздан битта укол қилишди. Кейин менга икки хил дорини ёзиб бериб, “Ҳозироқ шуни топиб келмасанг бўлмайди”, дейишди. “Ярим оқшомда бу дориларни қаердан топаман?” дедим мен. Шундан кейин улар беш-олтита аптекачининг адресини беришди. Мен уларнинг уйига биттама-битта кириб чиқдим. Битта дорини топдим. Иккинчиси йўқ экан. Қайтиб келиб дўхтирларга ялиниб-ёлвориб ўзларидан ишлатиб туришни илтимос қилдим. Падарингга лаънатларнинг ўзларида боракан. Одамди сарсон қилмасаям бўлайкан. Пулни олди-да, дарров укол қилиб ташлади. Шундан кейин отам тинчгина ухлади.

— Дўхтирларга ишинг тушмасин, болам. Шуминан яхши бўп кетса қани? Хотининг ҳалиям уйқудан калла кўтаргани йўқ. Уйингга кир-да, уни уйғотиб юбориб, ўзинг пича дамингни ол. Мен овқат-повқат қилдирай. Кейин обориб бериб келасан, — деди кампир.

— Қанақа дам? — деди Равшан. — Ҳозир анави тирриқ моллардан биттасини сотиб келишим керак. Ундан кейин шаҳарга бориб яна бир-иккита дори топиб келмасам бўлмайди. У дорилар ўзимизда йўғакан. Дўхтирлар шундай деди. Қолганларини шу ердан топсаям бўларкан. Манави рўйхатни қаранг.

Кампир гарчи саводсиз, бунинг устига, кўзи яхши ўтмасаям, ўгли берган қоғозни қўлига олиб қаради. Унда саккиз хил дори ажи-бужи ҳарфларда ёзилган эди.

— Ўҳ-хў, — деб юборди кампир, — шунча дори керак эканма?



— Ҳозирча шулар, қолганини кейин ёзиб бераймиш, — деди Равшан бошини қимирлатиб.

— Бугун бозор кунимас-ку, кимга сотасан сигирди? — дея сўради кампир тиришган башарасини баттар тириштириб.

— Мавлон аканинг олдига борай-чи. Кеча касалхонага кетаётганимизда ёрдам керак бўл қолса қараб турмаймиз, дегандай бўлувди, — деб Равшан оғри-ниб ўрнидан турди.

У энди уйига етганида, аввал оппоқ “Жигули”, унинг ортидан милиция машинаси уларнинг ҳовлиси томонга бурилиб тўхтади ва сигнал берди. Равшан эшикни очган кўйи тўхтаб, орқасига қаради. Иккита машинадан чамаси етти киши тушиб, уларнинг уйи томонга келаётганлигини кўриб, бирдан юраги шув этиб кетди. “Ишқилиб, отамга бир гап бўлган бўлмасин”, деган ўй яшин тезлигида унинг хаёлидан ўтди.

— Кимакан улар? — деди келаётганларга қараб турган кампир.

Равшан энасининг гапига жавоб бермасдан ечган ботинкасини қайтадан кийиб, меҳмонларга пешвоз чиқди. Бироқ келгувчилар Равшаннинг ўзларига яқинлашаётганларини кўрганидан кейин юришдан тўхташди. Кампирнинг эса юраги ҳаприқиб кетди. “Болам тушмагур бирон нимани бошлаб қўйганга ўхшайди. Менга айтмай яширган-да. Менимча, отасига дори топишга пули бўлмай бировникига ўғирликка тушганга ўхшайди. Бўлмаса, мелиса мошин эрталабдан нимага келади?” — дея ўйлади у.

Равшан машинадан тушган одамларнинг ёнига етиб борганидан кейин ҳаммаси билан қўл бериб кўришиб чиқди. Келган одамлардан бири маҳалла оқсоқоли экан.

— Анави машинада, — дея милиция машинасини кўрсатди оқсоқол, — иккита одам ўтирибди. Бирови эркак, иккинчиси аёл. Бориб кўр-чи, танийсанми-йўқми?

— Нима қиламан бориб кўриб? — деди ҳайрон бўлган Равшан.

— Сен бориб кўравер, нима қилишни кейин биласан, — дея жилмайди оқсоқол. Равшан истар-истамас машина томонга юра бошлади.

— Ҳов! — дея бақирди кампир ўтирган жойида. — Уни қаёққа опкетаяпсизлар?!

Келган одамлардан иккитаси кампирнинг ёнига келишди.

Равшан машинанинг ёнига етиб келиши билан ичкарида ўтирганларнинг иккаласи ҳам ташқарига чиқди. Жуда пўрим кийинган, сочи силлиқ таралган, бўйинбоғ таққан одам Равшан томон бир қадам юриб тўхтади. Унинг лаблари тинимсиз титрар, кўзидан ёш сизиб чиқмоқда эди. Равшан унинг йиғлашига ҳайрон бўлиб тикилганча қотиб қолди. У Равшан тушунмайдиган тилда алланималар деди. Равшаннинг ортидан тезда етиб келган таржимон:

— Сиз бу йигитни танияпсизми? — дея Равшандан сўради.

— Йўқ, — дея бош чайқади у.

Унинг гапини шу ондаёқ таржимон келгувчига таржима қилиб берди. Кўз ёши тинимсиз оқишни бошлаган одам яна бир нималар деб гапирди.

— Наҳотки танимаётган бўлсангиз? — деди таржимон.

— Кўзимга иссиқ кўринаяпти-ю, лекин бирон жойда кўришганимни эслолмаяпман. Нимага йиғлаяпти ўзи бу? — дея таржимонга қаради Равшан. Унинг гапини таржимондан эшитган келгувчи яна гапирди ва гапининг орасида Рустам деган исмни тилга олди.

— Ни-ма?! — деб бирдан бақириб юборди Равшан. — Бу Рустамми?!

Меҳмон кўксига урганча: “Рустам! Рустам!” деганча чўккалаб ўтириб қолди.

— Ука-ж-о-н!!! — дея ҳайқириб юборган Равшан Рустамни кучоқлаб олди-да, йиғлашга тушди.

Ёнига келган иккита одамнинг жуда узоқлардан

бошлаб гапираётган гапларини тинглаётган кампирнинг қулогига Равшаннинг “Укажон!” дея бақирган овози эшитилиб, ўтирган жойида бир қалқиб кетди. Кампир чорпоядан тушиш ниятида ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ қимирлай олмади. Титраб кетаверди.

— Ўзингизни босинг, момо, ҳаммаси яхши, ўглингиз келди. Соппа-соғ, фақат сиз ўзингизни босинг... — дея кампир бир нарса бўлиб қолмасин деб уни ҳаяжонланишдан тўхтатишга ҳаракат қила бошлади икки меҳмон. Дабдурустандан пайдо бўлган шовқинни эшитган келинлар ҳам бирин-кетин уйдан чиқиб келишди.

Беш дақиқалар укасини қучоқлаб турган Равшан ниҳоят уни бағридан бўшатди-да, уйга етаклай бошлади.

— Юр, укажон. Энамни кўр, энам сени кўзи тўрт бўлиб кутавериб адойи тамом бўлаёзди. Юр, ука!.. Укажон! — дерди у. Унинг гапларини Рустам тушунмаса-да, акасининг ортидан эргашиб бораверди.

Рустам онасининг ёнига етиб борганларидан кейин бирдан ўзини унинг қучоғига отмоқчи эди, аммо кампир қалтираган қўлини олдинга чўзиб: “Тўхта, белингни очиб кўрсат!” дея бирдан уни шаштидан қайтарди. Рустам ҳайрон бўлиб таржимонга қаради. Таржимон кампирнинг гапларини инглиз тилига ўгириши билан, Рустам кўйлагини кўтарди-да, белини кампирга кўрсатди. Унинг белида ёнғоқдай келадиган хол бор эди.

— Бо-ла-м! — дея бирдан бақириб юборди кампир.

Рустам ўзини онасининг қучоғига отди...

Бир зумда ҳовли қий-чув бўлиб кетди. Рустам билан бирга келган одамлар Равшанни табриклашар, баъзилари қучоқлаб осмонга кўтарар эди. Аммо талай муддат ҳеч ким Рустамни табриклай олмади. Кампир уни маҳкам қучоқлаб олган, юз-кўзидан ўнар, сочидан силар, “Болажоним, шунча пайт қаерларга йўқолиб кетдинг?! Нимага ўз оёғинг билан кетиб

қоласан! Мени, отангни ўйламадингми, болажоним?! Шунчаям санқийсанми, болам?!” — дерди.

Шовқинни эшитишиб: “Бўрибой чолга бир нарса бўлганга ўхшайди?” деган ўйда аввал қўшнилари югуриб келишди.

Кампир ҳамон ўглини бағридан бўшатгиси келмас, мабодо бўшатадиган бўлса, яна у йўқолиб қоладигандек туйиларди.

— Бизгаям беринг-да энди қочоқни, бир бағримизга босайлик! — деди ниҳоят Мавлон ака тоқати тоқ бўлиб.

— Кўрдингларми менинг боламини? Қаранглар. Ҳамма тополмай ўлиб кетади, девди. Топилди-ку! Бағрим тўлди-ку, Мавлонбой! — деди кампир унга жавобан.

— Муборак бўлсин, момо! Кучоқлаб тураверасизми, қўйиб юборинг, бизам кўришайлик энди, — дея Мавлон ака чорпояга чўккалаб, Рустамнинг қўлидан ушлади. У доим кампир билан ҳазил-хузул қилиб юрарди.

— Беринг энди бошқаларгаям! — деган гап эшитилди тўпланганлар ичидан ҳам. Шундан кейингина кампир истар-истамас ўглини бағридан бўшатди.

Рустам ўзини кучоқлаётган эркаклар-у, юзидан ўпаётган аёлларга кулиб-ҳайратланиб қарарди. Тўпланган одамлар ичидан отасини қидираркан, соқолли кишилардан қай бири отам экан, дея ўйлар эди.

— Мана, янгаларинг, — деганча бир пайт хотинию бола-чақаларини, укаси Баҳромнинг хотини ва унинг болаларини етаклаб келиб қолди Равшан.

Бироқ Рустам ҳеч балони тушунмади ва атрофга аланглаб, таржимонни қидира бошлади. Ҳартугул, унинг ўзи Рустамдан кўз узмай турган экан, тезда ёнига етиб келиб Равшаннинг гапларини таржима қилди. Рустам хурсанд бўлиб кетиб, катта янгасининг юзидан ўпди.

— Манавилар менинг болаларим, сенинг жиянла-

ринг, — деди Равшан укасининг қилиғига гаши келса-да, кулиб.

Рустам энди уларни бирма-бир кучоқлаб ўпишга тушиб кетди. Шундан кейин Равшан Баҳромнинг хотини билан ҳам Рустамни таништириб қўйди. Оилавий танишув ниҳоясига етгач, Рустам:

— Булардан сўранг, отам қаерда эканлар? — дея таржимонга юзланди.

— Отамнинг мазаси йўқ, — деди Равшан.

— Нега? — деди бирдан ҳаяжонланиб кетган Рустам.

— Сенинг дардингда тамом бўлган, ука! Ҳозирам сендай меҳмонни қолдириб, мен шаҳарга кетишим, дори-дармон топиб отамга оборишим керак, — деди кўзидан оқиб келаётган ёшни тиёлмаган Равшан.

— Тўхтанг, тўхтанг, — деди таржимонга одамлар орасидан ёриб, ака-уканинг ёнига келган оқсоқол, — бу гапни таржима қилманг. Уят бўлади, ука. Ҳозироқ бошқа одам шу дориларни топиб, дўхтирхонага етказиб беради.

— Хўп, — дея таржимон Рустамнинг акасининг гапларини бошқача таржима қилди: — Отангизнинг соғлиғи анча яхши экан. Сизни соғинибди.

— Кетдик, ҳозироқ отамнинг ёнига борамиз, — деди Рустам таржимонга. Бу гап тезда атрофдагиларга, Равшанга етказилди. Кампир ҳам эшитди.

— Бечоранинг, — деди кампир ўтирган жойида, — юрагининг мазаси йўқ. Улининг келганини бирдан эшитиб қолса, бир нима бўп қолади. Яна боламга етишган жойимда чолимдан айрилиб қолмайин...

\* \* \*

— Нега мени ярим кечаси безовта қилиб бу ерга олиб келдинг? Ҳамма нарсага фаросатинг етар экан, ўзинг ишингни қолган жойидан давом этказаврмайсанми? — дея жаҳл билан ўрнидан туриб кетди Эдуард.

— Сен билан тортишадиган пайт эмас ҳозир. Йи-

гитларимга ичим ачияпти. Наҳотки шуни тушунгинг келмаса?! — деди Вадим унга қараб.

— Ўзингнинг жонингга-чи, ичинг ачимаяптими? Йигитларингни...

— Унда ўзинг бажарасан бу ишни, — дея бирдан Эдуарднинг гапини бўлди Вадим.

Эдуарднинг ранги оқариб кетди. У қўли титраган ҳолда ёнидан сигарета чиқариб лабига қистирди-да, бир амаллаб тутатиб олди.

— Мен, — деди у шундан кейин овози қалтираб, — амалиётчи эмасман. Мен назариячиман. Амалиётни сенга чиқарган.

— Юрагинг ёрилиб кетдими? — дея кулиб қўйган Вадим ҳам сигарета тутатди.

— Мен сенинг мақсадинг нима эканлигини тушунмаяпман.

— Нега бунча довдирайсан? — деди Вадим. — Биламан, бунақа ишларни эплаш қўлингдан келмайди, лекин қанчалик оғирлигини бир маротаба бўлсаям ўзинг ҳис этишинг учун айтдим бу таклифни.

Вадимнинг шу гапилаи кейин Эдуарднинг бироз титроги босилди. У диванга ўтирди-да, шишадаги пивони бир кўтаришда охиригача симириб юборди.

— Ўйлаб кўрсам, сен ҳақ экансан. Айтганингни ҳозирдан бажаришга киришаман. Менинг одамларимдан олтитаси, Семённикидан ҳаммаси нариги дунёга равона бўлади. Фақат бунинг учун озгина ёрдам бериб юборасан. Келишдикми? — деди Вадим.

— Озгина бўлса майли, — деди ичилган пиво бирмунча томирини кенгайтирган Эдуард.

— Паша! — дея бақирди Вадим. Унинг овозининг акс-садоси сўнган заҳоти эшик очилиб, барзангидай бир йигит кириб келди.

— Уйда Семённинг нечта одами қолган бўлса, ҳаммасини ҳаммомга йиғ, — дея буйруқ берди унга Вадим. Йигирма дақиқага қолмай унинг амри адо этилди. Унгача Вадим билан Эдуард бир огиз ҳам гаплашишмади. Индамасдан кетма-кет сигарета че-

кишди. Яна икки шишадан пиво олиб келтиришиб, секин-секин ичишди. Йигитлар ҳамма йиғилгани ҳақида хабар келтиришганидан сўнг Вадим бир нуқтага тикилган кўйи ўша Паша исмли йигитга уларнинг ҳаммасини отиб ташлашни буюрди.

— Уларнинг аксарияти аёллар, — деди Паша хўжайин буйруғини ўзгартирармикин деган умидда.

— Нима қипти? — дея унга ўқрайиб қаради Вадим. — СенIAM ҳаммомга қамалгинг келиб қолди-ми?

Бу гапдан Паша бирдан сергакланди ва илдам қадамлар билан ҳаммом томонга кетди. Бироздан кейин у ёқдан автоматнинг тариллаган овози эшитилди.

— Биринчи гуруҳ тинчиди, — дея пичирлади Вадим ўзига-ўзи гапиргандай, — навбат кейингисига.

Паша “иш”ни битириб, Вадимнинг бошқа йигитлари билан бирга қайтиб келди. У Вадимнинг савол назари билан қарашига жавобан: “Ҳаммаси тамом”, дегандек бош қимирлатди.

— Энди икки киши дам олади, қолганлар кўриқчилик қилади, — деди Вадим, — биринчи навбат Паша билан Олегга, қолганлардан иккитанг эшик олдида, иккитанг дарвозанинг ёнида турларинг.

Тўртта йигит ташқарига чиқиб кетди. Дам олувчиларга эса Вадим Семённинг иккинчи қаватдаги ётоғига чиқишларини буюрди. Сўнг ўзи бир дона сигарета олиб, унинг махоркасини тўкиб ташлаб, ўрнига эзилган наша баргларини солди ҳамда унинг атрофини тупуклаб ҳўллади. Шундан кейингина тутатди. Ва ичига чуқур тортиб, тутунни бироз ушлаб турди-да, сўнг чиқариб юборди. Уч марта шундай қилганидан кейин вужуди енгиллашди.

— Агар қанотим бўлганида, ҳозир учиб кетган бўлардим, — деди у Эдуардга қараб.

Эдуард унга ачиниб қаради:

— Сенинг бунақа одатинг борлигини илгари билмаган эканман.

— Ҳали кўп нарсани билмайсан, — деди Вадим ва ўрнидан туриб, костюмининг ён чўнтагидан тўппонча чиқарди. Иккинчи чўнтагини кавлаб, овоз сусайтиргични олиб, уни тўппончанинг милига бураб ўрнатди-да, тез-тез юриб иккинчи қаватга кўтарилди.

Чироқ бирдан ёнганида Олег билан Паша ўринларидан сакраб туришди.

— Мабодо “гомик” масмисанлар? — дея тиржайди Вадим. — Битта ўринга икковинг ётиб олибсан. Яна бир-бирингни-а...

Унинг гапи-ю, қўлидаги тўппончани кўрган йигитлар ҳайратдан қотиб қолишди.

— Мени кечирасизлар, вазият шуни тақозо қилиб қолди, — дея Вадим кетма-кет тўрт марта тўппонча тепкисини босди. Иккала йигит ҳам бирдан қонига бўялганча полга гурсиллаб қулади.

Эдуард тўппонча овозини эшитмади-ю, аммо гурсиллаган овоз унинг қулогига аниқ-тиниқ етиб келди. Бу унинг кўнглида озгина ҳалик пайдо қилди. Ҳаяжонини босиб олиш учун, стол устидаги пиволарни бирма-бир симиришга тушиб кетди.

Вадим мамнун қиёфада юқоридан тушиб келди-да, Эдуардга эшикнинг ташқи томонида кўриқчилик қилаётганларни чақириб келишни буюрди. Бу буйруқдан Эдуард оғринди. Лекин Вадимдан айни пайтда ҳамма нарса кутиш мумкинлигини ўйлаб, дарров унинг айтганини бажарди.

Вадим уларга дам олиш учун бошқа хонани кўрсатди. Йигитлар дам олгани киришди-ю, аммо ухлашга улгуришмади. Худди боягидек усулда уларни ҳам Вадим нариги дунёга равона қилди.

Дарвоза кўриқчилари эса уйга кирган заҳотиёқ кўкрақларидан ўқ еди.

— Ана, ҳаммаси тамом, — деди Вадим қўлидаги тўппончани стол устига отиб юборар экан. — Гuvoҳларнинг биронтаси ҳам қолмади. Энди Семённинг мен томонимдан ўлдирилганлигини сену мен била-



миз. Мабодо биронта одам исини оладиган бўлса, иккимиздан биттамыз хиёнат қилган бўламыз.

— Мендан хавотир олма, — деди Эдуард унга илжайиб қарар экан. — Мен шу пайтгача сенга хиёнат қилган бандамасман.

— Тўғри, — деди кўзи қизариб кетган Вадим. — Шунча мурдани нима қиламыз энди?

— Уй-пуйга кўшиб ёқиб юбориш керак. Шунда ҳеч ким бу ерда сенинг йигитларингнинг жасади борлигини билмайди.

— Бу ерда қанча бойлик борлигини биласанми сен? — дея Вадим қулочини ёзиб атрофни кўрсатди.

— Мўлжаллаган бойлигинг олдида бу сариқ чақа.

— Тўғри! — дея хитоб қилди Вадим, — Рустам энди меники бўлади!

Уй гуруллаб аланга олган маҳал Вадимнинг куйиб жизғанаги чиқиб кетаётган жасадларга эмас, балки уйга, унинг қаеригадир яшириб кўйилган пулларга ичи ачиди. Шу боиски, бирор беш дақиқа ёнаётган уйга термилиб қолди.

— Кетдик, — деди унинг ёнига келиб қўлидан ушлаган Эдуард.

Машина рулига Вадим ўтиролмас эди. Қўллари, умуман, бутун вужуди тинимсиз қалтирарди. Ўзининг ақлидан, қилган ишларидан мамнун бўлган Эдуард эса хурсанд эди. Бор овозда кўшиқ айтгиси келарди. Албатта, буларнинг ҳаммаси унинг ичида эди, сиртида Вадим каби пешонаси тиришган, қайғуга кўмилиб қолган кўринарди.

У машинани тўғри ўз уйига ҳайдади. Вадим ундан “Нега сеникига бораяпмиз?” дея сўрамади. Чунки унгаям Эдуарднинг уйига бориш маъқулроқдай туйилди.

Вадим унинг уйига борганидан кейин ҳам наша ўради. Бироқ бир ўзи ҳаммасини чекмади, дўстига ҳам илинди. Эдуард умрида ҳали бирор марта ҳам наша чекиб кўрмаган эди. Шундай эса-да, Вадимнинг қўлини қайтармади. Тутунни симирди-ю, ле-

кин ичига ютмай, оғзида маълум муддат сақлаб турганидан сўнг чиқариб юборди. Улар кўп ўтиришмади. Вадимнинг кўзи юмилиб кетаверди.

Эртасига тушдан кейингина уйғонган Вадим ўрнидан турмай анча вақт ўйланиб, кечаги воқеаларни эслаб ётди. Эдуард эса соат саккиз бўлмасидан бурун уйғонган ва уйда ўзининг ишлаши учун махсус ажратилган хонада келгуси режаларни тузиб чиқмоқда эди. У ўзи сезмаган ҳолда “дўст”ининг “томир”ини қимирлатиб кўйганди. Буни ўша Вадимнинг маслаҳатини миридан сиригача қолдирмай бажараётганда илғаган эди. Энди у Вадимни мутлақо сафдан чиқариб юбориш, у эришган нарсаларнинг барини ўз ихтиёрига олиш ҳақида бош қотираётган эди. Шу боис, қоғозга айрим нарсаларни чизар, кейин ўчирар, сўнг мутлақо бошқа шаклни чизиб кўрарди. Яна чизилган шаклнинг баъзи жойлари ўзига маъқул келмасдан, унинг ҳам баҳридан ўтиб кўярди. Албатта, оппоқ қоғоздаги яхшилиқдан далолат бермайдиган турли чизиқларнинг маъно-мағзига фақат унинг ўзигина тушунарди. У уч соатга яқин тертукканидан кейин ниҳоят ниятига етди. Ва бу ишни ҳам қойиллатгани учун ўрнидан туриб керишди-да, ошхонага борди ва музлаткични очиб, ярми ичилган ароқ шишасини олди. Уни биронта идишга қуйишга эриниб, шишанинг ўзидан икки қултум ютди. Худди ўша маҳал хаёл суриб ётавериб зериккан Вадим бошини болишдан кўтариб, соатни билиш мақсадида, стол устидаги қўл телефонига қараган эди, жавобсиз қолган кўнғироқларни кўриб таажжубланди. “Йигирмадан зиёд кўнғироқ бўлибди-ю, биронтаси ҳам мени уйғотолмабди. Шунчалик қаттиқ ухлаб қолибман-да”, — дея ўйлади у. Ва энди ўзига кимлар телефон қилганлигини билиш учун телефон тугмачаларини бирма-бир босаётганида у яна жиринглаб қолди.

— Алло, — деди Вадим кўзини уқалаб.

— Тирикмисан? Бормисан? Қаерларда юрибсан?

Ҳамма ёқда шов-шув: кимдир Семённи одамларига қўшиб ўлдириб кетибди! — дея бирдан бақира кетди хотини Юля.

— Ўзингни бос! — дея бақириб юборди Вадим ҳам. — Нималар деб валдираяпсан?!

— Ҳали ҳеч вақодан хабаринг йўқми?! Дўстинг Семённи ўлдириб кетишибди-ку!

— Нима?! Ўлдириб кетишибди? Ким, қачон ўлдирибди? Кимнинг ҳалди сиғибди?! — дея ёлғондан ўкиришга тушди Вадим. — Сен уйдан қимирламай ўтир, мен ҳамма нарсани аниқлаб, ўзим кўнғироқ қиламан.

“Ҳамма ёқда шов-шув бошланиб кетибди. Семённинг Ўзбекистонга кетган одамлари ҳам бундан хабар топишган бўлишса-чи? Зудлик билан ҳаракатга тушиш керак. Йўқса кеч қоламан... Падарингга ланат, мени уйғотмасдан қаёққа йўқолибди, шундай пайтдаям бирон жойга кетадими одам? Ўзи охириги пайтларда жа ҳалдидан ошаяпти, яхшилаб “бураб” қўйиш керак, шекилли”, дея хаёлидан ўтказган Вадим шоша-пиша кийимларини кия бошлади. У кийиниб бўлиб, энди эшик томонга юрган эди ҳамки, унинг рўпарасида тиржайганча Эдуард пайдо бўлди.

— Қаёққа йўқолиб қолдинг? — деди Вадим уни кўриши билан.

— Сен дам олганингда, менинг дам олишга ҳаққим йўқми? Юр, кофе дамлаб қўйибман. Туш пайти нонушта қиламиз, — деди Эдуард.

— Нонуштага вақтим йўқ, зарур ишлар чиқиб қолди. Кейинроқ сенга ўзим кўнғироқ қиламан, — дея Вадим ташқарига чиқиб кетди. У йўл-йўлакай йигитларидан бирига кўнғироқ қилиб, Эдуарднинг уйи ёнига тезда етиб келишни буюрди. Ўзи эса машинага ўтириб, Семённинг телефонида Ўзбекистонга кўнғироқ қилди.

— Хўжайин, эшитаман, — деган овоз келди у ёқдан.

— Мен Семён эмас, Вадимман, яхши танисанг керак.

— Таниганда қандоқ, Вадим Александрович, шефнинг телефон рақами ёзилгани учун, у қўнғироқ қила-яптими, деб ўйлабман.

— Ишлар нима бўлаяпти? — деди Вадим имкон даражасида хотиржам гапиришга ҳаракат қилиб.

— Кечирасиз, Вадим Александрович, бу ҳақда биз фақат шефнинг ўзларига ахборот берамиз. Буйруқ шундай бўлган, — деди бир неча минг километр узоқликдаги Семённинг йигити.

— Шефнинг сенлар ишни чўзиб юбораётганликларинг ҳақида менга айтганди. Шу боис, мен сенларнинг ёнларингга ёрдам кучи жўнатмоқчиман. Албатта, уларнинг бориши сенларга минус олиб келади... Ҳа, исминг нима эди? — дея Вадим ойнага қаради-да, сочини қўли билан таради.

— Исмин Паша... Лекин шеф... — дея бироз додирлади Вадим гаплашаётган одам.

— Шефнинг нима деганини мен сенга айтдим, шекилли! — деди Вадим пўписа билан.

— Шефнинг ўзи нега қўнғироқ қилмади? — дея сўради Паша.

— Шефнинг Голландияда айшини суриб юрибди... Нега эзилаяпсан ўзи?! — Вадимнинг бу пўписаси анчагина таъсирли чиқди. Паша дарров сайрашга тушиб кетди.

— “Мижоз”нинг ортидан қаерга борса кузатиб юрибмиз, кеча у марказдан узоқроқ бир қишлоққа кетди. Ота-онаси шу ёқда яшаркан. Унинг уйдаги аҳволни билиш учун одам ёлладик. У ҳозир Рустамнинг отасининг уйига кириб кетди. Ҳали чиққани йўқ. Фақат бизни битта муаммо қийнаб турибди.

— Қанақа муаммо? — деди Вадим бирдан сергак тортиб.

— Улар милиция машинасида юришибди. Яқинлашишнинг имкони бўлмапти.

— Яхши, шароитга қараб иш тутинглар. Ҳар эҳти-

молга қарши, мен сизларнинг ёнларингизга ёрдамчи куч жўнатаман. Улар эртага эрталабки рейс билан етиб боришади. Кутиб олинглар, — дея Валдим телефонни ўчирди.

Орадан бироз ўтиб, у чақирган йигит етиб келди.

\* \* \*

— Онам ҳам биз билан бирга борсин. Шунда мен уларнинг иккаласини бир кўриб хурсанд бўламан, — деди Рустам таржимонга. Унинг гапини таржимон тезда Равшанга етказди.

— Яхши бўларди, — деди Равшан, — энамни олиб бориб келишим учун машина топишим керак эди. Ўзи яхши юролмайди. Ҳозир машина ҳам тайёр, баҳонада энамам чолини кўриб келади.

Ака-укаларга яна саккиз чоғли одам қушилди, бу пайтда эса маҳалла оқсоқоли Мавлон аканинг машинасида чолнинг ёнига кетиб бўлганди.

Оқсоқолни кўрганидан сўнг Бўрибой чолнинг бироз юзи ёришди. “Озгина бўсяям маҳаллада обрўйим бор экан. Йўқса, оқсоқол мени кўргани келмасди. Иккинчи томондан, агар у дўхтирларга оқсоқоллигини айтиб кетса, яхшироқ қарайдиган бўлишади”, дея ўйлади.

— Чивин чақсаям балнисага келиб ётиб олиш кераккан-да, — деди жилмайиб оқсоқол, салом берганидан кейин.

— Ёш ўтганидан кейин ортиқча нафас олиб юборсангам касал бўп қолавераркансан, — дея ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди чол.

— Сизнинг ёшингиз ўтиб қолибдими? Бе, кўрган одам ҳали бу ўн саккизгаям кирмабди-ку, леб ўйлайди, — деди оқсоқол.

— Индамасам, бошқа нарсяям дерсан ҳали, — деди чол кулишга ҳаракат қилиб.

— Дердим, лекин, — дея Баҳромни кўрсатди оқсоқол, — манави шалпангқулоқ борлик қилиб қолдида. Яна эртага энасига бориб: “Отам бошқача касал

бўп қолти, биронта кампирга совчиликка борсам-микин?” деб айтиб қоладими, деб кўрқдим-да.

Чод унинг галига ҳиринглаб кулмоқчи бўлган эди, кўкрагида бир нарса оғриқ бериб қолди. У кўксини ушлаш билан чегараланди, холос. Кейин оқсоқол чол ётган кароватнинг бир чеккасига ўтирди-да, жиддий гапга ўтди:

— Бўрибой ака, ҳали бу касалликлар нима бўпти, кўрмагандай бўп кетасиз. Ундан кейин, неваралардан ҳали қутулганингиз йўқ. Уларнинг суннат тўйдан ташқари, катта бўлганидан кейин уйлантиришингиз ҳам бор. Боя Равшан билан гаплашувдим. “Отам соғ бўп турса, болаларимнинг қўлини ўзи ҳалоллаб беради”. деди. Кейин анави санқи ўғлингиз ҳам ўз оёғи билан келиб қолиши мумкин. Унга-ям “салдат” тўйи қилиб бермасангиз, маҳалла сизнинг касал бўйиб ётишингизга йўл қўймайди, — деди.

— Оқсоқол, — деди чол кўзида ёш ялтираб, — шу боламни кўришга етиб бормайманми, деб кўрқаманда. Энасидан кам соғинмадим! Худо, ишқилиб, шу боламнинг дийдоридан бенасиб қилмасин.

— Бўрибой ака, айтдим-ку, кўрасиз, деб. Тўй ҳам қип берасиз.

— Қанийди, — дея ростакамига йиғлашга ўтди чол.

— Қўйинг, ака, сизга йиғлаш мумкинмас. Дўхтир шундай деб айтган.

— Дўхтирларинг ҳар бало дейверади, — деди-да, чол кўзидаги ёшни артди.

Шу пайт бош врач кириб келди. Уни кўриб Бўрибой чол хурсанд бўлиб кетди. Ва бирдан оқсоқолни таништиришга тушди:

— Бу одам маҳалламизнинг каттаси, яхши одам, ҳамма бирдай ҳурмат қилади. Бечора, катта бошини кичкина қип, мени кўргани кепти...

У яна кўп гапирмоқчийди, гаплари кўп эди. Лекин ҳамма гапларини айтолмади, кўкраги санчиб

қолди. Пешонасини тириштириб, кўксини гижимлади.

— Беговта бўлмаг, — деди сочлари оппоқ, тўладан келган дўхтир, — яхши танийман бу одамни. Бу одам сизни кўргани кептими, сиз ҳам обрўли, эътиборли кексаларимиздан бирисиз.

Врачни чолнинг юрагини ушлагани беговта қилди. У касалнинг томирини ушлаб кўрди-да, жилмайди.

— Анча яхши бўп қописиз, ота, тезда тузалиб кетасиз, — деди ва Баҳром билан оқсоқолдан чиқиб туришларини илтимос қилди. Ўзи эса эшик ёнида турган ҳамширага тезда укол қилишни имо-ишоралар билан тушунтирди. Уколдан кейин чол яна бир текисда нафас ола бошлади. Бундан врачнинг кўнгли таскин топди. Бироқ барибир врачнинг боши қотди.

У қандай қилиб Рустамнинг келганлигини чолга айтишни билмасди. Чунки беморнинг текис нафас олиши вақтинчалик эди. Дорининг кучи кетиши билан унинг аҳволи оғирлашиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бундай пайтда, Рустамнинг топилгани ҳақидаги хушxabарни айтиш у ёқда турсин, ортиқча беговта қилиш ҳам мумкин эмасди. Шуларни ўйлаб туриб, врач чол ётган хонадан бир-бир қадам босиб, коридорга чиқди.

— Айтаммизми-йўқми? — дея сўради оқсоқол врачни кўрганидан кейин унинг ёнига келиб.

— Бошим қотди, ташқарида ўгли кўзини тўрт қилиб турибди. Ҳозирча билдирмайлик десам, бечора бола шунча йил ота дийдорини кўрмаган. Айтайлик десам, чолнинг юраги кўтаролмайди, деб кўрқаман, — деди дўхтир пешонасини тириштириб.

— Балки ўзим кириб ётиғи билан тушунтирсамми?.. — деди оқсоқол.

— Менимча, керакмас, шунча йил кутибдими, яна бир-икки кун кутсин, чолни бироз даволайлик, ўзига келиб олганидан кейин сиз айтгандай қилиб ту-

шунтирамиз. Ташқаридагиларгаям шундай деб тушунтирамиз.

Бу гап оқсоқолга маъқул тушди. У Баҳромнинг олдига бориб, акаси келганлигини паст овозда айтди: “Фақат, — деди у гапининг сўнгида, — буни отангга зинҳор билдирма. Агар айтиб қўйсанг, отасиз қоп кетишинг ҳам ҳеч гапмас”. Баҳромнинг хотирасидан Рустам аллақачон ўчиб кетган эди. Қолаверса, отасининг шу аҳволга тушишида уни бош айбдор ҳисобларди. Шу боисдан ҳам Рустамни кўрмоқ учун ташқарига югуриб кетмади.

— Хавотир олманг, — деди у оқсоқолга, — ҳеч нарсани билдирмайман. Менга акадан кўра кўпроқ ота керак.

Таржимондан ҳозир отасини кўриш мумкинмаслиги ҳақидаги гапни эшитганидан кейин Рустамнинг кўзида бирдан ёш пайдо бўлди. Аммо у ёнидагилар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун тескари ўгирилиб, кўз ёшини артиб олди. Буни ҳамма кўрди, шу боиски, оқсоқолдан тортиб улар билан бирга келган милиционер ҳам бошини эгди. Анжела эса унинг қўлидан ушлади. Унинг бундай қилиши Рустам учун ҳеч нимани билдирмаган бўлса-да, Равшан бироз безовталаниб, энасига қаради. Қизнинг бу қилиги кампирга ҳам ёқмади. Бироқ у ҳам айни дақиқада бу бети йўқ қизни қарғашдан ожиз эди.

— Рустамжон, — деди оқсоқол. Рустам ўзининг номини эшитиб оқсоқолга қаради. — Ўғлим, шунча кутганди бири. Яна бир-икки кун чидайсан энди.

Таржимондан унинг гапи мазмунини эшитган Рустам бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Илтимос, — деди у врачга қараб, — отамнинг эртароқ соғайиб кетиши учун нима қилиш керак? Балки Америкадан доктор чақириш лозимдир. Мен ҳозирнинг ўзида хабар беришим мумкин. Узоғи билан эртага етиб келади.

— Ука, — деди врач таржимонга қараб, — айтинг, узимиздаям америкаликлардан ўтадиган врачлар етар-



ли. Фақат отасининг соғлиғи ўнгланиши учун вақт керак.

Таржимон унинг гапларини инглиз тилига ўгиришга улгурмасидан бурун ҳамшира югуриб чиқиб, врачнинг қулоғига алланималар деб шивирлади.

— Кечирасизлар, — деди-ю, дўхтир югургудек бўлиб касалхона ичига кириб кетди. Қолганлар эса унинг ортидан безовталаниб қараб қолишди.

“Эй, худо, — дея ичида нола қилли кампир, — чолимнинг жонини бизга кўп кўрма. Шўрлик боласини кўрсин. Дийдорига тўйиб, ҳеч қурса бир-икки йил яшасин”. Онасининг кўзидан оқаётган ёшни кўрган Рустам уни қучоқлади ва ўз тилида алланималар деб гапирди.

— Болам, — деди кампир унинг юзидан ўпиб, — ўзимнинг чулчит бўп қолган болам. Йўқолиб қолмаганинда шу кунлар йўғиди.

Ўғил ҳам онасининг биронта гапини тушунмади. Таржимон эса она-боланинг гапларига аралашмади.

— Момо, — деди оқсоқол кампирнинг кўнглини кўтариш учун, — чолингиз отдай бўп кетади. Мен уни кўриб чиқдим-ку. Анча тетигиди. Касалхонада чолингиздан бошқаям касаллар кўп. Дўхтир шуларни кўргани кетди чоғимда. Яна у бу ернинг бошлиғи, битта-яримта катта телепон қип қогандир-да. Шунинг учун сиз ҳечам хавотир олманг.

Оқсоқолнинг гапларини таржимон Рустамга айтиб турди. Рустам, оқсоқолнинг гапларидан хурсанд бўлганидан, унинг ёнига бориб:

— Сенкю! — деди. Бу сўзни оқсоқол яхши билса керак, деган ўйда таржимон ўзбек тилига ўгирмади. Оқсоқол гарчи унинг гапига тушунмаган эса-да, индамай бошини қимирлатиб қўйди.

Врач югуриб Бўрибой чол ётган палатага кирди-ю, унинг алаҳсираб ётганлигини кўриб қўрқиб кетди ва бўйнига осилган аппаратининг бир томонини қулоғига ўрнатиб, иккинчи томондаги думалоқ те-

мирни чолнинг кўрагига қўйиб, беморнинг нафас олишини эшитиб кўрди.

— Лола, — деди у орқасида турган ҳамширага, — тезда укол қилинг!

— Хўп бўлади, — дея ҳамшира шприцини дорига тўлдирди бошлади.

Врач эса оғир қадамлар билан коридорга чиқди. Унга Баҳром ҳам эргашди. Унинг кўзидан ёш оқмоқда эди.

— Дўхтир ака, — деди Баҳром овоз чиқариб йиғлаб юбормаслик учун базур ўзини босиб, — отам ўлиб қолмайдими, ишқилиб?

Врач асабий ҳолда ортига бурилди, аммо Баҳромга қаттиқ гап айта олмади. Йигитнинг кўзидан оқиб тушаётган ёш тилини тишлашга мажбур этди.

— Ўзингни бос, ука. Худо хоҳласа, тузалиб кетади, хоҳламаса, бизнинг қўлимиздан нимаям келарди? Тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ. Энди сенга бир гапни айтайин... Кўзингни арт-э, эркакмисан ўзи?! — деди врач Баҳромнинг “пиқиллаш”ига ортиқ бардош беролмай. Йигит дўхтирнинг пўписасидан сўнг бирдан кўзидаги ёшни артди-да, бошини эгди.

— Ҳозир секин ташқарига чиқ, — дея гапида давом этди врач, — аканг билан кўриш. Ундан кейин акангни бу ёққа бошлаб кел. Ҳа, анави таржимониям бирга келсин. Аканг ҳозир отанг билан кўришмаса бўмайдиганга ўхшайди.

Врачнинг сўнгги гапидан кейин Баҳром худди ток ургандай чўчиб тушди.

— Ака, — деди у, — бир бало қилинг. Отамни олиб қолинг. Илтимос, ака!..

— Бас! — деди врач. — Кўп сайрамай, бориб айтганимни қил.

— Хўп! — деди Баҳром бошини қимирлатиб. — Ҳозир...

Унинг бутун коридорни бошига кўтариб югуриб

кетаётганлигини кўрган врачнинг жон-пони чиқиб кетди.

“Бу овсар ҳозир ҳамма ёқни қиёматга айлантириб юборади”, — дея хаёлидан ўтказди у ва:

— Ҳов! — деб бақриб юборди. Баҳром унинг овозини эшитиб, бирдан тўхтади. Врач унинг ёнига асабий тарзда тез борди-да:

— Бунча ҳовлиқасан? Ўпканг борми ўзи? Бориб отангнинг ёнида ўтир. Ўзим айтиб келаман, — деб ташқарига йўналди.

У биронта хабар эшитиб қолиш умидида касалхона эшигидан кўз узмай турганлар ёнига борди-да, жилмайишга ҳаракат қилиб:

— Бобой анча яхши бўп қолди. Рустам бориб кўрсаям бўлаверади, — деди. Бу гапни эшитган оқсоқолнинг юраги шиг этиб кетди.

— Хайрият-э, — деди кампир. Равшаннинг эса юзида табассум пайдо бўлди. Рустам безовталаниб таржимонга қаради. Врачнинг гапидан мамнун бўлган таржимон унинг гапларини дарров Рустамга етказди.

— Оқсоқол, — деди врач, — сизам бирга боринг. Яна Рустамжон ёшлик қилиб отасини қаттиқ кучоқлаб юбормасин.

Гап мазмунини оқсоқол дарров тушуниб етди. Бирдан унинг юзида ачиниш аломатлари пайдо бўлди.

— Майли, юринглар, — деди оқсоқол. Унинг гапи ҳазин чиқди. Бироқ ҳеч ким бунга эътибор бермади.

Коридорда ҳаммадан олдинда кетаётган Рустамнинг юраги жуда тез урар, у йўлак чеккасида ўзига йўл бериб қолаётган беморлару ҳамшираларга мутлақо эътибор бермас, кўзидаги ёшни тинимсиз артар эди. Ниҳоят у отаси ётган палатага етиб келди. Бироқ эшикни очишга унинг кучи етмади. Эшик тутқичини ушлаганча қотиб қолди. Шунда оқсоқол унинг ёнига келди-да, эшикни секин ичкарига итарди. Дераза ёнидаги каравотда кўзини юмиб ётган чолнинг кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, ҳар-ҳар

замон хирллаб кўярди. Унинг ёнида эса отасининг қўлини ушлаганча Баҳром тинимсиз йиғлар эди.

Рустам югуриб борди-да, отасини кучди:

— Ота, отажон! Мен келдим! — деди. Худди шу пайт Бўрибой чол кўзини очди. Нафас олиши ҳам мўътадиллашди.

— Бўрибой ака, — деди оқсоқол, — улингиз Рустам бу! У топилди. Мана, ёнингизга келди!

— Бо-ла-м! — деди чол паст, нимжон овозда. — Хайрият!

У Рустамни кучоқламоқчи бўлиб иккала қўлини у томонга чўзди. Бироқ кучоқлай олмади. Қўллари ҳавога кўтарилди-ю, бироз муаллақ тургач, тап этиб яна жойига тушди. Кўзлари эса мангуга юмилди.

— Ота-а-а!!! — дея бақриб юборишди бирдан учала ўғил ҳам жон аччиғида.

Фарзандлар ҳайқириғи бутун касалхонани титратиб юборгандай бўлди.

Болаларининг ҳайқириғини эшитган кампирнинг кўзи бирдан ёшланиб, ичида бир нарса чирт этиб узилгандай бўлди. У қалтираганча касалхона эшиги томон юра бошлади. Анжела дарров кампирнинг қўлидан тутди.

Бўрибой чол ётган палата мотам тусини олганди. Иккала ўғил “отамлаб” зориқиб, изтироб билан йиғлар, Рустам эса отасини кучганча унсиз кўз ёш тўкарди. Врачлару ҳамширалар қанчалик уринишмасин, барибир уларни тинчлантиришнинг имконини қилишолмасди. Кампир келганидан кейин эса ўғилларнинг фарёди янаям авжланиб кетди.

— Бўлди қилинглар! — дея бақирди оқсоқол охири сабри чидамай. — Нимага энди бунча дод-вой қиляяпсизлар?! Шуминан отангларни қайтариб оласизларми? Кимнинг отаси ўлмаган? Етим бўлмаган одам борми ўзи бу дунёда!.. Касалхонада бошқа касалларам бор. Ҳеч бўлмаганда шуларни ўйласаларинг бўлмайдими?!

Унинг гаплари фарзандларга таъсир этмасдан қолмади.

...Рустам умрида мотам маросими бунақа бўлишини кўрмаган эди. Иккала ўғил чопон кийиб, белига белбоғ боғлаб “отам”лаб бор овозда бақирар, сал нарида бир тўда аёллар уввос солишарди. Рустам битта-иккитаси соч юлаётганини ҳам кўрди. Унинг ўзи ҳам: “Шундай қилиш керак экан”, деган ўйда акаларига қўшилиб бақирмоқчи бўлди. Бироқ уддасидан чиқолмади. Шунчаки йиғлаб тураверди. Маросимнинг яна бир томони уни ҳайратга солди. Америкада марҳумни кўмиш учун аёлу эркак ҳаммаси қабристонга қора кийган ҳолда боришарди. Бу ерда эса жасад хонадондан олиб кетилаётганида аёллар доллаганча қолаверишди.

Отасининг вафотига Равшан билан Баҳром қанчалик куйинган бўлишмасин, ўзларини йўқотиб қўйишмади. Қабристондан қайтиб келишди-ю, худойи қилиш тўғрисида қўшнилар билан маслаҳатлашишга тушиб кетишди. Рустам эса тилсиз-қулоқсиз бир одамдай бўлиб қолган эди. Атрофдагиларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан гаплашишар, тортишишар, уларнинг ҳамма гапларини ўзбек тилига ўгиришга таржимонда имконият йўқ эди.

— Ука, — деди Равшан Рустамнинг ёнига келиб хирилдоқ овозда, — қўшнилар билан отамнинг худойисини икки кундан кейин ўтказишга келишдик. Лекин озроқ қўлимиз калта. Шунга ёрдам бериб юборасанми? Сенга келганингдан бундай гапларни айтмоқчи эмасдим-у, лекин бошқа иложим йўқ-да...

Таржимон Рустамга худойи нима эканлигини аввал обдон тушунтирганидан кейингина акасининг мақсадини айтди.

Рустам тезда ёнидан чек дафтарчасини олди-да, эллик минг доллар ёзгач, йиртиб Равшанга берди.

— Бу нима? — деди Равшан бир парча қоғозни олиб. — Бизнинг устимиздан кулаяпсанми?

— Бу чек, — деди таржимон, — банкка бориб шу қоғозчани кўрсатсангиз, сизга эллик минг доллар беришади.

— Бундай қилиш қўлимдан келмайди, — деди Равшан доллар сўзини эшитганидан кейин бироз додираб. — Яхшиси, ўзи бориб олиб келсин.

Таржимондан акасининг гапларини эшитганидан кейин Рустам: “Окей!” деди бошини қимирлатиб.

Рустам ҳақидаги хабарни эшитиб ҳокимият вакиллари ҳам таъзияга келишган эди. Улар бўлаётган гап-сўзлардан хабар топишганидан кейин дарров Рустамнинг ёнига келишди-да, ўзлари ёрдам қилажакларини айтишди. Ва марказдан бирга келган милиционер йигитни ёнларига олишиб, машинага ўтириб кетишди.

Йўлда кетишаётганларида ҳокимият вакили йўл чеккасида “иномарка”га суюнишганча сигарета чекиб гаплашиб турган уч йигитни кўрсатиб:

— Булар Рустамнинг тансоқчиларими? — дея милиционердан сўради.

— Билмадим, — деди йўл четидаги йигитларга бир қараб олган милиционер. — Биз билан бирга ҳеч ким келгани йўқ. Ундан кейин, меҳмонхонадан Рустам билан Анжела чиққан. Уларни ҳеч ким кузатиб қўйгани йўқ.

— Рустам ҳақидаги шов-шувни эшитиб ўзимизнинг безорилар ҳам ғимирлаб қолган бўлишмасин тагин, — деди ҳокимият вакили. — Дарвоқе, улар бу ўртанинг одамимас.

— Унда ким бўлиши мумкин? — деди милиционер, кейин ҳайдовчининг елкасига тўртиб, орқага қайтишни илтимос қилди.

— Яхшиси, — деди ҳокимият вакили, — марказга бориб, милиция бошқармасига айтамиз. Улар тезда буларнинг кимлигини аниқлашади.

— Унгача кетиб қолишмасмикин? — деди милиционер.

— Таъзияга бораётганимизда ҳам худди шу ерда туришганди. Менимча, ҳали кетишмаса керак.

Улар марказга етиб боришганларидан кейин бошқармага “шубҳали бегоналар” тўғрисида хабар бе-

ришди-да, кейин чек масаласида банкка кириб кетишди.

Семённинг йигитларидан бири ёнларидан ўтган машинанинг ичида ўтирганларнинг ўзларига эътибори тушганини сезиб қолди.

— Анавилар, — деди у машинага ишора қилиб, — бизга термилишиб ўтиб кетишди. Ичида “мент”и ҳам бор экан.

— Биз бу ернинг одамларига ўхшамаймиз, шунга қарашгандир-да, — деди унинг шериги.

— Айнан ўхшамаслигимизнинг ўзи бизга муаммо туғдириши мумкин. Рустам ҳали-бери бу қишлоқдан чиқиб кетмайди. Мотам тутиб ўтиради. Буларнинг ҳам ўзига яраша удумлари бўлса керак. Умуман, бўлмаган тақдирдаям, унинг ҳали-бери кетиши даргумон. Шунча йилдан бери энди келиши бўлса, — деди учинчи йигит.

— Унда кетдик, кечқурун келамиз. Унгача шефга кўнғироқ қилиб, маслаҳат сўраймиз, — деди сезгир йигит.

Бу гап уларнинг ҳаммасига маъқул тушди. Чунки шу пайтгача қуёшда куйиб ўтиришдан уларнинг жони ҳалқумларига келган эди.

Машина жойидан енгил қимирлади-да, шаҳар томонга учиб кетди.

Хабар етиб борганиданоқ йўлга чиққан милиционерлар барибир кеч қолишди. Шундай бўлса-да, “бегоналар”нинг яна қайтиб қолиш хавфи борлигини ҳисобга олишиб, учта навбатчи ташлаб кетишди.

...Равшан умрида ҳали бунақа кўп пул кўрмаган эди. Машинадан бир қоп пулни орқалаб уйга киргизаётиб юраги ўйнаб кетди. “Пул деганлариям шунчалик оғир бўладими? Одамнинг белини чиқариб юборди-ю... Бунга эҳтиёт қилмасам, биров илиб кетиши ҳеч гапмас. Бунақа кўп пулни кўрган одам бир тонна бўлсаям кўтариб кетади... Айниқса, Баҳромнинг хотини ёмон, доим кўзи ўйнаб туради. Бегоналарданам кўра шундан кўпроқ эҳтиёт бўлиш керак.

Энамнинг бўлса кўнгли бўш, битта-яримта сўраб келиб қолса, йўқ деёлмай, айтганини тутқазиб юбораверади. Энг ишончлиси хотиним. Ҳозир унга айтаман. Уйдан ҳеч қаяққа қимирламай ўтиради... Юз минг сўмам отамнинг маъракасига етиб ортади. Қолганини нима қилишни кейин ўйлаб кўрарман”, дея хаёлидан ўтказди у. Ва уйга кириб ўзининг болалари-ю жиянларининг ҳаммасини қувиб юборди-да, хотинини чақириб, кўнглидаги гапларни унга айтди. Пулнинг миқдорини эшитиб жувоннинг ҳам кўзи ўйнаб кетди. Сўнг, эри чиқиб кетганидан кейин бу пулнинг қаерларга сарфланиши лозимлигини режалаштира бошлади...

\* \* \*

Вадим Семённинг ёниб култепага айланган уйи ёнига борганида у ерда беш-олти милиционердан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Томошани хуш кўрадиганлар, ўт ўчирувчилар ва бошқа “авторитет”ларнинг ҳаммаси келиб кетишганди.

— Нима бўлибди? — дея милиционерларнинг биридан сўради у ўзини гўлликка солиб.

— Нима бўларди? — деди милиционер сақичини чайнаб, — Семён деган “авторитет” бўларди, ўшани ўлдириб, уйини ёқиб кетишибди.

— Кимлар? — деди Вадим ўзини қайгули қиёфага солиб.

— Биз қаяқдан билайлик? Ҳамтовоқлари бўлса керак-да. Бошқа кимнинг ҳам ҳадди сиғарди бундай қилишга. Лекин зўр жанг бўлган кўринади. Анча мурда олиб чиқдик. Ҳаммаси бутунлай куйиб, фақат суяклари қолибди, ҳисоб.

Вадим афсусланганча бошини чайқаб машина томонга кетаётганида унинг қўл телефони жиринглаб қолди. У телефон тугмачасини босиб, қулоғига тутиши билан “Дев” лақаби билан машҳур, шаҳарнинг жанубий туманларига эгалик қилувчи “авторитет”нинг дўриллаган овози унинг қулоқ пардасини йиртиб юборай деди.



— Кулоқ керак, оғайни! — деди унга жавобан Вадим.

— Кулоқ керак бўлганида шу пайтгача ўлик-тириклигингни билдирар эдинг-да! — деди яна ўша дўриллаган овоз. — Семёнга кўшиб сениям тинчи-тиб кетишибдими, деб ўйлаган эдим.

— Тирик бўлганим учун овозимни эшитиб турибсан, — деди Вадим.

— Бориб кўргандирсан, — деди Дев.

— Кўрдим.

— Кимнинг бунга ҳадди сиғибди?!

— Ҳайронман. Мен ҳам ҳозир шу ҳақда ўйлаётган эдим.

— Кўпчилик бу ишда сенинг қўлинг борлигини айтаяпти. Шунинг учун телефонларга жавоб бермасдан жуфтакни ростлаб қолганмишсан.

— Ким экан ўша итдан тарқаган? — дея бирдан сўкиб юборди Вадим.

— Ўзингни бос. Бунгаям ўзига яраша сабаблар бор. Яъни, сенинг у билан қадрдонлигинг.

— Бир одам иккинчиси билан қадрдон бўлса, даров уни йўқ қилади, шундайми? — деди Вадим алам билан.

— Унақа демоқчи эмасман. Ҳартугул, яқин бўлган-сизлар. Мабодо бирон нимани келишолмай қолган бўлсанглар...

— Агар ҳозир даражанг бошқача бўлганда, онадан тугилганинга пушаймон бўлардинг, — деди Вадим Девнинг гапини бўлиб. — Эҳтимол, ўша гапни сен чиқаргандирсан. Ҳар қалай, Семён билан олди-берди қилганингдан тонмасанг керак. Ажабмаски, сизларнинг ораларингдан гап қочган бўлса...

— Шунақа деб ўйлайсанми?

— Ҳамма нарса деб ўйлашим мумкин.

— Аввал ҳам ит эдинг, шундайлигингча қолибсан. Майли, нима бўлсаям дўстинг учун таъзиямни қабул қил. Мен қидириб унинг хотинини тополмадим. Балки у ҳам аллақачон нариги дунёнинг жаннатида ке-

зиб юргандир. Шу боисдан ҳам Семён учун рамзий қабр қилиб, мотам маросимини ўтказиб қўйиш лозим деб ўйлайман. Шундай қилмасак, чет эллик биродарларимизнинг кулгисига қоламиз.

— Ақлинг анча кириб қолибди. Ҳозир ўзимам шу ҳақда ўйлаётган эдим. Менимча, эртадан кейин ўтказасак маъқул бўлар.

— Нима десанг шу, мен ҳамини тайёрман. Кейин бошқаларга айтиб чиқишни ҳам зиммамга оламан. Чунки Семён қандай одам бўлишидан қатъий назар, бизга биродар эди. Унинг руҳи олдида бош эгишимиз шарт.

— Дев, девлик қилгин, тулкилик сенга сираям ярашмайди. Бўпти, мен шошиб турибман. Эртадан кейин қабристонда кўришамиз, соат ўн иккида, — дея Вадим телефонни ўчирди-да, сўкиниб қўйди ва машинага ўтириб, ҳайдовчига:

— Уйга ҳайда, — деб буюрди.

Уйда хотини Юля ҳам ярим соатга яқин сайраб турди. Аввал бошда Вадим унинг гапларига эътибор бермади. Аммо хотини ҳадеб: “Мен сени ўйладим, сениям ўлдириб кетишибди, деган хаёлга бордим. Сениям душманларинг кўп-ку!” — деб бир гапни такрорлайвергач, шартта қулочкашлаб унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Шундан кейингина Юлянинг уни ўчиб, ўзининг хонасига чиқиб кетди.

Вадим йигитларига яна Эдуардни олиб келишларини буюрди.

Эдуард бу сафар унга тузук-қуруқ маслаҳат бермади. Девнинг гапини эса маъқуллади.

Иккаласининг ҳам хаёлида “Дев бекордан-бекорга мотам кунини ўтказишни таклиф қилмагандир”, деган ўй бор эди. Аммо иккаласи ҳам бу ҳақда бир-бирига айттиси келмади. Шундан кейин ичкилик-бозлик бўлди. Вадимни жуда кўп ўйлар ўз исканжасига олганлиги боис, у тезда маст бўлиб, ухлаб қолди. Шунинг учун Ўзбекистонга учиб кетадиган йигитларига қайтадан кўрсатмасини такрорлай олмади.

...Паша билан унинг яна бир шериги Вадимнинг одамларини аэропортда кутиб олишди ва вазият қанақалигини уларга бирма-бир айтиб беришди. Шу куни улар меҳмонхонада тунашди. Эртасига эрталаб Рустамнинг ота-онаси яшайдиган вилоятга кетишди.

— Энди, — деди Вадимнинг Игор исмли йигити Паша ҳаммани тўплаганидан кейин, — бу ёғига бизнинг ўзимиз ишни давом этказаверамиз. Анжела сенларни танийди. Шу боисдан меҳмонхонада турганларинг маъқул. Ҳамма нарса ҳал бўлганидан кейин биз билан биргаликда Москвага қайтасанлар.

— Бизгаям озодлик бор экан-ку, — деди кулиб Паша.

— Ҳа, энди дам оласанлар! — шундай деган Игор кутилмаганда ёнидан ханжар чиқариб Пашанинг қорнига тикиб олди.

— А-а-а!.. — дея Паша букчайиб қолди. Семёнинг қолган учта йигити эса овоз чиқармайдиган тўппончадан отилган ўқдан бу дунё билан хайрлашишди. Бу пайтда вақт алламаҳал бўлиб қолган, бунинг устига, улар шаҳардан ташқарида, онда-сонда битта-яримта машина ўтадиган кўчада эдилар. Шу боис қотилликдан ҳеч ким хабар топмади.

Иш якунига етганидан кейин Игор ва унинг шерикларида ер кавлайдиган бирорта асбоб бўлмаганлигидан, мурдаларни йўл четига, очиқ далага ташлаб кетишга мажбур бўлишди.

Эртасига тушга яқин иккита болакай қўйларини боқиб юриб мурдаларни кўриб қолишди. Икковининг ҳам ранг-қути ўчиб, қўйларни ҳам ташлаб қишлоқ томонга югуришди. Уйларига етиб борганидан кейин эса кўрганларини кўзлари косасидан чиққудек бўлиб айтиб беришди.

Милиционерлар мурдаларни топганларидан кейин марказдан Рустам билан бирга келган милиция ходими ҳам тезда чақиртирилди. У жасадларга бирма-бир қараб чиқаркан, ҳақиқатан ҳам ўша куни Рустамларнинг қишлоғидан чиқишда машинага суя-

ниб сигарета чекиб турган йигитлар айнан шулар эканлигини айтди.

— Лекин улар учта эди, бу ерда эса тўртта йигит ётибди, — деди у ҳайрон бўлиб.

— Балки биттаси ўша пайт машинанинг ичида бўлган-у, сизлар кўрмай ўтиб кетгандирсизлар. Майли, буниси муҳим эмас. Муҳими, ким уларни ўлдириб кетган? Ундан кейин Рустам бу ерга тансоқчилар билан келганми ёки фақат анави аёл унга ҳамроҳлик қиляптими? Мана шуни аввал билиш керак, — деди бошқарма бошлиғи. — Мурдаларнинг ёнидан чиққан паспортларга қараганда, булар россиялик. Қандай қилиб россиялик йигитлар Рустамнинг орқасидан эргашиб юришибди? Буям катта жумбоқ!..

— Рустамнинг ўзидан тансоқчилар билан келган-келмаганлигини сўрамаймизми? — деб қолди марказдан келган “меҳмон”.

— Ҳа, фақат шуни сўраймиз. Бошқа нарсаларни ҳозирча билмай тургани маъқул. Нима бўлган тақдирдаям, биз нималар содир бўлаётганлигини билишимиз шарт.

Таржимон Рустамдан тансоқчиси бор-йўқлигини сўраганда, Рустам унга тикилиб турди-да:

— Йўқ, мен Анжела билан бирга келганман. Агар менинг номимдан биронта одам гапириб юрган бўлса, билингки, мен ўша одамни мутлақо танимайман, — деди ишонч билан.

Бу жавобдан кейин ички ишлар ходимларининг яна бошлари қотди. Энди уларни мурдаларнинг Рустамга алоқаси борми-йўқми, деган савол қийнаётганди.

Вадимнинг йигитлари Семённиқидан фарқли ўлароқ, таксида юришган эдилар. Шу боисдан ҳам улар дарров кўзга ташланишмади.

— Ҳамма ёқни милиция босиб кетибди-ку, — деди Игор машина деразасидан ташқарига қараб кетаркан.

— Ҳа, — деди ҳайдовчи, — бир эмас, тўртта йигитни ўлдириб кетишибди. Бечоралар россияликлар экан. Шунга ағдар-тўнтар бўлиб ётибди.

Игор орқа томонга бир қараб олди-да, кейин:

— Виталий, — деди пешонасини қашиб, — фотоаппаратни олдингми?

Унинг шериги бирдан вазиятни тушунди.

— Йўқ, эсимдан чиқибди, — деди атайлабдан.

— Ака, — деди ҳайдовчига Игор, — институтда шунақанги латта бола билан ўқиётганимга пушаймон еб юбораман баъзан. Сиздан илтимос, орқага қайтайлик, меҳмонхонага бориб фотоаппаратни олиб келмасак бўлмайди.

— Пул борми? — деди ҳайдовчи пинагини бузмай.

— Бор?— деди ҳайрон бўлиб Игор.

— Унда фотоаппарат деганлари ҳозир қаҳат эмас, исталган жойдан топиш мумкин.

— Ака, уни икки минг “кўки”гаям тополмайсиз. Японларники. Токиодан олиб келганман. Шунақа зўрки, — дея ўзининг фотоаппаратини мақтади Игор.

— Майли, шунақа бўлса, орқага қайтамиз, — деди ҳайдовчи.

Меҳмонхонанинг ёнига етиб борганларидан кейин тўртала йигит ҳам машинадан тушишди. Игор ҳайдовчини овора қилганлари учун кира ҳақини икки баравар қилиб тўлаб, бугун кеч бўлиб қолганлигини, энди эртага саёҳатга чиқишларини айтди. Ҳайдовчи “Менга барибир”, дегандай елкасини қисиб қўйди-да, пулни олиб, жўнаб кетди.

— Қовун туширибмиз, — деди ўзларининг хоналарига чиққанларидан кейин Игор. — “Мент”лар хитланиб қолибди. Энди Рустамнинг қишлоғига боришимиз қўлга тушишимиз билан баробар... Ҳозир келакелгунча мен бир нарсани ўйлаб келдим. Шефга қўнғироқ қиламиз-да, Семённинг одамлари “ари”нинг уясини қўзғатиб қўйганлигини айтамыз. Шу билан бошимизга келадиган балодан қутулиб қоламиз. Агар рост гапни айтадиган бўлсак, тўрталамининг ҳам калламиз кетиши аниқ.

Унинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Зеро, ҳамма-нинг хаёлида чигалликдан қандай чиқиш мумкин, деган ўй бор эди.

— Семённинг одамлари ўзига ўхшаган-да, — деди Вадим Игордан тафсилотларни эшитгач. — Энди аэропортдан хабар олиб туришлар. Рустам барибир узоқ вақт қишлоғида туrolмайди. Унинг Америкада қиладиган ишлари кўп. У ўтирган самолётга сенларам чиқасанлар-да, ҳамма ишни Америкада ҳал қиласанлар. У ёқда бундай ишларни қилиш осонроқ кўчади.

Игор иш осонлашганлигини эшитиб хурсанд бўлиб кетганидан шерикларига қараб илжайиб қўйди.

\* \* \*

Кампир чолининг худойиси ўтганидан кейин Равшанни ёнига чақирди-да:

— Анави чулчитдан сўраб бил-чи, ўзи билан юрган ўрис хотини унга ким бўларкан? — деди.

— Чулчитингиз ким, эна? — деди ҳайрон бўлган Равшан.

— Шуниям билмайсанма, уканг-да. Ҳеч балoга тушунмайдиган одамди чулчит дейди. Ҳали билмайман, қандай қип уни одам қилиб оламиз... Агар хотини бўлса, отангнинг қирқи ўтганидан кейин элга билдирув қип қўяйлик. Тўй қиламиз деса кўнма. Отамнинг йили ўтмай туриб, бу уйда танғир-тунғир бўлмайди, дегин.

Укасининг кўрсатган муруввати туфайли бир қоп пулни орқалаб кўргач, ғоз юришни одат қилиб олган Равшан ёлғиз ўзи оғилхона томонда у ёқдан-бу ёққа хаёл суриб бориб-келаётган Рустамнинг олдига борди-да, укасининг ўзбек тилини билмаслигини ҳам унутиб, энасининг гапларини унга айтди. Рустам ака-сига жилмайиб қараган кўйи елкасини қисди.

— Оббо, — деди Равшан бошини қашлаб, — энам айтганича бор-да, чулчитдан фарқинг йўқ.

У таржимон иш билан қаёққадир кетганлиги сабабли хотинлари билан бирга ўтирган Анжеланинг

ёнига борди. У ерда ҳам асосан иккала овсин ўзаро гаплашишар, Анжела уларнинг ҳеч бир сўзига тушунмасдан гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг оғзига анграйиб ўтирарди. Равшаннинг армияга бориб келгани фойда бериб, чала-чулпа русча гапириб, Рустамга ким бўлишини жувоннинг ўзидан сўради. Анжела унинг гапидан кейин қизариб кетди ва бу ҳақда яхшиси Рустамнинг ўзидан сўраш кераклигини айтди.

— Унингга ҳеч балони тушунтириб бўлмаяпти, юр, ўзинг сўраб бер, — деди Равшан.

Акасининг саволи Рустамни ўйлантириб қўйди. Хотиниммас, деса, Анжела у билан куну тун бирга. Бунинг устига, ундан ҳомиласи ҳам бор. Хотиним дейдиган бўлса, буям ҳақиқатдан йироқ. Шу боисдан у бироз муддат ер чизиб турди-да, кейин умид билан унинг кўзига тикилиб турган Анжелага:

— Акамга айт, сен менинг хотиним бўласан, — деди.

Бундай хушxabарни эшитган Анжеланинг кўзидан ёш сизиб чиқди ва Равшаннинг борлигига эътибор ҳам қилмасдан Рустамнинг бўйнига осилиб олиб, унинг лабидан ўпди. Буни кўрган Равшан бирдан ерга қаради. Нарироқда уларни кузатиб турган кампир:

— Ҳаҳ, бетингдан бузилгур, — дея Анжелани қаргади.

Яхшигина томошага гувоҳ бўлган овсинлар эса бирдан кулиб юборишиб, бир-бирига қарашди.

— Унда айт эрингга, — деди Равшан ерга қараганча гапириб, — отамнинг қирқи ўтганидан кейин кўй-пўй сўйиб элнинг олдидан ўтиб кўямиз.

Гарчи Равшанининг сўзлари русчанинг бузилган шаклида талаффуз қилинган бўлса-да, Анжела ҳеч балони тушунмади. Зеро, у кўй сўйиб элнинг олдидан ўтиш нима эканлигини тасаввур ҳам қилолмас эди.

Кечга бориб уларнинг уйлари яна гавжумлашди.

Оқсоқол, серқатнов бўлиб қолган ҳокимият вакили, таржимон келишди. Тўрт-беш милиционер эса уларнинг уйлари тўғрисида, кўча четида туришди. Айнан кўчада турган милиционерлар Рустамнинг кўнглига яна бир марта гулгула солди. Унинг кўнгли бу ердаям худди Россиядагидек нималардир содир бўлаётганлигини сезар эди. Келгувчилар унчалик кўп ўтиришмади. Икки соатлар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб туришган бўлишди-да, бир косадан шўрва ичишиб, таржимонни қолдиришганча қайтиб кетишди. Шундан кейин Рустам Анжелага кўнглидан кечаётган ўйларни айтди.

— Эҳтимол, шунақа воқеалар содир бўлаётгандир ҳам, мен бу ёққа келаётганимизда, меҳмонхона ёнида бизни кузатиб турган Семённинг йигитларини кўргандай бўлувдим. Балки уларни бу ернинг милиционерлари сезиб қолишгандир. Шунинг учун биздан тез-тез хабар олиб туришгандир, — деди Анжела ўзига эр деб ҳисоблай бошлаган одамнинг кўзига тик қараб.

— Менинг кетгим келаяпти, Анжела, — деди Рустам кутилмаганда. — Бу ерда кўпроқ қоладиган бўлсам, қариндошларимни ҳам ташвишга солиб қўяман. Энг яхши йўл тезроқ Америкага кетиш. У ерда ҳам ишларим қалашиб қолган.

— Менимчаям, шундай қилсанг тўғрироқ бўлади. Мана, қариндошларингни топиб олдинг. Энди истаган пайтда келиб кетишинг мумкин.

Эртасига эрталаб Рустам таржимон орқали ўзининг мақсадини акасига айтди. Унинг гапини эшитиб Равшаннинг капалаги учиб кетди.

— Бунинг калласи айниб қолганми? Нималар деяпти ўзича? Шунча вақт изғиб юргани етмайдими? Ҳеч қаерга бормайсан! Бир йўқолиб отамдан айирдинг, энди бизларга энаниям ортиқча қилиб қўймоқчимисан?! — бақирди у.

Рустам унга тезда қайтиб келишини, вақтинчалик Америкага бориб келмаса бўлмаслигини тушунти-



ришга уринди. Аммо фойдаси бўлмади. Шундан кейин у таржимон билан бирга энасининг ёнига борди. Эна акаданам ошиб тушди:

— Пишириб қўйибдими сенга у ёқда?! Кетсанг сени оқ қиламан! — дея бақириб берди у ўғлига.

Рустам нима деярини билмай қолди ва қизариб-бўзариб нари кетди. Туш пайтида улардан хабар олгани келган оқсоқол Рустамнинг қовоқ-тумшуги осилиб юрганлиги сабабини таржимондан сўраганида, у бўлиб ўтган гапларни гапириб берди. Кўпни кўрган, катта-кичик билан доим алоқада юрган оқсоқол таллай муддат ўйланиб қолди, сўнг сўрининг устида ўғлидан баттар ғамга кўмилиб ўтирган кампирнинг олдига борди-да, гапни узоқдан бошлаб, аввал кампирни эритиб олгач, Рустамни яна бирозгинага қўйиб юбормаса бўлмаслигини, ўғли бориб уч-тўртта туманни бемалол сотиб олишга етадиган пулни олиб келиши лозимлигини айтди. Кампир дарровда унинг гапига кўнмади. Ўғлини яна йўқотиб қўйишдан чўчиётганлигини айтиб йиғлади. Оқсоқол ҳеч ҳоли-жонига қўявермагач, ноилож кўнди.

Яна роппа-роса бир ҳафта туғилган қишлоғининг ҳавосидан нафас олган Рустам аэропортга борди. Бу ерда эса уни Вадимнинг одамлари кутиб туришар эди. Улар ҳам Рустам учадиган самолётга чипта олишди. Лекин ҳаммаси эмас, фақат иккитаси. Қолган иккитасига чипта етмади. Улар қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир чипта олишнинг эпини қилишолмади.

\* \* \*

Семённинг мотам маросимини ўтказаетган маҳал Вадим қўриқчилар сонини кўпайтирди. Улар ҳар битта келган авторитет ва уларнинг одамларини кўз узмасдан кузатишди. Ҳартугул, ҳеч ким Вадимга ёмонлик тиламаган экан. Маросим якунига етганидан кейин ҳар ким ўз “ини”га кетди. Шундан кейингина бироз нафасини ростлаган Вадим Ўзбекис-

тон билан боғланиб, яна бир марта вазиятни аниқлаштириб олди.

Унга Рустамнинг Америкага учганлиги ҳақидаги хабар келиши билан ҳар эҳтимолга қарши Москвадан Нью-Йоркга яна иккита йигитини жўнатди.

Рустам Америкага етиб борганидан кейин ўзини анча эркин ҳис этди ва ишига шўнғиб кетди. Анжела эса кун бўйи уйда ўтирар, тобора каттариб бораётган қорнини қувонч билан силаб қўяр эди.

Орадан саккиз кун ўтганидан кейин Анжела ҳовлида сайр қилиб юрганида хизматкорлардан бири уни кимдир йўқлаб келганлигини айтиб қолди. Жувон аввалига ҳайрон бўлди. Чунки уни бу ерда сўраб келиши мумкин бўлган таниши йўқ эди. “Балки Рустам биронта одамни менинг ёнимга иш билан жўнатгандир”, — деган ўйда жувон хизматкорига меҳмонни бошлаб келишни буюрди.

Жигарранг костюм-шим кийган, кенг елкали, сочи калта олинган йигит Анжеллага яқинлашиб келди-да:

— Хоним зерикмаяптиларми? — деди соф рус тилида. — Сизга Семёндан салом. У сизни тезда ўзининг ёнига етказишимни сўраган.

— Ним-ма?! — деди ҳайратдан қотиб қолган Анжела.

— Ўтганларнинг васияти албатта ижро бўлиши шарт, — дея йигит ёнидан тўппонча чиқарди-да, Анжеланинг қорнига тўғрилаб, тепкини уч марта босди...

Қотил узоққа қочиб кетолмади. Рустамнинг тансоқчилари уни ҳовлидан чиқиш жойида отиб ташлашди.

Йигирма дақиқа ичида уйига етиб келган Рустам Анжелани кучганча юм-юм йиғлар эди...

Рустам Анжеллага қаттиқ боғланиб қолганлигини уни дафн қилишганидан кейин билди. Юрса ҳам, турса ҳам у хаёлидан кетмас эди. Устига-устак, уйдаги ҳамма нарсалар уни эслатарди. Шу боис, у ичкиликка ружу қўйди. Эрта тонгдан кетма-кет икки

қадақ ароқ ичар, сўнг Анжелани эслаб кўз ёш тўка бошларди. “Сен менга меросхўр туғиб беришинг керак эди. Лекин, нега сенга умид боғлаганимда кетиб қолдинг?” — дея бўзларди у ич-ичидан эзилиб.

Бир ой шу алпозда ўтганидан сўнг, болалигидан кадрдон дўсти Френк чидаб тура олмади.

— Нимага бунча мотам тутасан? Бас қил! Ўзингни қўлга ол! — дея бақирди у.

— Сен билмайсан-да, Анжела менга...

— Нима бўлган тақдирдаям!.. — дея Рустамни гапиртиришга йўл қўймади у.

— Ахир қандай қилиб?! Мен ундай оқила аёлни энди қаердан топаман?!

— Шу гапни сен айтаяпсанми? Сени таниёлмай қолаяпман. Эсингдами, менга доим: “Ўзимнинг миллатимдаги қизга уйланаман”, дердинг...

— У пайтда Анжела йўқ эди.

— Ҳозир ҳам йўқ.

— Бўлди, гапирма! — дея Рустам бақириб юбориб шишага қўл узатган эди, дўсти ароқни олиб, полга зарб билан урди, шиша чил-чил бўлиб кетди. Алами келган Рустам хизматкорга бошқасини олиб келишни буюрди. Аммо унинг гапи бу сафар ўтмади. Тўғрироғи, хизматкорларни Френк йўлдан қайтарди. Шундан кейин Рустам сочини гижимлаганча бошини эгди.

Шу куни амал-тақал қилиб ухлаб, саҳарлабдан уйғонган Рустам деразадан узоқ-узоқларга термилганча бир соатга яқин турди. Сўнг миясига ғаройиб фикр келиб, чўмилиш хонасига кирди ҳамда шошилмасдан анча вақт сувнинг ичида ётди.

У ювиниб чиққанида, Френк илжайганча уни кутиб турарди.

— Кўрқма, — деди Рустам ҳам унга жилмайиб қараб, — ичганим йўқ. Умуман, ичиш ниятим ҳам йўқ. Биласанми, хаёлимга нима келди?

— Гапир, эшитаман, — деди қоровой Рустамнинг бир кечада яхши томонга ўзгарганидан хурсанд бўлиб.

— Ўзбекистонга кетаман. Яқинларим билан кўришиб келай. Шунда зора ўзимга келсам.

— Бу гапинг ҳақиқатан ҳам ўзингга келганингни билдириб турибди. Фақат бу сафар бир ўзинг кетмайсан. Менам сенга қўшилиб бораман. Оиланг билан танишмоқчиман.

— Улар сени кўришса, хурсанд бўлишига аминман, — деди Рустам дипломатларча гапириб.

— Унда мен аэропортга кўнғироқ қилиб, чиптага буюртма берай, сен нонушта қилиб тур, — дея Френк илдам қадамлар билан эшик томонга йўналди.

Бироқ улар ортиқча шошилишган эди. Самолёт фақат тушдан кейин бўларкан. “Бунисиям яхши бўлди. Унгача ишхонага бориб, баъзи ишларни кўриб чиқаман”, дея ҳаёлидан ўтказди Рустам.

Рустам ҳам, унинг дўсти Френк ҳам аввалгига нисбатан анча пишиқ бўлиб қолишганди. Улар аэропортга боришларидан олдин бешта тансоқчини у ёққа юборишди. Ўзларини иккита машина кузатиб борди. Миясида эртароқ Ўзбекистонга етиб бориш ўйи маҳкам ўрнашиб олган Рустам, нақ бошига тўғрилланган тўппончанинг икки сонияда ишга тушишини билмасди. Аммо тансоқчилар Вадимнинг икки йигитини ҳам сезиб қолишди. Қасд қилганлардан тўппончасини Рустамга биринчи бўлиб тўғрилагани кўлини олдинга чўзиб профессионал отувчилигининг обрўсини тушириб қўйган эди. Эҳтимолки, унинг ўрнида бошқа бўлганида ҳам шундай қиларди. Чунки Рустамни қидиравериш, Вадимнинг сўкишларини, дўқ-пўписаларини эшитавериш уларнинг жонига тегиб кетган, биринчи имкониятданоқ ўлжани саранжомлаб, бу ерлардан жуфтакни ростлаб қолиш фикри уларнинг миясига ўрнашиб қолганди.

Тансоқчи Рустамни уриб юбориб, пастга қулатди. Ўзи ҳам унинг устига йиқилди. Шу пайт тўппончанинг варанглаган овози эшитилди. Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Кимдир қочаман деб йиқилган, кимдир бақирган, полициячилар ҳам югуриб қолиш-

ганди. Рустамни “овламоқчи” бўлганлар эса қочишга тушишган эди. Аммо улар узоққа боришолмади. Аэропорт эшиги ёнида тансоқчилар томонидан қўлга олинди.

\* \* \*

Вадим Америкадан хабар келмай қолганидан кейин алам билан муштини тугиб у ёқдан-бу ёққа бориб келди. Сўнг қўл телефонини олиб, Эдуарднинг рақамини терди. Аммо унинг телефони ўчирилган эди. “Падарингга лаънат, жухуд!” — дея қичқирди у ва йигитларидан бирини чақириб, тезда Эдуардни топиб келишни буюрди. Сўнг ўзи шкафдан коньяк шишасини олиб, қадаҳга тўлатиб қуйди-да, бир кўтаришда бўшатди. Сигарета чекди. Бироқ ички ғам уни барибир ўз ҳолига қўймади. Шундан кейин сигаретасини ўчиришни ҳам унутиб, полга отиб юборди-да, ташқарига чиқди. Ва ўзининг уйига қарама-қарши бўлган баланд бинонинг тепасида қандайдир шарпа юрганлигини кўриб, шу томонга қараганча бироз туриб қолди. Шарпанинг нега у ерда турганлигини англаб етганида эса кеч бўлган эди. Снайпер унинг икки қоши ўртасини аниқ нишонга олиб, тепкини босди...

\* \* \*

— Семён обрўли одам эди. Хор бўлиши мумкин эмасди. Лекин Вадим номардлик қилиб, уни ўлдирди. Оқибатда, биз унга уруш эълон қилишга мажбур бўлдик. Лекин нима бўлгандаям унинг ҳурматини жойига қўйиб кўмишимиз керак. Қани, дўстларим, ўтганларнинг хотираси учун ичайлик, — дея ўрнидан турди Дев ва ўзининг қадаҳидаги ароқни бир кўтаришда бўшатди.

Шунинг билан “миллиардер ови” ниҳоясига етди. Чунки Дев Рустам тўғрисида умуман ҳеч нарса билмас эди.

\* \* \*

— Ўзимнинг гадой болам, — деди кампир боласининг юз-кўзидан ўпар экан, — мен сени яна бир-

икки йилга санқигани кетди, деб ўйловдим. Ҳар қалай, энангни эсингдан чиқармабсан.

Рустам онаси билан кўришиб бўлганидан кейин Френкни кўрсатиб:

— Бу менинг болалиқдан қадрдон дўстим, — деди.

Таржимондан ўгли нима деганлигини тушуниб олган кампир:

— Бунча қора бўмаса бу, — деди афтини буриштириб, — ўзиям негрга ўхшайди.

Таржимон кампирнинг гапларини силлиқлаб инглизчага ўгирди. Шундаям мазмун-маънони ўзгартиролмади. Рустамга қўшилиб ўзи билан бирга келган учта тансоқчи-ю, Френк ҳам бу гапни эшитиб кулиб юборишди.

— Ўзи қора бўлсаям, кўнгли оппоқ, — деди Рустам онасига қараб. Таржимон орқали боласи билан гаплашишга ўрганиб қолган кампир дарров “даллол”га қаради. Ундан ўглининг гапининг ўзбекчасини эшитгач:

— Болам, тиркавичсиз бир жойга боралмайсанма, дейман? Илгари бир чулчит билан келувдинг. Энди жўрангдан бошқа яна учтасини етаклаб олибсан. Яна шу чулчитинг билан келаверсанг бўмасмиди, унга анча ўрганиб қолувдик, — деди.

— Чулчит деб кимни айтаяпсиз, хола? — дея сўради таржимон кампирга тиржайиб қараб.

— Ўтган марта келувди-ку, битта аял билан, — деди кампир пешонасининг ажинларини багтар кўпайтириб.

Рустам таржимондан гап Анжела ҳақида кетаётганлигини билганидан кейин бошини эгиб, бироз жим бўлиб қолди, сўнг:

— У энди йўқ. У ўлди... — деди пичирлаб.

— Эй, бечора, жойи жаннатдан бўсин. Истаралигина хотин эди... Сен кўп қайғурма, дарахтни силкитсанг қиз ёғилади ҳозир. Ўзим сени қишлоғимизди энг олди қизига уйлантириб қўяман. Ўзиям сен келиб кетганингдан кейин қизи борларнинг ҳамма-

си афсусланиб қолишди. “Агар хотини бўмаганда қизимни берардим”, деб.

Шундай дея кампир укасининг ёнида илжайиб турган Равшанга қаради-да:

— Бор, хотинингга айт. Анави куни мендан бес-ўров талтайиб оберган кўйлагингни кийсин, Мамаражабди қизига борамиз, ўзиям уни қизи бирам қиз бўган, ўнинчини битириб, оқи оққа, қизили қизилга айрилиб турибди, — деди.

— Эна, — деди Равшан бирдан қовоқ-тумшуғи осилиб, — Рустам йўлдан чарчаб келган, аввал бунга чой-пой қилайлик, ундан кейин борарсиз шу Мамаражаб аканикига.

— Буни биламан, кегандан кетаманга тушади. Сен бўлса, менга ақл ўргатмасдан бориб хотинингга айт, тез бўсин. Ўзи охириги пайтларда унингам тоза таннозлашиб қолган.

Равшан ноилож ўрнидан турди. Таржимондан акаси билан онаси нима деганлигини билиб олган Рустам:

— Ҳали бироз эрта-ку. Бунинг устига, мен у қиз билан таниш эмасман. Аввал танишай, беш-олти кун гаплашиб юрай. Агар бир-биримизни ёқтириб қолсак, ундан кейин уйланарман, — деди бироз хижолат тортиб. Таржимон бу ернинг одати тўғрисида унга тушунтириб ўтирмасдан, унинг гапларини тўғридан-тўғри онасига таржима қилиб берди.

— Вой ўлмасам, вой шарманда! Сенда уят-пуют деган нарсадан борми, болам? Ўзи олдинги келганинда чулчит билан кучоқлашиб юрганингни кўриб, ерга кириб кетай девдим. Танишишмиш, яна бирга юриб кўраймиш, ҳе, бетингдан олсин сени! — деди кампир жаҳл билан, кейин катта ўғлига қараб: — Равшан, сен ўзинг буларга чой-пой қип тур. Биз тез бориб келамиз. Ҳа, уканга айт, мошинни ўнғайласин. Буни мошинида борсак, Мамаражаб типирчилаб қолади.

Кампир кетганидан кейин тансоқчилар-у Френк ажабланди.

— Шунақасиям бўладими? — деди Френк.

— Бўларкан-да, — деди Рустам қўлларини икки ёнга ёзиб.

Кампир биринчи сафар ишни пишириб келмаган эса-да, кейинги боришида Мамаражаб аканинг розилигини олиб келди. Рустамнинг кўнгли бироз таскин топди. У бу таскинни уйланаётганидан эмас, балки яқинларининг орасида эканлигидан деб билар эди.

У қизни фақат тўй куни кўрди. Кўрди-ю, унга тикилиб қолди. Лола (келинчакнинг исми) шунақа гўзал эдики, шунақа ибо билан бош эгиб турар эдики, Рустамни ҳаяжон босди.

Тўйдан сўнг бир ҳафта ўтгач, Рустам кетиш тайёргарлигини кўра бошлади. Кампир аввал бунга қаршилиқ қилиб турган эса-да, кейин ноилож рози бўлди.

Рустам самолётда Лоланинг елкасига бошини қўйди. Оппоқ юзи бироз қизарган келинчак уялганидан кўзини ерга тикди.





Адабий-бадиий нашр

*Ўзбек тилида*

Нуриддин ИСМОИЛОВ

## МИЛЛИАРДЕРГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

*Саргузашт-детектив роман*

*Муҳаррир* Нормурод Нарзуллаев

*Дизайнер* Сергей Бауэр

*Техник муҳаррир* Зокиржон Алибеков

*Мусахҳиҳ* Отабек Сафаров

*Саҳифаловчи* Фафуржон Мадалов

ИБВ 3968

Босишга 20:01.2006 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Босма табағи 12. Адади 5000.  
№1 сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

«Ношир» масъулияти чекланган жамияти.  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчасидаги савдо растаси,  
пастки қатор.

